

Ҳайдар ХОЛОВ



МУРУВВАТ
ЙЎЛИДА

614(07)

X 730

Ҳайдар ХОЛОВ

МУРУВВАТ ЙЎЛИДА

*Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ва унинг
Самарқанд вилоят ташкилоти тарихи ва фаолиятдан*



87856p

«ТАФАККУР» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ – 2015

УЎК: 372.8.58 (072)

74.262.85

X-64

Холов, Ҳайдар.

Мурувват йўлида: Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ва унинг Самарқанд вилоят ташкилоти тарихи ва фаолиятдан / Ҳ. Холов. – Т: «Тafakkur» нашриёти, 2015, 144 б.

«МУРУВВАТ ЙЎЛИДА»

Ҳайдар Холовнинг мазкур китоби унинг 22 йил давомида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд вилоят ташкилотининг турли бўғинларида кўрсатган фаолиятининг самарасидир. Китобда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ва унинг Самарқанд вилоят ташкилотининг ташкил этилиш тарихи, ўтган 90 йил давомида фаолият йўналишлари бўйича амалга оширган ишлари, Ўзбекистон Мустақиллигидан кейинги давр ичидаги фаолияти ва тараққиёти, шу жумладан, хорижий мамлакатларга кўрсатилган мурувват ёрдамлари ҳақида ҳам айрим маълумотлар келтирилган.

Китоб Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг ходимлари, кўнгилчилари, жамоатчи фаоллари ва кўп минг сонлик аъзолари учун мўлжалланган бўлиб, Қизил Ярим ой жамияти ишини ривожлантиришга ва самарали фаолият олиб боришига ижобий таъсир кўрсатади, деб умид қиламиз.

Илҳом УСМОНОВ,
Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти
Самарқанд вилоят ташкилотининг
ижрочи директори

УФК: 372.8.58 (072)

КБК 74.262.85

ISBN 978-9943-24-178-7

© Ҳайдар Холов,
© «ТАФАККУР» нашриёти, 2015 й.



*Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг
90 йиллигига бағишланади.*

СЎЗ БОШИ

1 1991 йилда мени Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Самарқанд вилоят кенгашига ишга таклиф қилишди. Аввалига бошқа бир жойда иш топгунга қадар ишлаб тураман деган ниятда рози бўлдим. Бошда вилоят кенгаши раисининг ўринбосари, кейинчалик эса ташкилий бўлим бошлиғи, фавқулудда вазиятлар бўйича мутахассис, ижрочи директор ва шу билан биргаликда маълум бир қисқа муддатларда вилоят ташкилоти раиси вазифасини бажарувчи вазифаларида – жами 22 йил давомида бу ташкилотда ишладим. Янги ишга келган пайтларимда асосий вазифам билан биргаликда хўжалик ишлари бўлими мудирининг ҳам вазифасини бажаришга, яъни мурувват юкларини қабул қилиб олиш ва тарқатиш билан ҳам шуғулланардим. Жамият фаолияти билан менинг шахсий хислатларим бир-бирига тўғри келди ва 2013 йилнинг бошида нафақага чиққунга қадар бу ташкилотда завқ билан ишладим. Жамиятнинг маблағи бўлмаганда пулсиз қолган вақтларим ҳам, шу жамият орқасида жаҳон кезган пайтларим ҳам бўлди. Буларнинг ҳаммасида ҳикмат бор деб билдим ва бу ҳикматни англадим.

Мен ёзувчи эмасман. Аммо Қизил Ярим ой жамиятида ишлаган давримда Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Ҳаракатининг пайдо бўлиш тарихи, унинг жаҳондаги турли мамлакатларда олиб бораётган инсонпарварлик фаолияти, Ўзбекистонда, шу жумладан Самарқанд вилоятида пайдо бўлиш тарихи билан жуда қизиқардим ва имкон туғилганда уни ёритиш учун материаллар тўплаб борардим. Вилоят ташкилотининг жонкуяр ходимлари, айниқса, маълум бир муддат унга раҳбарлик қилган



Зоя Салаховани кўрмаганман, аммо унинг ишлари ҳақида кўп эшитгандим ва у ҳақида батафсил маълумот бериш истаги пайдо бўлганди. Кейинчалик эса Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ташкил этилганлигининг 90 йиллиги яқинлашиб келаётган бир даврда тўплаган материалларимни умумлаштириб, юбилей олдидан каттароқ ҳажмда маълумотлар ёзиб қолдиришни маъқул деб билдим. Келажакда бу жамиятда ишловчи кишиларга кўмак бўлади деган ниятда жамият тарихи ва фаолиятини, ундаги соф ниятли кишилар ҳақидаги воқеалар жараёни қандай кечган бўлса, айнан шундай ёритишга ҳаракат қилдим.

Берилган маълумотлар архив материалларидан ташқари мен ишга келгунимча ёзиб қолдирилган турли ёзма манбалардан, альбом материалларидан ва жамиятда фаолият кўрсатган собиқ ходимлар тилидан ёзиб олинган.

Ташкилот номи турли даврларда қандай номланган бўлса, ўша шаклда берилди.

Ушбу китоб Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ташкил этилганлигининг 90 йиллигига бағишлаб тайёрланган китоб билан бир-бирини тўлдиришига умид билдирамыз.



ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШ ТАРИХИ ВА ФАОЛИЯТИДАН ЛАВҲАЛАР

1 1925 йил 30 апрелда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш Халқ Комиссарлиги (ҳозирги Соғлиқни сақлаш вазирлиги) нинг коллегия йиғилишида (Самарқанд шаҳри, Коммунистическая (ҳозирги Шоҳруҳ кўчаси, 13) Халқ Комиссари Абдурашид Абдужабборов ўзи иштирок этган СССР Соғлиқни сақлаш Халқ Комиссарлиги съезди ҳақида ахборот бериб, Ўзбекистонда Қизил Ярим ой жамиятини тузиш ҳақида таклиф киритади. У ўзининг ўринбосари Парфеновга Тошкент шаҳридаги Қизил Хоч ваколатхонасининг амалий фаолияти ҳақида маълумот тайёрлашни топширади.¹

Айтиб ўтиш лозимки, 1990 йилдан бошлаб Туркистонда Россия Қизил Хоч жамиятининг округ бошқаруви фаолият олиб бораётган эди. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида Қизил Хочнинг биринчи ташкилоти 1890 йилда Тошкентда ташкил этилган айнан ўша Россия Қизил Хочининг Округ бошқармаси бўлиб, унда 55 киши ишларди. Округ бошқармасида 1898 йилда 9 ҳамширадан иборат таркибдаги саховат ҳамширалари жамоаси ташкил этилди. Улар аҳолининг муҳтож қатламларига ёрдам бериш билан биргаликда, вабо, чечак, қизилча, терлама ва бошқа юқумли касалликлар эпидемиясига қарши курашда қатнашишарди.

1922 йилда Россия Қизил Хоч Жамияти Тошкентда ўзининг расмий ваколатхонасини очди. Жамият ташкилотлари шу даврда кўпгина корхоналарда биринчи ёрдам пунктлари ва саломатлик ячейкаларини ташкил қилишди.

1920-1924 йилларда Туркистон Республикасининг sanoat корхоналарида биринчи ёрдам пунктлари ташкил этилган бўлиб, меҳнаткашлар ўртасида соғломлаштириш ва профилактика ишлари бўйича маълум даражада фаолият олиб бораётган эди.

¹ *Архив материаллари. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш Халқ Комиссарлиги коллегияси 6-йиғилишининг Баённомасидан кўчирма.*



Шунингдек, турли плакатлар, шиорлар ва адабиётлар ёрдамида санитария маорифи ишлари олиб бориларди. Соғлиқни сақлаш ячейкаларини ташкил этиш шу даврларда бошланиб, уларнинг негизда кейинчалик Қизил Ярим ой жамиятининг бошланғич ташкилотлари тузилди.

1925 йил 20 июнда Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Қўмитасининг Катта раёсат йиғилишида Соғлиқни сақлаш Халқ Комиссариатининг (ўртоқ А. Абдужабборовнинг) ҳисоботи тингланди. Йиғилиш натижалари бўйича қуйидагича қарор қабул қилинди: Соғлиқни сақлаш фаолиятини юргизишда бошқа муҳим вазифалар қатори Ўзбекистон шароитида санитария маорифи ишини олиб бориш ҳам муҳим деб ҳисоблансин. Шу ишни амалга оширишга барча давлат ва нодавлат ташкилотлари жалб этилсин. Соғлиқни сақлаш Халқ Комиссарлигига санитария жамиятларини тузиш, бу ишни амалга ошириш бўйича йўриқнома ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш топширилсин.²

1925 йилнинг 14 ноябрида “Ўзбекистон ССР Қизил Ярим ой жамияти ҳақида”ги Низом тасдиқланди. Айнан шу кун Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ташкил этилган кун деб ҳисобланадиган бўлди.³

1925 йил 3 декабрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Марказий Ижроия Қўмитаси “Ўзбекистон ССР Қизил Ярим ой жамияти Қоидалари ҳақида”ги Қарорини чиқарди.

1926 йил 8-15 май кунлари Самарқандда **Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг I Конференцияси** ўтказилди. Унда жамиятнинг Марказий Комитети ва Тафтиш Комиссиясининг таркиби тасдиқланди. Ташкилий масалалар билан биргаликда галдаги вазифалар белгилаб олинди. Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона округ ташкилотлари ва уларда район ташкилотлари ташкил этилди. Бухоро, Урганч ва Самарқанд шаҳарларида оналик ва бола-

² *Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Қўмитасининг Катта Раёсати йиғилиши Баённомасидан кўчирма.*

³ *Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Қўмитасининг Катта Раёсати йиғилиши Баённомасидан кўчирма.*



ликни муҳофаза қилиш маслаҳатхоналари, Тошкент шаҳрида ишчилар учун кундузги санаторий ва биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича 20 та тўғараклар ташкил этилди. 1926 йилда Қизил Ярим ой жамиятининг ёрдамида шаҳар қуёш билан даволаш сиҳатгоҳида ўпка касалликлари билан хасталанган мактаб ёшидаги болаларни даволаш учун 66 та ўрин ажратилади.

1926-1930 йилларда Қизил Ярим ой жамиятининг Марказий Қўмитаси бутун Республика ташкилоти ишига раҳбарлик қилган. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш Халқ Комиссариати 1927 йилнинг 5 феввалида Ўзбекистондаги барча округ соғлиқни сақлаш бўлимларига "Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятига кўмаклашиш" ҳақида хат юборган.

1927 йилнинг 20-24 декабрида Самарқанд шаҳрида **Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг I Бутунўзбек Қурултойи** бўлиб ўтди. Қурултойда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш дастури қабул қилинди. Қурултойда ташкилий масала кўрилиб, Абдурашид Абдужабборов Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Марказий Қўмитасининг раиси, Йўлдош Охунбобоев эса Жамиятнинг Фахрий раиси этиб сайланган.

Бу пайтда Республикада Қизил Ярим ой жамияти аъзолари сони 2000 кишини ташкил этарди. Жамиятнинг нимжон болалар уйи, ёш пионерларнинг иккита амбулаторияси, мактаб диспансери, болалар ошхонасига эга бўлган маслаҳат бўлими, кўз даволаш шифохонаси, қуёш билан даволаш шифохонаси, иккита "Санитария ва гигиена" дўкони каби даволаш-санитария тизими мавжуд эди. Шунингдек, ташкилотнинг пул ресурслари мавжуд бўлиб, қардош республикаларда содир бўлган офатларда ёрдам бериш учун имкониятлари ҳам мавжуд бўлган. Арманистон ССРдаги Ленинанкан шаҳрида содир бўлган зилзиладан жабрланганларга ва Озарбайжон ССРнинг Қорачой ҳудудида содир бўлган ёнғиндан зарарланганларга пул маблағлари билан ёрдам кўрсатилган.

1927 йилда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш органларига ўрашбоғлаш материаллари етишмаслиги сезилади. Округларнинг соғлиқни сақлаш бўлимлари бир неча марта Республика соғлиқ-



ни сақлаш Халқ Комиссарлигига эркин бозордан ҳеч бўлмаса саллаларни сотиб олишга рухсат бериш ҳақида мурожаат билан чиқишади. Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти бу эҳтиёжни ҳал этиш учун марказий корхоналарга буюртма билан чиқиб, 80 000 метр марли олади. Соғлиқни сақлаш Халқ Комиссарлиги вилоятлар соғлиқни сақлаш бўлимларига марли олиш учун Қизил Ярим ой жамиятига буюртма бериш ҳақида жойларга маълумот йўллайди.

1927 йилнинг 3 мартида Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия кўмитаси барча округ ва районларнинг ижроия комитетларига, қишлоқ советларига Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг вазифалари ҳақида мактуб йўллайди. Барча совет органларига Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг фаолиятида иштирок этишни, жамият аъзолари сонини кўпайтиришда кўмаклашишни, унинг маҳаллий комитетлари ва ячейкаларини рўйхатга олиш, расмийлаштириш ва мустаҳкамлаш, халқнинг соғлигини сақлаш ишида унинг иштирокини имкон даражасида оширишга қаратилган мазмунда мурожаат билан чиқади.

Ўзбекистон ССРнинг соғлиқни сақлаш Халқ Комиссарлиги барча округларнинг соғлиқни сақлаш бўлимларига Қизил Ярим ой жамиятининг пуллик амбулаторияларини, тиш даволаш кабинетларини, тиш техник лабораторияларини, уйда ёрдам кўрсатиш пунктларини ташкил этишга ҳуқуқи борлигини маълум қилади. Бунда соғлиқни сақлаш органлари Қизил Ярим ой жамиятига қуйидаги қоидаларга амал қилган ҳолда кўмаклашишлари лозим эди:

1. Қизил Ярим ой жамиятининг пуллик даволаш муассасаларининг ривожланиши ёрдамнинг у ёки бу турига бўлган ҳақиқий талабга асосланган бўлиши керак;

2. Пуллик даволаш муассасалари тўласинча малакали ёрдам кўрсатмоғлари зарур бўлиб, бундан мақсад даромад олиш бўлмаслиги ва меҳнаткашларга кўрсатиладиган ёрдам таннархдан ошмаслиги керак;

3. Қизил Ярим ой жамияти даволаш муассасаларининг ва округ соғлиқни сақлаш муассасалари врачларининг ўзаро ке-



лишмовчиликларига йўл қўймаслик керак. Аксинча, улар ўзаро ҳамкорликда ишлашлари лозим. Оқруғ соғлиқни сақлаш бўлимлари ўзларининг муассасаларида ишловчи врачларининг ишдан бўш вақтларида Қизил Ярим ой жамиятининг даволаш муассасаларида ишлашларига қаршилик кўрсатмасликлари лозим.

4. Кўпроқ малакага эга бўлган врачлар ишлаб чиқариш билан машғул бўлган ишчиларга бепул хизмат кўрсатувчи амбулаториялар ишига жалб этилмоғлари даркор. Бунда уларни мажбурламасдан, аксинча бепул хизмат кўрсатиш амбулаторияларида керак бўлган шароитларни яратиб бериш йўли билан амалга оширилиши керак.

5. Бепул хизмат кўрсатувчи амбулаторияларнинг врачлари ишдан бўш вақтларида Қизил Ярим ой жамиятининг пуллик амбулаторияларида ишлашлари мумкин.

1927 йилда Қизил Ярим ой жамияти ўзининг кўз касалликларини даволаш бўйича шифокорларининг малакасини ошириш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида кўз даволаш кабинетларини бир жойга тўплаш ҳақида қарор қилади. Жамиятнинг Самарқанд эски шаҳар қисмидаги собиқ кўз касалликлари шифохонаси малярия станциясига берилади.

1928 йилнинг январида Қизил Ярим ой жамиятининг таклифи билан санитария маорифи томонидан нашриёт уюшмаси ва “Ўзбекторг” клуби қошида биринчи ёрдам тугараклари ташкил этилади. Бу нарса одамларнинг соғлиги учун курашга соғлиқни сақлаш ходимларининг жамоатчиликни жалб этиш бўйича ташаббусларнинг биринчи намуналари эди.

Ўзбекистоннинг кўплаб ўқув юртлари, муассасалари, корхона ва хўжаликларида Жамиятнинг бошланғич ташкилотлари ташкил қилинди. Улар аҳолини шахсий гигиена ва касалликларнинг олдини олишга ўргатиш борасидаги ишларда фаол қатнашишди. Жамият кўнгилчилари ҳисобидан безгак, ришта ва бошқа юқумли касалликларга қарши кураш бўйича оператив отрядлар ташкил қилинди.

Бир қатор шаҳарларда даволаш-саломатлик муассасалари очилди. Қишлоқ туманларида амбулаториялар ва болалар боп-



чалари тармоқлари кенгайтирилди. Жамият уюштирган махсус курсларда қишлоқ жойлари учун тиббиёт ҳамширалари тайёрланар эди. Қизил Ярим ой жамиятининг санитария ва гигиена дўконлари, сартарошхоналар, овқатлантириш пунктлари ташкил этилди. 30-йиллар бошига келиб Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ўзининг маъданли сув ва гипс ишлаб чиқариш заводлари, дори-дармонларни қадоқлаш фабрикасига эга эди.

1930 йилда **Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг навбатдан ташқари II Қурултойи** ўтказилди.

1932 йилда бўлиб ўтган **III Қурултойда** аҳоли ўртасида оммавий ишларни, шу жумладан санитария мудофааси ишларини ривожлантириш вазифаси белгиланди.



Шафқат ҳамширалари фронтда.

1934 йилда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти санитар самолётларини сотиб олиб, Ўрта Осиёда биринчи бўлиб санитар авиациясини тузди. Бу нарса Ўзбекистоннинг етиб бориш қийин бўлган узоқда яшовчи аҳолисига зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этишни ривожлантиришда янги даврни очиб берди.

1936 йил 2-3 сентябрь кунлари **Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг IV Қурултойи**

бўлиб ўтди. Бу Қурултой Қизил Ярим ой жамияти ташкилотларининг аҳоли билан оммавий равишда иш олиб борилиши ва санитария мудофаасини юксалтирилишига янгича турки берди.

1936 йилда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти таркибида **Қорақалпоғистон Республика ташкилоти** ташкил этилди.

1938 йилда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти таркибида **Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Хоразм** областлари ташкилотлари ташкил этилди.



1941 йилда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти таркибида **Андижон ва Сурхондарё областлари** ташкилотлари ташкил этилди.



Ярапанган жангчига фронтдаги кўчма чодирда жарроҳлик ёрдамини кўрсатиш.

1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши даврида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг ташкилотлари 7 мингта тиббий ҳамширалар, 16 700 та санитар дружиналари аъзолари бўлган хотин-қизларни, 10 мингдан ортиқ санитар инструкторларни тайёрлади. Эвакуация госпиталларида Қизил Ярим ой жамиятининг 230 та тиббий ҳамширалари, 2000 та санитария дружинаси аъзолари хизмат қилишди. Жамиятнинг 17 мингдан ортиқ фаоллари Ўзбекистондаги госпиталларда ва саралаш станцияларида жамоатчилик асосида меҳнат қилишди. Урушнинг бошланиш пайтида 2 500 нафар тиббий ҳамширалар ва санитария дружиналари аъзолари кўнгиллилар қаторида фронтга жўнаб, армиянинг қисмларида олдинги сафларда туриб ярадорларга хизмат кўрсатдилар ва ҳукумат мукофотларига сазовор бўлдилар. Шулاردан қорақалпоғистонлик Салипа Кубланова, фарғоналик



Матлуба Эшонхўжаева, Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидан Рихси Мўминова, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳридан Антонина Пихтеевалар Халқаро Қизил Хоч Қўмитасининг олий мукофоти – Флорес Найтенгейль медали билан тақдирландилар.



Салипа
Кубланова



Матлуба
Эшонхўжаева



Рихси Мўминова



Антонина Пихтеева

1948 йил 12-14 май кунлари **Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг V Қурултойи** бўлиб ўтди. Қурултой Жамиятнинг Улуғ Ватан уруши ва ундан кейинги даврдаги фаолиятига баҳо берди. Шу даврга келиб жамият бошланғич ташкилотларининг сони 9 816 тага етиб, уларнинг сафларида 642 мингта аъзолар бор эди. Бу эса жамият энг оммавий ташкилотга айланганидан далолат берарди.

Шу даврда содир бўлган Ашхобод zilzilасидан жабрланганларга жамиятнинг ходимлари ва тиббий ҳамширалари яқиндан туриб ёрдам кўрсатдилар. Жабрланганлардан кўплари Тошкент шаҳрига кўчирилиб, госпитал ва касалхоналарда даволандилар.

1952 йил 15-16 майда **Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг VI Қурултойи** бўлиб ўтди. Қурултойда урушдан талафот кўрган мамлакатнинг халқ хўжалигини тиклашда Қизил Ярим ой жамиятининг иштирокига яқунлар қилинди. Асосий диққат соғлиқни сақлаш органларига ёрдам кўрсатишга қаратилди. Шу даврда жамият бошланғич ташкилотларининг сони 9 964 тани, аъзолари сони эса 935 мингтани ташкил этарди. Шунингдек, са-



нитария дружиналарининг сони 94 та, санитария постларининг сони эса 14 мингта-ни ташкил этарди.

1953 йилда **Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг навбатдан ташқари VII Қурултойи** бўлиб ўтди.

1956 йил 29-30 май кунлари **Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг VIII Қурултойи** бўлиб ўтди. Унда ҳисобот даври фаолияти муҳокама этилиб, жамият олдига қишлоқ аҳолиси ўртасида оммавий ишларни фаоллаштириш дастури белгиланди. Бу даврда бошланғич ташкилотлар сони 10 785 тани ташкил этиб, аъзолар сони 1 миллиондан ортиқ нафардан иборат эди.

1957 йилда **Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти таркибида минтақавий ҳуқуққа эга бўлган Ўрта Осиё Темир йўллари ташкилоти** ташкил этилди. Унинг тугунлари тизимидаги станциялар бошланғич ташкилотлари Темир йўл ташкилотининг таркибий қисмларига киритилди.

1960 йил 30 майда **Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг IX Қурултойи** бўлиб ўтди. Қурултой жамиятнинг тиббий ва санитар-гигиеник билимларни, айниқса қишлоқ аҳолиси ўртасида тарғиб қилиш бўйича фаолиятини таҳлил қилди ва янги вазифаларни белгилаб берди.

1962 йилда "Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг беморларга уйда тиббий хизмат кўрсатиш бўйича тиббий ҳамширалар Бюроси" ташкил этилди. 1962 йилда "Патронаж хизмати Бюроси"нинг 45 нафар патронаж ҳамширалари 7 400 нафар жамият қарамоғига олинганларга тиббий хизмат кўрсатишди, беморларнинг уйларига ташрифлар сони 66 мингтага етди.

1963 йилда **Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Сирдарё область ташкилоти** ташкил этилди.

1964 йил 16 июнда **Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг X Қурултойи** бўлиб ўтди. Унда жамиятнинг санитария-



Флорес Нейтенгейль медали



мудофаа ишлари бўйича фаолияти, аҳолини фавқулодда вазиятларда биринчи ёрдам кўрсатиш кўникмаларига ўргатиш ва бадалсиз қон топиришни тарғиб қилиш бўйича фаолияти якунлари таҳлил қилинди. 152 минг нафар кўнгилли санитар инспекторлари тайёрланганлиги ва 46 минг нафар фуқаролар беморларни уйда парваришlashга ўқитилгани таъкидлаб ўтилди.

Шу йили Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти таркибида **Қашқадарё область ташкилоти** ташкил этилди.

1966-1967 йилларда жамият кўнгиллилари 1966 йил 26 апрелдаги Тошкент zilzilаси талафотларини бартараф этишда ва жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш ишларида иштирок этишди. Жамият 3 000 нафар сандружиначилар ва кўнгиллиларни жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатишга жалб этди. Улар ҳовлима-ҳовли юришиб, беморларни топишда, ҳовли ва вақтинча чодирларда яшовчиларнинг аҳолидан хабар олиб, уларнинг яшаш шароитларини тартибга солишда кўмаклашдилар. Бошқа мамлакатлар ва республикаларнинг Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой ташкилотларидан, бошқа шаҳарлардан юборилган дори-дармонлар, озиқ-овқатлар ва пул маблағларидан иборат мурувват ёрдамларини тарқатишда иштирок этдилар.

1967 йил 23-24 март кунлари **Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг XI Курултойи** бўлиб ўтди. Курултой Жамиятнинг санитария-маориф ишларидаги фаолияти, аҳолини биринчи ёрдам кўрсатишга ўргатиш кўникмаларига ўргатиш ва бадалсиз қон топиришни тарғиб қилиш натижаларини якунлади. Бу даврга келиб бошланғич ташкилотлар сони 14 мингдан ортиб кетди ва улардаги аъзолар сони 3 миллион 293 минг нафарни ташкил этди.



Ашхобод zilzilаси харобалари. 1948 йил.

Шу йили Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти таркибида **Наманган область ташкилоти** ташкил этилди. 1971 йил 6-7 апрель кунлари **Ўзбеки-**



Собиқ СССР Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари съездида иштирок этган ўзбекистонлик делегатлар. Москва. 1959 йил.

стон Қизил Ярим ой жамиятининг XII Қурултойи бўлиб ўтди. Унда Жамиятнинг санитария-маорифи соҳасидаги ва тиббий билимларни тарғиб қилиш бўйича фаолияти яқунлари кўриб чиқилди. Бу даврга келиб 1 200 дан ортиқ брошюра, буклет ва бошқа адабиётлар тарқатилди.

1973 йилда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти таркибида **Жиззах область ташкилоти** ташкил этилди.

1976 йил 7-8 апрель кунлари **Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг XIII Қурултойи** бўлиб ўтди. Унда Жамиятнинг аҳолининг соғлигини сақлаш бўйича фаолияти натижалари яқунланди. Бу даврда юқумли касалликларни аниқлаш бўйича катта ҳажмда профилактика ишлари, санитария-маорифи ва тиббий билимларни тарғиб қилиш бўйича фаолият олиб борилди.

1980 йилда Самарқанд шаҳрида **Республика ўқув-методик маркази ташкил этилди**. 1980-1990 йиллар мобайнида мазкур марказ томонидан собиқ СССР Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари учун 4 мингдан ортиқ ходимлар, фаоллар ва Жамият кўнгилчилари тайёрландилар.

1981 йил 2-3 апрель кунлари **Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг XIV Қурултойи** бўлиб ўтди. Унда Жамият томо-



Тошкент zilzilаси вайроналари. 1966 йил 26 апрель.

нидан фаол тарғибот, санитар ва соғломлаштириш ишлари ва бадалсиз қон топширишни тарғиб қилиш фаолияти олиб борилганлиги таъкидланди. Шунингдек, бошланғич ташкилотлар таркибини мустаҳкамлаш ва жамият аъзолари сонини ошириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

1982 йилда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти таркибида

Навоий область ташкилоти ташкил этилди.

1986 йил 6-7 апрель кунлари Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг **XV Қурултойи** бўлиб ўтди. Қурултойда жамиятнинг 220 та шафқат ҳамшираларидан иборат патронаж хизматининг фаоллашгани таъкидлаб ўтилди. Бошланғич таш-



Арманистон. Спитак. 1988 йил.



килотлар фаолиятини мустаҳкамлаш, Жамиятнинг ходимлари ва фаолларини ўқитиш, Халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишларига эътибор қаратилди.

1988 йилда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти вайронагарчиликлар олиб келган Спитак (Арманистон) zilzilаси оқибатида жабрланганларга мурувват ёрдамларини кўрсатишда иштирок этди.

1989 йилда Жамиятнинг Патронаж хизмати базасида ёлғиз, кам таъминланган кексалар, уруш ва меҳнат ногиронлари, энг кам таъминланган фуқароларга хизмат кўрсатувчи меҳр-шафқат гуруҳи ташкил этилди. Шу йили Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг ташаббуси билан Бухоро шаҳрида қамоқдан озод этилган шахсларни ижтимоий кўникма қилдириш Кенгаши ташкил этилди. Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти томонидан ногиронларнинг "Матонат" спорт-соғломлаштириш клуби таъсис этилди.

1991 йил 16 майда **Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг XVI Қурултойи** бўлиб ўтди. Бу даврга келиб жамият аъзолари сони 9 миллион кишига етди. Жамият кенг аҳоли қатламлари ўртасида фаол тарғибот, тиббий-оқартув, санитар-соғломлаштириш ва бадалсиз қон топширишни тарғиб қилиш ишларини давом эттирди.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач жамият фаолиятида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. 1992 йил 28 майда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов "Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти тўғрисида" - ги Фармонни имзолади.

1992 йил 30 майда **Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг навбатдан ташқари XVII Қурултойи** бўлиб ўтди. Қурултойда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Суверен Ўзбекистоннинг мустақил жамоат ташкилоти деб эълон қилинди ва шунга мувофиқ Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Уставига тегишли ўзгартиришлар киритди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов ўзининг розилиги билан Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Фахрий Раиси этиб сайланди. Шу йилнинг 5 октябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-



маси ўзининг 458-сонли “Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти тўғрисида”ги Қарорини қабул қилди. Шу даврдан бошлаб ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи ўн кунлиги Республикада Қизил Ярим ой жамияти жамғармасига умуммиллий хайрия тўплаш ўн кунлиги ўтказиладиган бўлди.

1993 йил 29 январда Ўзбекистон Ҳукумати ва Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси ўртасида ХҚХҚнинг мақоми ва унинг Ўзбекистон Республикасидаги Минтақавий Ваколатхонаси ҳақида Келишув имзоланди. Шу йилнинг 23 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкентда Халқаро Қизил Хоч Қўмитасининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон Минтақавий ваколатхонаси ҳақида”ги Қарори қабул қилинди ва Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг фаол иштирокида ваколатхона ўз ишини бошлади. Худди шу йили Ўзбекистон Республикасининг Парламенти 1949 йилги Женева Конвенцияларини ва 1976 йилги унга Қўшимча Баённомаларни ратификация қилди. Бу эса Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерациясига аъзо бўлишида муҳим омил бўлди.



Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти XIV Қурултойи иштирокчиларини бир гуруҳи. Тошкент. 1981 йил апрель.



Шу йилги муҳим воқеалардан яна бири Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг меҳр-шафқат хизмати “Меҳр-шафқат хизмати” гуруҳи деб номланди ва ушбу гуруҳнинг шафқат ҳамширалари 1993-1995 йиллар давомида Швеция Қизил Хочи томонидан молиялаштирилди.

Шу йили Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтақўпир шаҳрида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Германия Қизил Хочи билан ҳамкорликда ушбу шаҳарнинг 20 минглик аҳолисини ичимлик суви билан таъминловчи сув тозалаш иншооти ишга туширилди. Айни шу кунларда нафақат дўконлар, балки доихоналар ҳам ҳувиллаб қолган бир пайтда, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Япония Қизил Хочи билан ҳамкорликда Республиканинг барча касалхоналарига юборилган дори-дармонлардан ва болалар овқатларидан иборат катта миқдордаги мурувват ёрдамларини жўнатишни бошлади. Октябрь ойида Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерациясининг IX Бош Ассамблеяси ва Делегатлар Кенгаши ишида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг делегацияси иштирок этди. Айнан шу йили Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси томонидан молиялаштирилувчи Қидирув хизмати ташкил этилди. Мазкур хизматнинг асосий мақсади йўқолган шахсларни топиш, қариндошлари ва яқин кишилари билан алоқалар йўқолганда улар билан оддий алоқа воситалари орқали алоқаларни ўрнатиш имконияти бўлмаган бир вақтда қидириш, оилаларни бирлаштириш ва Қизил Хоч мактубларини етказиб беришдан иборатдир.

Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерацияси томонидан Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятида зарур экспертиза жараёни ўтказилди. Унинг натижалари бўйича Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти мамлакатда ягона Миллий жамият деб эътироф этилди. Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятларининг XI Бош Ассамблеясида Ўзбекистон Миллий Қизил Ярим ой жамияти Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерациясининг 165-тенг ҳуқуқли аъзоси этиб қабул қилинди. Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Миллий



жамиятларнинг Федерацияга аъзо бўлганликни тасдиқловчи тегишли сертификат ёки диплом топшириш кераклиги ҳақида таклиф киритди. Ушбу ҳужжат аъзоликка қабул қилинганликнинг факти ва вақтини ҳамда ҳақиқийлиги ёритиб берган ҳужжат бўлиши керак эди.

1995 йилда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ва Германия Қизил Хочи билан Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ҳукуматлари доирасидаги келишувлар доирасида икки томонлама ҳамкорликнинг бошланиш ҳақидаги ҳужжат имзоланди. Ҳужжат Ўзбекистоннинг 5 та шаҳарларида зич яшовчи немис диаспорасига тегишли аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилгандир. Лойиҳа доирасида Бухоро шаҳрида (кейинчалик унинг филиалини Навоий шаҳрида) очиш, шунингдек, Гулистон, Самарқанд, Тошкент, Фарғона шаҳарларида Германия Қизил Хочи томонидан молиялаштирилувчи тиббий-ижтимоий марказларни очиш ва жиҳозлаш вазифаси келишиб олинди. Шу йилда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг тиббий ва ижтимоий-реабилитация Коллежи ташкил этилди. Айнан шу даврдан бошлаб мазкур коллежда ўрта бўғин шафқат ҳамшираларини ва махсус болалар муассасалари учун тарбиячиларни тайёрлаш бошланди.

1996 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг делегацияси "Тараққиёт йўлида ҳамкорлик" шиори остида Алмати шаҳрида ўтказилган Янги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари раҳбарларининг Биринчи Конференциясида иштирок этишди. Конференцияда 15 та Мустақил мамлакатларнинг Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Алмати Декларациясини қабул қилишди.

Норвегия Қизил Хочининг молиявий кўмагида Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерацияси томонидан Марказий Осиё Республикалари Қизил Ярим ой жамиятларининг фавқулудда вазиятларга тайёргарлик дастурини молиялаштириш бошланди. Ушбу лойиҳа доирасида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти томонидан фавқулудда вазиятларга



тайёрланиш бўйича 6 та минтақавий марказлар, 8 та қутқарув командалари тузилди. 20 дан ортиқ маҳаллалар аҳолиси фавқулодда вазиятларда қутқариш ва биринчи ёрдам кўрсатишга ўқитилдилар. Кўчки хавфи бўлган ҳудудларда 100 мингтадан ортиқ дарахт кўчатлари экилди.

1997 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг делегацияси Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерацияси ва Директорлар Кенгаши томонидан Испаниянинг Севелья шаҳрида ўтказилган XI Бош Ассамблеяси ишида иштирок этишди. Ассамблея Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерацияси, Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси ва Миллий жамиятларнинг вазифалари, ўзаро ҳамкорлик қилиш қоидалари ва уларнинг жавобгарликларидан иборат вазифаларини белгилаб берувчи Севилья Келишувини қабул қилди.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерациясининг XII Бош Ассамблеясида ушбу Федерация раҳбар органларидан бири бўлган Фавқулодда вазиятлар бўйича Устав комиссияси аъзоси этиб сайланди.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг делегацияси Даниянинг Копенгаген шаҳрида ўтказилган V Европа Конференцияси ишида иштирок этди. Конференцияда “Ҳаракат ва ҳимоя” шiori остида Копенгаген Декларацияси қабул қилинди. Шу ерда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Швеция, Норвегия, Франция, Финляндия, Исландия, Испания ва Нидерландия каби 7 та мамлакатларнинг Қизил Хоч Миллий жамиятлари билан икки томонлама ҳамкорлик келишувлари имзолади.

Марказий Осиё мамлакатлари Қизил Ярим ой Миллий жамиятларини Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерацияси томонидан молиялаштирилувчи (биринчи донор – Исландия Қизил Хочи) ахборот фаолиятини қўллаб-қувватлаш дастури (кейинчалик инсонпарварлик бойликларини тарғиб қилиш) дастурини молиялаштириш бошланди.



Халқаро Қизил Хоч Кўмитаси томонидан аҳоли ўртасида Халқаро инрсонпарварлик ҳуқуқларини тарғиб қилувчи узоқ муддатга мўлжалланган дастурни молиялаштириш бошланди.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг делегацияси Исландияга ташриф буюрди. Ўзаро Келишув доирасида "Янгийўл шаҳрида ногирон болалар учун тиббий-ижтимоий марказни ташкил этиш ва уларга реабилитация ёрдамни кўрсатиш" Дастури ҳақидаги шартнома тузилди.

1998 йил 5 июнда **Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг XVIII Қурултойи** бўлиб ўтди. Қурултойда Жамиятнинг Янги Устави қабул қилинди. Қурултой жамият раҳбар органларининг янги таркибини – Миллий Кенгаш ва Тафтиш комиссиясининг таркибини сайлади. Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Миллий Кенгаши раиси этиб Ў.Т. Воҳидова, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Фахрий Раиси этиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов сайланди.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг делегацияси Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерацияси ва Норвегия Қизил Хочи томонидан февраль ойида Норвегиянинг Осло шаҳрида ўтказилган ҳамкорлар учрашувида иштирок этди. Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти билан Нидерландия Қизил Хочи ўртасида Нидерландия Қизил Хочи томонидан молиялаштирилувчи "Янгийўл шаҳрида қариялар ва ногиронларни бепул овқатлантирувчи ошхона" билатераль Дастурини бошлаш бўйича келишувга эришилди. Мазкур Дастур 2,5 йил давомида муваффақиятли фаолият кўрсатди ва Ўзбекистон Қизил Ярим ойи билан Нидерландия Қизил Хочи ўртасида кўп йиллик самарали ҳамкорликни бошлаб берди. У "3 та "Ёшлар маркази"ни ташкил этиш", "4 та тиббий-ижтимоий марказларни ривожлантириш", "Аҳоли ва мактаб ўқувчиларини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш" Дастурлари доирасида 2004 йилгача давом этди.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг ўқув-методик марказининг (кейинчалик у "Инсонийлик" ўқув-методик маркази деб номланди) биносининг қурилиши тугалланди ва марказ янги бинода ўз фаолиятини давом эттирди.



Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерациясининг Император Шокен хоним фонди томонидан молилаштирилувчи "Инсонийлик" ўқув-методик марказида фавкулподда вазиятлар бўйича методик кабинет ташкил этиш дастури бошланди ва у 1998-1999 йилларда муваффақиятли якунланди.

Фарғона вилоятининг Шоҳимардон туманида сув тошқинидан зарар кўрган аҳолига озиқ-овқатлар ва кийим-кечаклар билан мурувват ёрдамлари кўрсатилди. Шунингдек, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти томонидан Шоҳимардонда ташкил этилган тикув цехига 60 нафар хотин-қизлар ишга жойлаштирилди.

1999 йил 2 февралда Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати ҳамда Халқаро Қизил хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерацияси ўртасида Халқаро Федерация ва унинг Ўзбекистондаги Делегациясининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида Келишув имзоланди.

1999 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг делегацияси Женевада бўлиб ўтган Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерацияси ва Делегатлар Кенгашининг XII Бош Ассамблеяси ишида, Халқаро Қизил Хоч Конференциясида иштирок этди. Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти бу форумларда иккита ташаббускор таклифлар билан чиқиш қилди. Булар Халқаро Қидирув хизматининг ҳаракат қилиш соҳасини кенгайтириб, фавкулподда вазиятларда ажралиб кетган ёки йўқолиб қолган кишиларнинг қидируви бўйича янги бўлим билан тўлдириш ва ҳар бир инсонпарварлик дастурларига Миллий жамиятларни ривожлантириш бўйича бюджетда маблағлар ажратишни кўзда тутиш кабилардан иборат эди. Бу таклифлар Халқа-



Республика ўқув-услуг марказининг 1998 йилда қуриб битирилиб ишга туширилган янги биноси



ро Федерация томонидан қабул қилинди ва ҳозирги кунда унинг Миллий жамиятлар билан ишлаш фаолиятида қўлланилмоқда.

1999-2003 йиллар Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерацияси томонидан молиялаштирилган Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ва Америка Қизил Хочи билан биргаликда амалга оширган “Оролбўйи аҳолисига озиқ-овқат мурувват ёрдамини кўрсатиш” янги Дастури фаолият кўрсатди. Ушбу Дастур доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятининг аҳолиси 18,5 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиб олдилар.

1999-2001 йилларда Испания Қизил Хочи (донор) томонидан “Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг биринчи ёрдам кўрсатишга ўргатиш бўйича тиббий-ижтимоий марказларни тузиш” дастури молиялаштирилди. Ушбу Дастур бўйича Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти томонидан 16 та яхши жиҳозланган тиббий-ижтимоий марказлар ташкил этилди.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг ташаббуси билан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида биринчи марта кўнгилли санитария дружиналарининг Республика мусобақаси ўтказилди.

2000 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ташкил этилганлигининг 75 йиллигига бағишлаб Ўзбе-



Фавқулодда вазиятлар учун мўлжалланган чодирлар захирасидан намуналар. 2009 йил.



кистон Қизил Ярим ой жамияти Миллий Кенгашининг Пленуми бўлиб ўтди.

Шу йили “Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг меҳр-шафқат коллежи” 2001-2002 йиллардаги академик лицейлар ва коллежларни реконструкция қилиш Давлат дастурига киритилди.

Зилзиладан зарар кўрган Қашқадарё вилояти Қамашу тумани аҳолисига озиқ-овқатлар ва кийим-кечаклардан иборат мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

Вайронагарчиликлар олиб келган зилзиладан зарар кўрган Туркия аҳолисига каравотлар, кўрпа-тўшаклар, жойхоблар билан мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда Тошкент вилоятининг Қибрай тумани маҳаллаларида аҳолини эҳтимоли бўлган фавқулодда вазиятларга тайёрлаш бўйича биринчи дала машғулоти ўтказилди ва шу жойларда Қизил Ярим ой жамиятининг бошланғич ташкилотлари тузилди.

Тошкент вилоятининг Назарбек мавзеида Қизил Ярим ой жамиятининг тематик ёшлар лагери ташкил этилиб, унда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан Жамиятнинг 50 нафар энг яхши фаоллари кўнгиллилик асосларига ўқитилдилар.

Нидерландия Қизил Хочи ҳамда Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерациясининг қўллаб-қувватлаши натижасида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти томонидан Тошкент шаҳрида иккита, Гулистон ҳамда Наманган шаҳарларида эса биттадан – жами тўртта “Ёшлар маркази” ташкил этилди.

2001 йил июнь ойида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг делегацияси Киев шаҳрида ўтказилган Янги Мустақил Давлатларнинг II Конференциясида иштирок этдилар.

2001 йил декабрь ойида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг делегацияси Женева шаҳрида ўтказилган Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерациясининг ҳамда Директорлар Кенгашининг XIII Бош Ассамблеяси Конференциясида иштирок этдилар. Конференцияда Хуан Мануэль Суарес Ревейро дель Торо Халқаро Федерациянинг янги Президенти этиб сайланди. Шунингдек, ушбу Конференцияда Ўзбекистон Қизил



Ярим ой жамияти иккинчи марта Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамияти Федерациясининг раҳбар органларидан бири бўлган фавқулдда вазиятлар бўйича Устав Комиссиясининг аъзоси этиб сайланди.

Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерацияси ва бошқа донорлар томонидан янги тиббий йўналишларда бўлган юқумли касалликларни олдини олиш, биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича йўриқчиларни тайёрлаш дастурларни молиялаштириш бошланди.

Тошкент вилоятининг Назарбек мавзеида иккинчи марта Қизил Ярим ой жамиятининг тематик ёшлар “Семурғ” лагери ташкил этилиб, у Халқаро аҳамиятга эга бўлди. Унда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан Жамиятнинг 50 нафар энг яхши фаоллари кўнгиллилик асосларига ўқитилдилар. Шу билан биргаликда унинг фаолиятида Швеция Қизил Хочининг вакиллари ҳам иштирок этишди. Бу Халқаро Ёшлар лагери ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб туриладиган бўлди.

Дарёларнинг ўз ўзанидан чиқиши ва сув босиши натижасида талафот кўрган Украинанинг Карпат олди ва Молдавия халқига Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти томонидан мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

Вайронагарчиликлар олиб келган зилзиладан катта зарар кўрган Ҳиндистоннинг шимолидаги Гужарат штатида яшовчи аҳолисининг 120 нафар оилаларига чодирлар, кўрпа-тўшаклар ва жойхоблар, иссиқ кийимлар ва сочиқлар билан мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

2002 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг делегацияси Берлин шаҳрида ўтказилган VI Европа Конференциясида иштирок этди. Форумда Берлин Хартияси қабул қилинди. Хартия матнига Форум иштирокчилари бўлган Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Миллий жамиятлари фаолиятининг вазифалари ва мажбуриятлари, шунингдек, Миллий жамиятларнинг ўз минтақалари учун муҳим бўлган инсонпарварлик муаммолари ва хавфлари, имкониятлари ва ҳамкорликлари масалалари киритилди.



2002 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг делегацияси Россия Қизил Хочининг 135 йиллигига бағишлаб Москва шаҳрида ўтказилган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари Миллий жамиятлари Президентлари учрашуви ва байрам тантаналарида иштирок этди.

Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерацияси томонидан Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг тиббий йўналишдаги янги “Соғлом оила” Дастурини молиялаштириш бошланди.

2002 йилда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Меҳршафқат Коллежини режавий реконструкция қилиш ишлари бошланди ва 2005 йилда бу иш ниҳоясига етказилди.

2003 йилнинг апрель, июль ойларида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Пленумлари ўтказилиб, унда 2003-2005

йиллардаги ўтиш даврида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг сайлов (бошқарув) ва тайинланувчи органларининг вазифалари ва ваколатларини ажратишни амалга ошириш ва таъминлаш масалалари кўриб чиқилди. Устав комиссияси тузилди ва Янги таҳрирдаги Устав лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Шу даврда



Кўнгилпилардан иборат қутқарув отрядларидан бир гуруҳи амалий машғулотларда. Тошкент вилояти Чимён тоғлари этаклари. 2005 йил.

Ў. Воҳидова бошчилигидаги Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Ҳаракатининг олий мукофотларидан бири – Испания Қизил Хочининг “Инсонпарварлик фаолиятидаги буюк хизмалари учун” Олтин медали билан тақдирланди. Шунингдек, сентябрь ойида Ўзбекистон Қизил Ярим



ой жамиятининг биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича кўнгиллилардан иборат командаларининг биринчи республика мусобақалари ўтказилди.

2003 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг делегацияси Женева шаҳрида ўтказилган Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерациясининг ҳамда Директорлар Кенгашининг XIV Бош Ассамблеяси Конференциясида иштирок этди. Конференцияда Марку Нискала Халқаро Федерациянинг янги Бош Котиби этиб сайланди. Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти мазкур форумда иккита таклиф билан мурожаат қилди. Улардан биринчиси – мамлакатлар ҳукуматларининг қўпоровчилик ҳаракатлари қурбонлари ва уларнинг қариндошларига уларнинг ўз мамлакатларида ёрдам кўрсатилишини тартибга солиш бўйича мажбуриятларини тасдиқловчи махсус Халқаро ҳужжатларни қабул қилиш ва иккинчиси, Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерацияси томонидан Миллий жамиятларда ёшлар ҳаракатини қўллаб-қувватловчи махсус жамғармалар ташкил этишдан иборат эди. Бу таклифлар Халқаро Федерация томонидан қабул қилинди ва унинг Миллий жамиятлар билан бўлган фаолиятида амалга ошириб келинмоқда.

2004 йил 29 апрелда Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси “Қизил яримой ва қизилхоч тимсолларидан фойдаланиш ва уларни ҳимоя қилиш ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг Қонунини қабул қилди. Ушбу Қонун лойиҳаси бевосита Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг ташаббуси ва иштирокида тайёрланди.

Шу йилнинг июль ойида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Миллий Кенгашининг Пленуми бўлиб ўтди. Унда Жамиятнинг Янги таҳрирдаги Устави лойиҳаси муҳокама этилди ва маъқулланди ҳамда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг навбатдаги Қурултойида тасдиқлашга тавсия этди. Шунингдек, Пленум Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Ёшлар ҳақидаги Қоидаларини тасдиқлади. 10 декабрь куни Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Ёшлар ҳаракатининг Таъсис ассамблеяси ўтказилиб,



унда ягона Ёшлар ташкилоти ташкил этилди ва 17 кишидан иборат Ёшлар кенгаши сайланди.

2005 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг делегацияси МДХ давлатлар ва Болтиқ бўйи Республикалари Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари раҳбарларининг Москвада ўтказилган ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятларининг VII Европа Конференциясига тайёргарлик бўйича Учрашувида иштирок этди.

2005 йилнинг 29 июнида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти билан Россия Қизил Хочи ўртасида 2005-2010 йилларда ўзаро ҳамкорлик бўйича шартнома имзоланди. Шу йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг делегацияси ОИТСга ва сил касаллигига қарши кураш бўйича Киев шаҳрида ўтказилган Европа Конференциясида иштирок этди. Шу йили Индонезия элчихонаси билан инсонпарварлик тадбири ўтказилиб цунамидан катта зарар кўрган Индонезия халқига Индонезия Қизил Хочи орқали мурувват ёрдамлари жўнатилди.

Анджон вилояти аҳолисига кийим-кечаклар, дори-дармонлар ва ўраш-боғлаш материаллари билан мурувват ёрдамлари кўрсатилди.



Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Ёшлар ташкилотининг Таъсис ассамблеяси иштирокчилари. 2004 йил 10 декабрь.



Вайронагарчиликлар олиб келган zilзиладан зарар кўрган Покистоннинг Кашмир ҳудуди аҳолисига чодирлар, кўрпа-тўшалар, жойхоб ва ўраш-боғлаш материаллари билан мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

2005 йил 10-18 ноябрь кунлари Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг делегацияси Жанубий Кореянинг Сеуль шаҳрида ўтказилган Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерациясининг ҳамда Директорлар Кенгашининг XV Бош Ассамблеяси Конференциясида иштирок этдилар. Конференцияда Халқаро Федерациянинг Президенти ва Европа, Осиё, Африка ва Америка минтақалари учун биттадан – 4 та вице-президентлари, 20 кишидан иборат Бошқарув аъзолари, молия комиссияси ва ривожланиш, фавқулодда вазиятлар, соғлиқни сақлаш ва ёшлар бўйича 4 та Устав комиссиялари сайланди. Конференцияда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерациясининг соғлиқни сақлаш бўйича комиссияси таркибига сайланди.

2005 йил 14 ноябрда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг 80 йиллигига бағишлаб тантанали Пленуми бўлиб ўтди.

2006 йилнинг 31 майида **Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг XIX Қурултойи** бўлиб ўтди. Унда Миллий Кенгаш ва Тафтиш комиссияларининг ҳисоботлари тингланди. Қурултой жамиятни ривожлантиришнинг яқин даврларга мўлжалланган фаолияти дастурини ишлаб чиқди, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Янги таҳрирдаги Уставини қабул қилди. Бу даврда республикада Қизил Ярим ой жамиятининг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилувчи 10 та командалари тузилган бўлиб, уларнинг аъзолари ўқитилган ва зарур қутқарув аслаҳалари билан таъминланган эдилар. Тошкент вилоятининг Янгиобод тоғлари ва Самарқанд вилоятининг Миронқул қишлоқларида фавқулодда вазиятларда қутқариш ва биринчи ёрдам кўрсатиш командаларининг 5 кунлик дала машғулотлари ва мусобақалари ўтказилди. Тошкент, Навоий, Қашқадарё вилоятларининг кўчки хавфи кўп бўлган ҳудудларига кўнгилчилар томонидан 30 минг тўп дарахтлар экилди. “Меҳр-шафқат хизмати” гуруҳининг 275



нафар патронаж ҳамширалари 5 минг нафар ёлғиз кексалар ва 2830 нафар ёлғизларга уйларига бориб хизмат кўрсатдилар. Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг ходимлари ва кўнгилчилари аҳолини биринчи ёрдам кўрсатишга ўргатиш, ОИТС/ОИВ касаллигининг олдини олиш ва сил касалига қарши кураш фаолиятида иштирок этдилар. "Семурғ-2006" етти кунлик тематик ёшлар лагери ўтказилди. Финляндия Қизил Хочининг кўмагида Хива шаҳрида 20 нафар ногиронлар учун 10 кунлик соғломлаштириш лагери ўтказилди. "Инсонпарварлик йўлида" ахборот бюллетенининг 4 та сони тайёрланди ва нашр этилди.

2007 йилда Миллий жамиятлар томонидан Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерацияси орқали мурувват ёрдамларини олиш давом этди. Асосий донор ҳисобланган Германия Қизил Хочининг ёрдамида Бухоро, Гулистон, Самарқанд, Тошкент, Фарғона шаҳарларида фаолият кўрсатаётган немис тиббий-ижтимоий марказларнинг фаолияти давом этди. Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерацияси ва Республика ДОТС марказининг молиявий кўмагида "Ўзбекистонда сил касаллигининг профилактикаси" дастури бўйича Самарқанд, Тошкент, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларининг 27 та туманларида истиқомат қилувчи 1392 нафар сил касалига чалинган беморларга ойига 10 килограммдан озиқ-овқат маҳсулотлари ва дармондорилар ҳамда санитар-гигиеник мажмуаларни олиб турдилар.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг делегацияси Истамбул шаҳрида ўтказилган Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятларининг VII Европа Конференцияси ва Женевада ўтказилган XXIX ва XXX Конференцияларда иштирок этдилар. Июнь ойидан декабрь ойигача Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти шаҳар ва туманлар ташкилотларининг ҳисобот-сайлов конференциялари ўтказилди. Жамиятнинг Уставига мувофиқ унинг ташкилий тизими ўзгарди.

2008 йилда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг минтақавий ташкилотлари малакатимизда эълон қилинган "Ёшлар йили" дастурида иштирок этдилар. Республикада 31 та ёшлар



марказлари ва 121 та ёшлар клублари фаолият кўрсатди. Ангрен, Оҳангарон ва Самарқандда ёзги даврларда соғломлаштириш лагерлари ташкил этилди. Йил якуни бўйича 15 нафар энг фаол кўнгилчиларга қимматбаҳо совғалар ва ёрлиқлар топширилди. Бухоро шаҳрида Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилояти ёшлари ўртасида “Кувноқлар ва зукколар клуби” аъзоларининг мусобақаси ўтказилди.

2009 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг делегацияси Кениянинг Найроби шаҳрида ўтказилган Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерациясининг ҳамда Директорлар Кенгашининг XVI Бош Ассамблеяси Конференциясида иштирок этдилар.

2010 йил 31 майда **Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг XX Қурултойи** бўлиб ўтди. Қурултойда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Миллий Кенгашининг ва Тафтиш Комиссиясининг ўтган даврдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот тингланди. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави муҳокама қилинди ва қабул қилинди, Жамиятнинг яқин даврларга мўлжалланган фаолияти дастури ҳам қабул қилинди. Жамият раҳбар органлари – Миллий Кенгаш ва Тафтиш Комиссиясининг янги таркиби, 25 нафар аъзолардан иборат Раёсат аъзолари сайланди.

Қурултой Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Миллий Кенгашининг раиси этиб **Ҳамид Ёқубович Каримовни** сайланди.

Қирғизистон Республикасининг Ўш вилоятида содир бўлган этник гуруҳлар ўртасидаги тўқнашувларда жабрланган қочоқларга чодирлар, озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармонлар, жойхоблар ва ўраш-боғлаш материаллари билан мурувват ёрдамларини кўрсатди.

2011 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг делегацияси Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерациясининг Женева шаҳрида ўтказилган XXXI Халқаро Конференцияси ишида иштирок этди. Конференцияда Федерациянинг қатор меъёрий ҳужжатлари ва Конференция қарорлари қабул қилинди. Шу йили зилзиладан зарар кўрган Фарғона вилояти аҳолисига чодирлар, озиқ-овқат, кийим-кечак,



*Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг бош биноси байрам оғушида.
2013 йил, май.*

дори-дармонлар, жойхоблар ва ўраш-боғлаш материаллари билан мурувват ёрдамларини кўрсатди.

2012 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг делегацияси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари раҳбарларининг ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ўтказилган Учрашувида иштирок этди.

2003-2014 йилларда Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Ҳаракатининг 150 йиллиги Республикада кенг нишонланди. Шу йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг раиси Ҳ. Каримов ва Ижрочи директори Э. Амралиева "Инсонпарварликнинг кучи" ва "Инсонпарварлик фаолиятига 150 йил" шиорлари остида Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерациясининг ҳамда Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Ҳаракати Директорлар Кенгашининг XIX сессияси ишида иштирок этдилар.



Сессиянинг Устав бўйича тадбирларида 182 та Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Миллий жамиятларининг ва Халқаро Қизил Хоч Қўмитасининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Ушбу бўлимнинг 1930 йилгача бўлган даврдаги тарихий воқеалари Самарқанд шаҳридаги архив материаллари асосида вилоят ташкилоти томонидан тайёрланган маълумотномадан олинди. Қолган қисмлари эса Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти томонидан 2014 йилда тайёрлаган “Муҳим воқеалар йилномаси”дан айрим жойлари қисқартирилган ҳолда таржима қилинди.



Альбомлар варақланганда:









Ёшлар Таъсис ассамблеяси иштирокчилари ассамблея олдидан. 2004 йил.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти томонидан турли даврларларда тайёрланган кўкрак нишонлари:



1992 йилда зарб этилган.



ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ТАШКИЛОТИ ТАРИХИ ВА ФАОЛИЯТИДАН ЛАВҲАЛАР

1 918 йилнинг сентябрида Самарқанд округи халқ соғлиқни сақлаш бўлими очларга ёрдам кўрсатиш хайрия ташкилотининг аъзолари иштирокида ўтказилган навбатдан ташқари йиғилишда очларни овқатлантириш масканларини ташкил этиш масаласи кўрилган. Бу ишларга раҳбарлик қилиш ишлари Икромхон Фозилхонов (хотин-қизлар бўлими) ва Муҳаммад-нозир Расулов (эркаклар бўлими)га юклатилган. Уларнинг ҳар бирига ойига 200 сўмдан пул маблағлари мукофот сифатида белгиланган. Бу ишга умумий раҳбарлик қилиш эса Самарқанд шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғига топширилган. Шу билан биргаликда мазкур масканлар ишини юргизиш учун масъул ходимлар рўйхати тайёрланиб, унга соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари ва мусулмон хайрия ташкилотлари раҳбарлари киритилган. Соғлиқни сақлаш бўлими ходимларининг асосий вазифаси овқатланиш жойларида санитар аҳволни назорат қилиш ва беморларнинг аҳволига қарашишдан ҳамда улар ҳақида шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғига хабар беришдан иборат бўлган. Хайрия ташкилотларининг ходимлари эса бевосита овқатлантириш жойларининг ўзида бўлиб, овқат тарқатиш жараёнида иштирок этишлари, қозонларга овқат маҳсулотларининг солинишини назорат қилишлари ҳамда тартибни кузатишлари лозим бўлган.

Хайрия ташкилотлари ва соғлиқни сақлаш бўлимининг ҳамкорликдаги йиғилишларида болалар уйларининг қаровчиларини сайлаш ҳақидаги масалалар кўрилган. Соғлиқни сақлаш бўлимидан врач Киселев, хайрия жамиятининг аъзолари Назарбоев ва Ҳожикўлдошевлар болалар уйининг қаровчилари этиб сайланганлар. (Самарқанд вилоят архиви материалларидан).

Самарқанд шаҳридаги Панжоб ва Мурод Авлиё масжидларининг собиқ хатиб имоми, Қизил Ярим ой жамияти вилоят таш-



килотининг кўнгиллиси ва жамият фаолиятининг тарғиботчиси Мулло Али Аҳмедовнинг берган маълумотига қараганда, 1906 йилда қурилиб ишга туширилган Панжоб мадрасаси биносидан 1922 йилда худди шу каби хайрия жамғармаси ташкил этилган. Маълумот берувчининг айтишича, шу даврда иқтисодий қийинчиликлар йўқсилларнинг ҳолини танг қилган. Уларга ёрдам тариқасида уламолар томонидан “Идораи хайрия” деб номланган кенгаш ташкил этилиб, у моддий муҳтож кишиларга мурувват ёрдамини кўрсатиш жамғармаси бўлиб хизмат қилган. Ушбу фондга маҳаллий уламолардан Шайх Фуломҳасан раис этиб сайланган. Омонатдорлик, яъни хазиначилик вазифаси Шайх Мулло Аҳмадга топширилган. Шайх Козим, Шайх Фуломҳасан, Шайх Боғир, Мулло Ҳалим оғо, Ҳожи Муҳаммадшариф, Ҳожи мулло Барот каби уламолар жамғарма аъзолари бўлиб унинг фаолиятига раҳбарлик қилишган. Бундан ташқари жамғарманинг 72 кишидан иборат маслаҳат аъзолари ҳам бўлган экан. Косиблар, чорвадорлар, ғаллакорлар ўз даромадларининг закотларини ушбу жамғармага топшириб турганлар. Ана шу ҳисобидан 1928



“Идораи хайрия” ташкил этилган Панжоб мадрасасининг фасади.

йилга қадар бўлган даврда йўқсилларга ҳар куни бир мартадан иссиқ овқат улашилган. Бу маълумотларни у кишига устозларидан бири Мулло Қосим Козимзода берган экан.

1920-1924 йилларда Самарқанд шаҳар саноат корхоналарида биринчи ёрдам пунктлари ташкил этила бошланган ва улар хизмат кўрсатувчи тиббиёт ходимлари билан ҳамда зарур медикаментлар, эмлаш воситалари билан таъминланиб турилган. Жойларда санитар комисси-



ялари ташкил этилган. Ушбу комиссиялар профессионал касалликлар билан курашиш, санитар-оқартув ишларини амалга ошириш, саломатликка оид маърузалар, суҳбатлар, савол-жавоб кечаларини ўтказиш, санитария ва гигиена бурчакларини ташкил этиш, ушбу бурчакларни плакатлар, шиорлар ва бошқа адабиётлар билан таъминлаш ишларига, шунингдек, саломатлик ячейкаларини ташкил этиш ишларига раҳбарлик қилишган. Санитар ячейкаларининг вазифалари барча цехларни дорилар билан таъминлаш, цех ҳудудида санитар тартибни ўрнатиш, ишчиларнинг саломатлигини назорат қилишдан иборат бўлган. Сил касаллиги билан курашишни амалга оширувчи “тубячейка”лар (сил касаллигига қарши кураш ячейкалари) ташкил этилган. Йигирманчи йиллардаги соғлиқни сақлаш ячейкалари ҳозирги Қизил Ярим ой жамияти бошланғич ташкилотларининг айнан ўзидир.

Самарқанд округи соғлиқни сақлаш бўлимининг 1925-1926 йиллардаги фаолияти юзасидан қилган ҳисобот маърузасида таъкидланишича, уездларни кўшиб ҳисоблаганда, 8 та соғломлаштириш ва “тубячейка”лар рўйхатга олинган. Бундан ташқари барча иккинчи босқич мактаблар ва пионер лагерларида мактаб санитар врачлари раҳбарлигида профилактика ишларини олиб боровчи санитар комиссиялар мавжуд бўлган. Уларнинг фаолияти доимо педагогик ходимларнинг диққат марказида бўлган. Бу даврларда даволаш ишлари бўйича кўмаклашувчи кўнгилчилар кўмиталари тузилган.

1926 йилда Самарқанд шаҳрида иккита санитар маорифи бурчаклари ташкил этилиб, улар эски ва янги шаҳарда бўлган. Мазкур санитар маорифи бурчаги 450



Донорлардан қон олиш. 1926 йил.



нусха брошюраларни, 136 нусха плакатларни, 110 нусха варақаларни, 141 нусха шиорларни олиб даволаш муассасаларига тарқатишган. Корхоналардаги соғломлаштириш ячейкалари орқали санитария маорифи ишлари йўналтирилиб борилган.

Санитария маорифи томонидан Қизил Ярим ой жамиятининг фаолияти ва вазифалари ҳақида Темирийўл районида ва комсомол ячейкаларида тегишли маърузалар қилинган. Қизил Ярим ой жамиятининг Самарқанд округ комитети томонидан соғлиқни сақлаш органларининг бюджетида турмаган пуллик тиш техник лабораториялари ташкил этилган. Қизил Ярим ой жамияти томонидан 1926 йилда бир ҳафта ичида Самарқандда уйга бориб хизмат кўрсатиш пункти бўлган пуллик амбулатория ташкил этилган.

Округ соғлиқни сақлаш бўлимларининг генеколог врачлари, халқ соғлигини сақлаш бўлимлари вакилларининг йиғилишлари Қизил Ярим ой жамиятининг Марказий Қўмитаси зиммасига шаҳар совети ва Ҳукумат комиссиясига пуллик абортариум очишга рухсат беришни сўраб мурожаат билан чиқишни топширади.



Қизил Ярим ой жамиятининг жамоатчи инспекторлари Самарқанд шаҳар колхоз бозорларидан бирида.



1926 йилда Самарқандда округ, шаҳарлар ва районлар ташкилотлари тузилади. Шу пайтда Самарқанд округида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг округ комитети фаолият олиб бориб, унга Герасимов деган киши раҳбарлик қилган. Округ комитети таркибида Зомин, Жиззах, Пайариқ, Янгиқўрғон, Митан, Оқдарё, Булунғур, Пастдарғом, Янги Қозонариқ, Юқоридарғом каби 10 та районлар бўлган. Округ комитетининг вазифаси асосан хўжалик корхоналари ва пуллик даволаш муассасаларининг тармоғини кенгайтиришга қаратилган. Булунғур райони соғлиқни сақлаш бўлими мудир С. Гришин ўзининг соғлиқни сақлаш ишлари бўйича қилган маърузасида қуйидагиларни ёзган: "Қишлоқ аҳолисини соғломлаштириш ишларига қишлоқ халқининг ўзини жалб этмоқ, яъни "Меҳнаткашларнинг соғлиғи – меҳнаткашларнинг ўз қўлларида" деган шиорни ҳаётга татбиқ этмоқ лозим. Ҳар бир қишлоқда санитар вакиллари тайинланмоғи даркор".

1929 йилда Октябрь инқилобининг 11 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш бўйича Самарқанд округ комиссиясининг тадбирлар режасига биринчи марта жамоат ташкилотлари, шу жумладан Қизил Ярим ой жамияти томонидан ҳам тадбирлар ўтказиш белгиланган. Жумладан, режада "Қизил Ярим ой жамияти биринчи ёрдам кўрсатишга ўргатиш бўйича янги тугараклар очишни ташкил этиши, жамиятнинг аҳамияти ҳақида чиқишлар қилиши, ҳисобот компаниясини ўтказиши, янги даволаш муассасаларини ташкил этиши, ўзининг алоҳида иш режасини ишлаб чиқиши" белгиланган.

Аммо, 1930-35 йилларда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Самарқанд округ ташкилотида бошланғич ташкилотлар тизими камчиликни ташкил этган. Бу даврда бутун округ бўйича ишларга Самарқанд шаҳар комитети раҳбарлик қилган.

Самарқанд шаҳар ташкилотининг 1930 йил 20 сентябрда ўтган президиум (раёсат) йиғилишида жамият фаолиятига 8 000 кишини жалб этиш, аъзоларнинг аниқ сонини рўйхатга олиш, 40 та янги ячейкалар тузиш, 40 та биринчи ёрдам кўрсатиш тугаракларини ташкил этиш, 2 та янги санитария дружиналарини, шундан биттасини ишлаб чиқариш корхонасида тузиш, ташкил



этилган тугаракларда 1000 кишини биринчи ёрдам кўрсатишга тайёрлаш, 30 та шафқат ҳамшираларини тайёрлаш, ёш пионерлар учун соғломлаштириш станциясини ташкил этиш режалаштирилган. Ўша пайтда президиумга Стрелковский деган киши раислик қилган. Айнан шу пайтда Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд округ комитетининг хўжалик корхоналари бошқаруви қошида учта магазин, битта қадоқлаш корхонаси, битта стационари бўлган поликлиника, битта дезинфекция воситаларини ишлаб чиқариш корхонаси, учта сартарошхона, битта кимёвий лаборатория мавжуд бўлган. 1930 йилда хўжалик ишларидан тушган маблағлар 56 748 сўмни ташкил этган. Бу анчагина салмоқли даромад ҳисобланган.

1931 йилда Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд округ ташкилотининг биринчи конференцияси ўтказилган. Ушбу конференцияда қилинган маърузада Қизил Ярим ой жамиятининг Самарқанд округ ташкилотида кучли хўжалик тизими мавжуд бўлиб, бу ҳолат жамият олдида турган бошқа ишларни амалга оширилишига халақит бераётгани таъкидлаб ўтилган. Товарлар билан таъминлашда тижорат тизимида қийинчиликлар пайдо бўлгани айтилиб, молиявий қийинчиликларни бартараф этиш режаси ишлаб чиқилган. Оммавий ишларни амалга оширилишининг етарли эмаслиги белгиланиб, жамиятнинг қишлоқлардаги ишларига эътибор қилишга диққатни жалб этиш зарурлиги белгилаб берилган.

1934 йилда Самарқанд округи бўйича даромад 375 412 сўмни ташкил этган. 1935 йилда 50 602 сўм даромад қилиш режалаштирилган бўлиб, соф даромадлар 20 748 сўм 85 тийинни ташкил этган.

1938 йилда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти таркибида Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм область ташкилотлари тузилди. Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд область ташкилотининг шу йили ўтказилган **I Конференциясида** область комитетига **Таирова Антонина Ивановна** раис этиб сайланди. У Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд область ташкилотининг биринчи раисидир. А. Таирова



область ташкилотига 24 йил давомида раҳбарлик қилди. Бу йиллар ҳам область ташкилоти учун суронли бир давр бўлди.

1940 йилга келиб Самарқанд область комитети катта моддий-техник базага эга бўлди. Аммо ўша пайтларда нодавлат ташкилот давлат ташкилотидан устун бўлмаслиги керак эди. Шу сабабдан бутун Республикада бўлгани каби область ташкилоти балансида бўлган барча хўжалик корхоналари соғлиқни сақлаш органлари ва бошқа идоралар ихтиёрига ўтказилди. 1940-1946 йиллардаги архив материаллари сақланмаган бўлсада, шу даврларда Иккинчи жаҳон уруши учун тайёрланган минглаб тиббий ҳамширалари, санитария дружиначилари, санитар инструкторлари орасида самарқандликлар ҳам бор эди. Улар урушнинг бошланишидаёқ кўнгилли бўлиб жанг майдонларига жўнаб кетдилар ва кўрсатган жасоратлари учун ҳукумат мукофотлари билан муносиб тақдирландилар.



Таурова Антонина Ивановна.

Урушдан кейинги даврларда эса жамият аъзолари ва фаоллари мамлакат иқтисодиётини тиклашда, халқ саломатлигини тиклашда иштирок этдилар.

Урушдан кейинги даврларда эса жамият аъзолари ва фаоллари мамлакат иқтисодиётини тиклашда, халқ саломатлигини тиклашда иштирок этдилар.

1947 йилда Қизил Ярим ой жамиятининг **II область конференцияси** бўлиб ўтди. Бу пайтда областда бошланғич ташкилотларнинг сони 1131 тани, жамият аъзолари сони 68 728 тани ташкил этиб, 90 000 сўм аъзолик бадаллари тўпланган. 17 600 та ГТО ("Меҳнат ва мудофаага тайёрлар") нишондорлари мавжуд эди. Шу даврда тиббий ҳамширалар тайёрлаш бўйича 6 та бир ярим йиллик гуруҳлар ва 6 та малака ошириш гуруҳлари ташкил этилди.

Вилоят ташкилотида сақланган фотоальбомлардаги суратлардан шу нарсани кўриш мумкинки, 1956 йилда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Оқдарё район Бирлашган касалхонаси



қошида Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой шафқат ҳамшираларини тайёрлаш курсида 26 нафар тингловчилар бўлиб, уларга олти нафар ўқитувчи мутахассислар дарс беришган. Мазкур тингловчилар ўқув курсларини тугатгандан кейин ўзлари ишлайдиган корхона ва ташкилотларда санитария дружиналари ва санитария постларини ташкил этишган ва уларнинг мусобақаларини ўтказишган. Шу билан биргаликда улар курсда олган билимларини мактаб ўқувчилари, ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳоли ўртасида тарқатишган.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд область комитетида олиб борилган ишлар ҳақида область комитетининг 1947-1967 йиллардаги фаолияти бўйича сақланиб қолган альбом суратлари ўша даврларда вилоятдаги шаҳар ва район комитетлари санитария дружиначиларини тайёрлаш, уларнинг аъзоларини ўқитиш, мусобақаларини ўтказишга жиддий эътибор берилганлигини кўрамыз. Шу даврларда мактаб ўқувчилари ўртасида санитария постларини тайёрлаш, "Саломатликнинг ёш дўстлари" кўрик танловларини мактаблар, шаҳар ва районлар



Оқдарё районидagi санитария дружиналаридан бирининг звеноси. 1950 йил.



ҳамда область миқёсида ўтказилиб келинганлигини тасдиқловчи фотосуратлар ҳам сақланиб қолган.

Айрим фотолавҳалардан маълум бўлишича, область ташкилотининг фаолияти билан танишиш учун Самарқандга хорижий мамлакатларининг делегациялари ҳам келиб туришган.

1962 йилдан 1987 йилгача Самарқанд область комитетига **Салахова**

Зоя Пантелеймоновна (Пантелеева-

на) раҳбарлик қилди. Қозоғистоннинг

Павлодар шаҳрида 1932 йилда туғил-

ган Зоянинг турмуш қуришдан олдинги

фамилияси Малюкова бўлиб, отаси

ва акалари вафот этгач, ёлғиз онаси

билан қолади. Моддий жиҳатдан ўта

қийналган Зоянинг онаси бир бурда

нон топиш илинжида 1946 йилда қизи

билан Қўқонга келади ва шу ерда мак-

табни ўқиб битиргач, тиббиёт билим

юртида ўқийди. Ўқишдан бўш вақтларида Зоя онаси билан ка-

салхонада фаррошлик қилади. Билим юртини аъло тугатгани-

дан кейин унинг ҳужжатларини Самарқанд тиббиёт институтига

жўнатишади ва Зоя имтиҳонларсиз талабалар сафига қабул

қилинади. Институтда ўқиб юрган пайтида у ўзининг курсдоши

ва дўсти самарқандлик йигит Арслон Салоҳовга турмушга чиқа-

ди. Улар институтни қизил диплом билан тугатишгач иккаласини

ҳам Қашқадарё вилоятининг Китоб районида олган мутахассис-

лиги бўйича ишга юборишади ва улар касалхонада терапевт

шифокор бўлиб ишлашади. Уларнинг тўрт нафар фарзандлари

ҳам ўша йилларда дунёга келган. 1962 йилда улар Самарқанд-

да қайтишади. Зоядаги билим ва ташкилотчилик қобилиятини

тезда пайқаган область раҳбарияти Қизил Ярим ой жамиятига

ишга таклиф қилишади ва шу йили у область ташкилотининг ра-

иси этиб сайланади. Биздаги маълумотлар бўйича шу йилларда

вилоят ташкилотининг фаолияти гуриллаб такомиллашди. Зоя

Салахова ҳақида гап кетганда уни билган ёки биргаликда ишла-



Салахова Зоя Пантелеевна



ган ҳар бир киши уни моҳир ва меҳрибон раҳбар, ташаббускор инсон, ҳақиқий Қизил Ярим ой ходими сифатида таърифлашди. Айниқса, шу даврда Самарқанд шаҳрида Қизил Ярим ой жамиятининг барча фаолият йўналишлари бўйича шундай намунавий ташкилотлари ташкил этилдики, бу ҳол нафақат вилоят ёки Республикада, балки собиқ Иттифоқда ва унинг чегарасидан ташқарида ҳам тан олинди. Шу сабабдан собиқ СССР Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Иттифоқи фаолияти билан танишиш учун келган делегациялар Самарқандда бўлишиб, область комитетининг ҳам меҳмони бўлишган. Улар жамият ишлари билан танишганлар ва олиб борилаётган фаолиятга яхши баҳо берганлар. 1970 йилда Зоя Салахованинг ташаббуси билан Республика санитар инспекторларининг слети Самарқандда юқори ташкилий савияда ўтказилган.

1967 йил 28 ноябрда Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти бошланғич ташкилотлар ишини ташкил этиш бўйича семинар ўтказилди. Семинар ишида Самарқанд область ташкилотидан ташқари Қорақалпоғистон Автоном Республикаси, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё областлари ташкилотларининг ҳам вакиллари иштирок этдилар. Семинар иштирокчилари Булунғур районининг “Булунғур-1” совхозига таклиф этилиб, район ташкилоти ва бошланғич ташкилотларда ҳужжатларни



Қизил Ярим ой жамияти участка комитетлари ва бошланғич ташкилотлар ишини такомиллаштириш бўйича Республика ўқув семинарининг очилиши. 1967 йил 28 ноябрь.



юритиш тажрибаси, Ургут районидаги 1-мактабга бориб эса мактабларда бошланғич ташкилотларни тузиш ва ўқувчилар орасида санитария постларини тузиш бўйича иш тажрибаси ва участка комитетлари фаолияти билан танишдилар.

1967 йилнинг май ойида Самарқанд вилоят ва шаҳар жамоатчилиги бутун мамлакат билан биргаликда Россия Қизил Хочининг 100 йиллигини кенг ва тантанали нишонлади. Ушбу тадбир муносабати билан Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Фахрий раиси Йўлдош Охунбобоев яшаган уй биносига (Ўзбекистон кўчаси, 1) мемориал лавҳа ўрнатилди. 1927 йилдан 1938 йилгача бўлган даврда Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд вилоят ташкилоти фаолият кўрсатган ва ушбу жамият балансида бўлган Самарқанд шаҳар стоматологик поликлиникасига Самарқанд шаҳар ижроия комитетининг қарори билан Қизил Ярим ой жамияти номи берилди.

1978 йилнинг 22 сентябрида Халқаро Қизил Хоч Қўмитасининг Президенти жаноб Александр Хей, Халқаро Қўмитанинг тезкор бошқариш бошқармаси бошлиғи Жан Пьер Хоки ва Халқаро Қизил Хоч Қўмитасининг Минтақавий Делегати Филипп Гранд Отвельд Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд область қўмитасининг меҳмони бўлишди.

1980 йилдаги ҳолат бўйича Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Самарқанд область ташкилоти ҳақиқий оммавий жамоат ташкилоти бўлиб, соғлиқни сақлаш ташкилотларига тиббий ва гигиеник билимларни тарқатишда, халқ ўртасида кенг профилактик тадбирларни ўтказишда яқиндан ёрдам кўрса-



Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси раҳбарияти Самарқандда. 1978 йил 22 сентябрь.



тиб турувчи ташкилотга айланган. 16 та шаҳар ва туман ташкилотлари, 125 та участка комитетлари номигагина эмас, амалда жамият Устави асосида иш олиб борганлар. Ўша даврдаги архив материалларининг гувоҳлик беришича охириги 5 йил давомида Белоруссия, Латвия, Литва каби Иттифоқдош Республикалар, Финляндия Қизил Хочининг Президенти Элли Нурминен раҳбарлигидаги делегация, Ҳиндистон Қизил Хочи раисининг ўринбосари жаноб Синхо ва бош секретари ўринбосари Желли раҳбарлигидаги делегация, ЮНИСЕФ директори жаноб Лабулис, грек сиёсий эмигрантлари вакиллари, Непал, Жазоир, Танзания, Иордания, Эфиопия Қизил Хочларининг делегациялари, Болгария Халқ Республикасининг раиси, Польша Халқ Республикасининг делегацияси Самарқанд вилоят ташкилотининг меҳмонлари бўлганлар. Бу фикримизга вилоят ташкилотида сақланаётган фотосуратлар ҳам гувоҳ бўла олади.

Бу даврда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд вилоят комитетининг моддий техник базаси анчагина ривожланган бўлган. Иккита енгил автомашина, бир нечта мотоцикллар, турли тадбирлар ва фавқулудда вазиятлар учун мўлжалланган омборхона мавжуд эди. Қисқаси, шу пайтларда ишлаган ходимлар хоҳ республикада бўлсин, хоҳ ундан ташқарида, турли мамлакатларга бориб улар билан хизмат юзасидан учрашганимизда "Ваш Самарқанд в то время гремел" ("Самарқанд вилоят ташкилоти ўша пайтларда доврүк солган эди") деб баҳо беришарди.



Область комитети раиси З. Салахова-нинг ташаббуси ва ходимларга меҳрибонлиги орқасида Самарқанд шаҳрининг 17 на-

Донорлар кенгашининг аъзолари навбатдаги учрашувда. 1983 йил.



фар шафқат ҳамширалари ва барча туманлар ташкилотларининг шафқат ҳамширалари ҳамда штатли ходимларига шаҳар ва шаҳарлараро йўловчи транспортида қатнаш бепул бўлган. (Бу имтиёз 1994 йилгача давом этган эди). Барча шафқат ҳамширалари махсус кийимлар, санитар сумкалари, дори-дармонлар ва пойафзал билан таъминланган эдилар. Бу каби ишларни ташкил этишда Зоя Пантелеевна Салаховага вилоят ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари Ибрагимов Наримон Исмоилович, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида турли даврларда бошлиқ бўлиб ишлаган Бегимқулов Шодиёр Бегимқулович, Жабриев, вилоят комитети қошидаги донорлар кенгаши аъзолари – вилоят қон қуйиш станцияси бош шифокори Ражабова Баҳора Комиловна, травматология касалхонаси бош шифокори Аронзон Евгений Саломонович, вилоят юрак касалликлари шифохонаси бош шифокори Жуманов Усмон Жуманович, шифокорлар Бурнашева Роза Мухлисевна, Раҳимов Салим Раҳимович, Жомбой район Марказий шифохонасининг бош шифокори Мардонова Раъно Ҳамроқуловна, Оқдарё район Марказий шифохонаси бош шифокори Улуғов Ҳожи Улуғович, Самарқанд район Марказий шифохонасининг бош шифокори Аюбов Мирҳоди Ёқубович, Самарқанд озиқ-овқат техникуми директори Афанасьева Ирина Дмитриевна, Қизил Ярим ой жамияти Республика ўқув-методик маркази директори Субҳонқулова Венера Рафиқовна ва унинг ўринбосари Саиднебиева Диляра Жалиловна, область кўмитаси ходимлари Карцева Лиля, Валегжанина Людмила, Проскурина Мария, опа-сингил шафқат ҳамширалари бўлган Пинхасовалар яқиндан туриб ёрдам кўрсатганлар. 3. Салахованинг ташаббуси ва бевосита саъй-ҳаракатлари билан 1976 йилда собиқ область Пионерлар саройида “Ёш тиббиётчи” (“Юный медик”) клуби ташкил этилди. Мазкур клубни ташкил этишда профессор М.И. Габрильян, шаҳар санитария маорифи уйи бош врачлари Н.С. Каримова, Исаев номидаги паразитология институтининг илмий ходими А.А. Геворков, вилоят Пионерлар саройининг бўлим мудири В.О. Болдов яқиндан туриб ёрдам кўрсатдилар. Клубни ташкил этишдан асосий мақсад мактаб ўқувчиларини турли хил



тасодифлар ва офатлар натижасида жароҳат олганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга тайёрлашдан иборат эди. Машғулотлар Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган 360 соатлик дастур бўйича олиб борилди. Шундан 150 соат машғулотлар назарий, 210 соатлик машғулотлар эса амалий эди. Клуб иштирокчилари асосан 6-9-синф ўқувчилари бўлиб, улар беморларга кўмаклашиш, фавқулдда вазиятларда жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатишга ўргатилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини яратишда иштирок этиш ва ўзлари ҳам намуна бўла олиш, табиатни севиш ва авайлаш, гигиена қоидаларини билиш, доривор ўсимликларни фарқлай олиш ва теришга ўргатилиш билан биргаликда инсонийлик, мурувватлилик, меҳр-шафқатлилик руҳиятида тарбияландилар. Клуб фаолиятига ўз ишига жонкуяр мутахассис ходимлар – Антонина Ракова ва Елена Козловалар⁴ маҳорат билан раҳбарлик қилиб келдилар. Уларнинг бевосита раҳбарлигида клуб тингловчилари мактаблар, “Меҳрибонлик уй”лари ва мактабгача таълим муассасаларида бўлиб, олган билимларини ўқувчилар ва тарбияланувчилар ўртасида санитар-соғломлаштириш мавзуларида савол-жавоб кечалари, викториналар, слайдларни намойиш қилиш орқали тарқатиб келдилар. Шу тариқа Самарқанд шаҳридаги 10 ва 11-сон “Меҳрибонлик уйи”га доимий ёрдам кўрсатилиб келинди. Клуб қошида Қизил Ярим ой жамиятининг соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи ўзига хос бўлган Республикада ягона ҳисобланган мактаби яратилди. Мактаб ўқувчилари клубни ўқиб битириш чоғи анъанага кўра “Саломатлик дўстлари” конференциясига илмий тарздаги рефератлар тайёрлаб, маърузалар билан чиқишлар қилардилар. Ҳимоя тугагач битирувчиларга “Ёш санитар инструкторлари” кўкрак нишони ва гувоҳномалар топширилган.⁵

“Ёш тиббиётчи” клуби саккиз йил давомида Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд область комитетининг илғор тажриба мак-

⁴ Е. Козлова 1977 йилдан 1986 йилгача аввал Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Темирйўл район комитети, кейин эса Самарқанд шаҳар комитети раиси ўринбосари вазифаларида ишлаган.

⁵ Клуб «Юный медик». (Из опыта работы). Самаркандский областной Дворец творчества детей и юношества имени Ю. Ахунбабаева. Самарканд, 1994 г.



таби вазифасини ўтаб келди. Шу йиллар давомида собиқ Иттифоқ Республикаларидан ташқари Дания, Швеция, Бирма ва бошқа мамалакатлар Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятларининг вакиллари унинг иши билан танишдилар. Антонина Ракованинг таъкидлашича, 1986 йилдан 2000-йилгача бўлган давр давомида мазкур клубда 700 нафардан ортиқ ўқувчи ёшлар тиббий билимлар асосини эгаллашга эришдилар. Клуб раҳбарларидан бири Елена Козлованинг берган маълумотига қараганда эса клуб ўз фаолиятини ҳатто 2002 йилгача давом эттирди. Унинг фаолияти вилоят оммавий ахборот воситаларида доимий равишда ёритилиб келинди. Ҳозирги кунда ушбу клубда таълим олган ёшлар халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилиш билан биргаликда, даволаш муассасаларининг ҳам моҳир шифокорлари бўлиб хизмат кўрсатиб келмоқдалар.⁶

3. Салахова Самарқанд область комитетига раҳбарлик қилган даврлардаги муҳим воқеалардан яна бири катта кўрғонлик шафқат ҳамшираси Антонина Пихтеванинг Флоренс Найтингейл медали ва мукофотига сазовор бўлиши бўлди. Халқаро Қизил Хоч Қўмитасининг ривожига қўшган



Е.П. Козлова "Ёш тиббиётчи" клубининг яқунловчи конференциясида. 1986 йил.

катта ҳиссасини ҳисобга олиб 1987 йилнинг 12 майида Халқаро Қизил Хоч Қўмитасининг қарори билан у мазкур мукофотга сазовор бўлди. Худди шу даврларда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Нарпай район комитетининг раиси ўринбосари Нарзулло Жўраев Н.И. Пирогов медали билан мукофотланди.

6 А.Т. Пукемов, С.Г. Григорьева. "Пароль – милосердие" Центральный Комитет Общества Красного Полумесяца Узбекистана. Ташкент, 1990 г. Стр.36-38.

Статья «Мы с Тамарой – санитары»// «Самаркандский вестник», 25 ноября 1993 года, № 141.

Статья «В дружбе со здоровьем»// «Самаркандский вестник», 14 июня 2000 года № 70.



1980 йилдан бошлаб Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатган Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг ўқув-методик маркази учун қулай шароитлар ва имкониятлар ташкил этилиши ҳамда фаолиятининг намунали йўлга қўйилиши бевосита Зоя Пантелеевнанинг номи билан боғлиқдир. Бу ҳақда биз алоҳида мавзуда тўхталиб ўтамиз.



Флорес Найтенгейль медали соҳибаси Антонина Пихтеева.

Болалик ва талабалик йилларида турмуш қийинчиликларини кўрган, машаққатли меҳнат қилиб ҳалол нон топишни ўрганган Зоя Салахова меҳр-шафқат хизматини шундай йўлга қўя олганки, у ташкил этган бу хизматнинг қарамоғида бўлганлар ҳам, уларга хизмат қилган ходимлар ҳам бу раҳбарнинг жонкуярлигидан доимо мамнун бўлиб яшаганлар ва меҳнат қилганлар. У ташкил этган меҳр-шафқат гуруҳининг Лилия Карцева, Галина Вагина каби шафқат ҳамшираларининг фаолияти ҳақида А.Т. Пукемов, С.Г. Григорьеваларнинг

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти томонидан 1990 йилда нашр этилган “Пароль – милосердие” рисоласида маълумотлар берилган.

З. П. Салахова умрининг охириги дақиқаларини ҳам Қизил Ярим ой жамиятининг тараққиётига бағишлади. Аммо унга йўлиққан оғир касаллик у режалалаштирган кўпгина ишларни охирига етказишга имкон бермади. 1988 йилда З. Салахова ҳаётдан кўз юмди. Шундай бўлсада, биргина Самарқанд вилоят ташкилотигагина эмас, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг босиб ўтган салмоқли йўлида у ҳам салмоқли из қолдира олди.

1988 йилдан 1995 йилгача бўлган даврда **Бозорова Тамара Маматқуловна** область комитетига раҳбарлик қилди. Бу давр сосан ўтиш даврига тўғри келди. Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ўзини мустақил ташкилот деб эълон қилиши, жамият жамғармасига хайрия ўн кунликларини ўтказиш тадбирларининг



бошланиши, хорижий мамлакатлардан озиқ-овқат, кийим-кечак ва дори-дармонларнинг олиб келиниши шу йилларга тўғри келди. Шунинг учун уларнинг айримлари ҳақида қисқароқ бўлсада тўхталиб ўтамиз.

1992 йил 5 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 458-сонли “Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти тўғрисида”ги Қарор

эълон қилинган, шу йилнинг 10-20 ноябрь кунлари вилоят ҳокимининг қарори билан вилоятда биринчи марта вилоят ташкилоти жамғармасига “хайрия тўплаш ўн кунлиги” ўтказилди. Ушбу қарорда кўрсатилиб ўтилганидек, вилоят ҳокимлиги



Вилоят ташкилоти кенгаши йиғилиши. (ўндан биринчи Ражабова Б.К., учинчи Бозорова Т.М.) 1989 йил.

қошида тузилган ташкилий қўмита томонидан ушбу тадбирни ўтказиш бўйича штаб ташкил этилди. Шу кунларда вилоятдаги барча оммавий-ахборот воситалари Қизил Ярим ой жамиятининг фаолиятини кенг тарғиб қилдилар. Хайрия ўн кунлиги бўйича ўтказилаётган тадбирлар, хайрия маблағларининг тушиши ҳақида аҳолини хабардор қилиб бордилар. Ташкилий қўмита баъзида ҳар куни, баъзида эса ҳатто кунига икки мартадан ўз йиғилишини ўтказиб, хайрия ўн кунлигининг ўтказилишини таҳлил қилиб турди. Вилоят ташкилоти ходимлари ҳам шу кунларда ўз иш кунларини вилоят ҳокимлиги биносига бошлашиб, ўша жойда тугатишарди. Аҳоли гавжум жойларда хайрия ўн кунлигини тарғиб қилиш бўйича йирик паннолар ўрнатилди, плакатлар ёпиштириб чиқилди. Аҳолига ва меҳнат жамоаларига маблағ тўплаш ўн кунлигида фаол иштирок этиш мазмунида мурожат хатлари тарқатилди, Марказий истироҳат боғидаги эстрада-ларда, шаҳарнинг катта залларда жамият жамғармасига маблағ тўплаш бўйича концертлар ташкил этилди. Худди шу даврда



самарқандлик машҳур хонанда Аслам Ражабзода Самарқанд шаҳридаги Ҳамид Олимжон номли ўзбек драма театри биноси ва “Муъжиза” амфитеатрида Қизил Ярим ой жамияти жамғармасига хайрия тўплаш бўйича жонли концертлар ташкил этди. Рашид Козимов, Икром Алиев каби хонандалар бу ишда унинг яқин кўмакчиси бўлдилар. Шаҳарнинг қатор муҳташам концерт залларида бундай тадбирларнинг давом этиши Қизил Ярим ой жамиятининг фаолиятини тарғиб этишга катта имкон берди. Бу каби концертларга самарқандлик таниқли хонандалар – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Насиба Абдуллаева, Ваҳобиддин Баҳриев, Ўзбекистон ва Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Мардон Мавлонов, республикада таниқли хонанда Жаводбек Козимовлар ҳам таклиф этилдилар ва улар концерт дастурлари билан чиқишлар қилдилар. Биринчи концерт 1992 йил 14 ноябрда вилоят сиёсий маориф уйи (ҳозирги Ўзбекистон халқлари тарихи ва маданияти музейи) биносида ўтказилганди. Ўшанда таниқли хонанда Насиба Абдуллаева сўз олиб, рақсбоп кўшиқ айтишини, залдагилар эса рақсга тушиб, хайр-эҳсонларини саҳна олдига ўрнатилган шаффоф қутига ташлашлари мумкинлиги эълон қилганди. Ана шу тадбирдан тушган биринчи маблағ 14 000 сўмни ташкил этганди. Маблағлар тўлалигича Қизил Ярим ой жамияти ҳисобига ўтказиб берилди. Бу каби ҳолат бир неча йиллар давом этди. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, концертларни ташкил этган хонандалар бирор марта ҳам хизмат ҳақи олишмаган.



Хорижий мамлакатлардан кўплаб миқдорда инсонпарварлик ёрдамларининг ҳам келиши

*Хонанда Аслам Ражабое
Халқаро Қизил Хоч ва Қизил
Ярим ой Ҳаракатининг 150
йиллик тадбирида ўзининг
гуруҳи билан,
2013 йил 5 май.*



айнан шу даврларга тўғри келади. 1992-1996 йиллар давомида жаҳоннинг турли мамлакатларидаги Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятларининг ходимлари мамлакатимизга ташриф буюриб, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг фаолияти билан яқиндан танишдилар. Шу жумладан, улар Самарқандда ҳам бўлишиб, жойларда олиб борилаётган ишлардан хабардор бўлдилар. Жамият жамғармасида маблағ етарли бўлмаганлиги учун Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерацияси Республикамизда фаолият олиб бораётган "Меҳр-шафқат хизмати" дастурини молиявий қўллаб-қувватлаш учун катта миқдорда маблағ ажратди. Уларнинг кўмагида биргина Самарқанд вилоятининг ўзида 136 нафар шафқат ҳамширалари ишга олиндилар ва улар бир ярим минг нафарга яқин жамият кўмагига муҳтож кишиларга тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиб турдилар. Ўтиш даврининг қийинчиликлари ёш мамлакатимизнинг иқтисодий ҳаётида ўз аксини кўрсата бошлаган шундай бир пайтда дўконларнинг пештахталари бўшаб, дорихоналар ҳувиллаб қолган эди. Шунинг учун хорижий ҳамкорларимиз бутун Республикамизда бўлганидек, вилоятда ҳам ўз мурувват ёрдамларини ташкил этишди. 1992 йилда Америка Қизил Хочи, 1993 йилда Туркия Қизил Ярим Ойи томонидан озиқ-овқатлардан иборат, 1994 йилда эса Япония Қизил Хочининг маблағлари ҳисобига Германия ва Европанинг қатор мамлакатларидан дори-дармонлардан иборат мурувват ёрдамлари олинди. Ҳатто, дори-дармонлар келган катта ҳажмдаги темир йўл контейнерлари вилоят ташкилоти ихтиёрига доимий фойдаланиш учун қолдирилди. 1993 йилда Швеция Қизил Хочи вакиллари Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти минтақавий ташкилотлари ходимлари учун ресурсларни ривожлантириш бўйича Қибрайдаги "Ёзувчилар уйи"да бир ҳафталик ўқув семинари ўтказдилар. 1996 йилда Швеция Қизил Хочидан ҳамда Американинг "Каунтентпарт Интернейшнл" компаниясидан салмоқли миқдорда кийим-кечаклар олинди. Швеция Қизил Хочидан кийим-кечаклардан иборат катта миқдордаги мурувват ёрдамларини олиш ҳатто 2010 йилгача давом этди. Таъкидлаб ўтмоқ лозимки, вилоят ташкилоти раиси



Т. Бозорова ҳам шу даврларга келиб оғир касалликка чалинган эди. Энди вилоят ташкилотига бошқа бир раҳбар зарур бўлиб қолган эди. Ана шу мақсадда 1995 йил март ойида Қизил Ярим ой жамияти фаолиятини яхши билувчи, илгарилари унинг туман ва шаҳар бўғинлари ташкилотларига раҳбарлик қилиб келган ва бу соҳада катта тажриба орттирган ходим **Ҳошимова Людмила Раҳимовна** Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд вилоят комитети раиси қилиб сайланди.



Ҳошимова Людмила Раҳимовна

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд вилоят ташкилоти ва унинг бошланғич ташкилотларининг фаолияти такомиллашиш палласига ўтди. Бу нарса бир томондан янги-янги дастурларнинг фаолият кўрсатишининг бошланиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан Людмила Ҳошимованинг шахсий сифатлари билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. "Бу ташкилотда ишлайдиган ҳар бир ходимнинг кўзи тўқ, кўнгли очиқ ва қўли сахий бўлиши керак" деб қайта-қайта такрорлайдиган бу раҳбар ҳақиқий Қизил Ярим ой ходими эканлигини унинг иш фаолиятида ҳам кўрса бўлади. Шу ўринда унинг фаолияти ҳақида айрим фикрларни эслаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Людмила Раҳимовна моддий жиҳатдан ўзига тўқ бўлган байналмилал оилада дунёга келган. Отаси ўзбек фарзанди, онаси эса украин қизи. У келин бўлиб тушган хонадон ҳам Самарқанд шаҳридаги маданий савияси анчагина юқори, моддий жиҳатдан ҳам ўзига тинч бўлган оилалардан бири бўлиб, қайнатаси ҳарбий шифокор, қайнанаси асли тошкентлик бўлиб, Самарқанддаги турли корхоналарда ишлаб келаётган раҳбар аёл эди. Бу оиланинг бир нечта аъзолари ҳам турли раҳбарлик лавозимларидаги камтарин инсонлардир. Л. Ҳошимова ўзи ҳақида гапирар экан, бутун умри давомида бир бурда нонини доимо ўз меҳнати билан топганини таъкидларди. Аспирант йигит Фарҳод-



га турмушга чиққач, эрининг ҳам ўзига ўхшаш хислатларга эга эканлигини, тайёр пул ёки мол-дунёга эътиборсиз бўлганлигидан завқланади. Кейинчалик Самарқанд Қишлоқ хўжалик институтида кафедра мудирини, ректор ўринбосарини бўлиб ишлаган турмуш ўртоғини профессор Фарҳод Ҳошимов билан турмуш қурганларидан кейин дунёга келган биринчи фарзандлари эндигина икки ёшни тўлдирган бир пайтда баъзан шу ёш гўдакка ичириш учун сут сотиб олишга ўн тийин танга топмаган пайтларини эслайди. Шунга ўхшаш ҳолатларни ўз бошидан ўтказганлиги уни мурувват ташкилотини қатор йиллар давомида турли раҳбар вазифаларида ҳалол ишлаб келишига сабаб бўлган бўлса ажаб эмас. Қизил Ярим ой жамиятида ишлаётган ходимларнинг бошини қовуштириб, бир оила фарзандидай кўриб, уларнинг доимо иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб турадиган бу раҳбар инсонгарчиликни биринчи ўринга қўяди. Ҳаётда ўз ишхонасидагини уйига ташийдиган раҳбарлар кўп учрайди. Аммо бу раҳбар ишда етмаганини уйдан олиб келади. Бу ҳақиқат. Шунинг учун ҳам у ходимлар кўнглига тез йўл топди ва мустаҳкам меҳнат жамоасини шакллантирди.



Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Марказий Қўмитаси раиси Ў. Воҳидова ва Испаниянинг Москвадаги элчиси Самарқандда "Биринчи ёрдам" марказини очилишида. 1999 йил.



Людмила Ҳошимова 1977-1978 йилларда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Самарқанд шаҳар Темирйўл район комитетини бошқарди, кейин эса 1985 йилгача ушбу жамият Самарқанд шаҳар комитетига раҳбарлик қилди. Шу даврга келиб Самарқанд шаҳар комитети тугатилгач, ўзининг касби бўйича ишини давом эттирди. 1995 йилнинг май ойида у Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти вилоят қўмитасининг раиси этиб сайланди.

Вилоят ташкилотига раҳбар бўлиб келган Л. Ҳошимова асосий диққатни кадрлар билан ишлаш ва жамият аъзоларининг сафини кенгайтиришга қаратди. Жуда қисқа вақт ичида вилоят кенгаши ҳамда шаҳар ва туманлар кенгашлари учун муносиб кадрларни топиб, уларни ўз ўрнига қўйишга эришди. Энди вилоят ташкилотининг фаолияти учун зарур бўлган маблағлар зўрма-зўракилик билан эмас, жамият аъзоларининг бир йилда бир марта берадиган бадаллари ҳисобидан йиғила бошланди. Шунинг эвазига санитария дружиналари, санитария постларининг ишлари ҳам маромига туша бошлади. Бошланғич ташкилотлар сафи кенгая борди. Шу йилларда унинг бахтига Ўзбекистонда турли инсонпарварлик дастурлари иш бошлаб, Самарқанд вилоятида ҳам уларнинг бўлимлари очила бошлаётган бир давр эди. Мазкур дастурлар учун зарур шароитларни яратиш ва муносиб ходимларни танлай билиш, уларнинг самарали ва тўлақонли фаолият олиб боришлари учун муҳим омил эканлигини яхши билган бу раҳбар асосий диққатни ходимлар учун иш шароитларни яратиш ва улар билан ишлашга қаратди. 1995 йилда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти вилоят кенгаши фаолиятидаги муҳим воқеалардан бири – бу Республикамиздаги немис диаспораси учун Германия Қизил Хочи ва Германия Федерал Ҳукумати ҳамда Германия Ички Ишлар Вазирлиги томонидан молиялаштирилувчи тиббий-ижтимоий марказлардан биттасининг Самарқанд шаҳрида очилиши бўлди. Мазкур марказнинг Республикамизда муваффақиятли иш олиб боришида Л. Ҳошимованинг хизмати алоҳида ўрин тутди. Шунингдек, 1999 йилда Испания Қизил Хочининг молиявий кўмаги билан



Республикамизда ташкил этилган "Биринчи ёрдам" дастури бўйича ўқув марказларидан бирининг Самарқанд шаҳрида намунали иш олиб бориши ҳам бу раҳбарнинг дастур фаолиятига масъулиятлилиги натижасида бўлганлиги диққатга сазовордир.

Унинг саъй-ҳаракатлари билан мазкур Дастурнинг иш бошлаши учун Самарқанд шаҳар Ветеранлар Уйи (ҳозирги Маҳмуд Қошғарий номли кўчадаги тарихий бино) дан махсус хоналар ажратилди ва Испания Қизил Хочининг маблағлари ҳисобидан тўла жиҳозланди. Хоналар кўркам ва ҳашаматли кўриниш касб этди. Мазкур "Биринчи ёрдам" тиббий-ижтимоий марказининг очилиш маросимида Испаниянинг Россиядаги элчиси раҳбарлигидаги делегация, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Марказий Комитети раиси Воҳидова Ўктамхон Толиповна, унинг ўринбосари Муҳиддинова Озода Миркомиловна, Самарқанд вилоят ва шаҳар жамоатчилиги аъзолари, вилоят телевидениелари ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этишди. Қисқа муддат ичида ушбу марказ фаолияти кўзга кўриниб қолди ва меҳнат жамоалари ўртасида обрў қозонишга эришди. Унинг тажрибали ходимлари Лола Азимова ва Людмила Ахмедовалар биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича нафақат Самарқанд шаҳрида, балки туманларга ҳам чиқиб маҳорат билан машғулотлар ўтказишарди. Кейинчалик марказ ўз фаолиятини Самарқанд шаҳридаги фавқулодда вазиятлар бўлими, вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси биноларида давом эттирди. Бу даврда марказ ишига Республика аҳамиятидаги тренер ходим Алиева Диана Равильевна раҳбарлик қилди ва ҳозирги кунда ҳам дастур ходими сифатида фаолият олиб бормоқда.

Ушбу марказда таълим олган вилоят ташкилоти қошидаги кўнгиллилардан иборат қутқарув гуруҳининг аъзолари ака-ука Мансур ва Ҳасан Тўрақуловлар, Александр Казаков, Амир Исмоилов, Амиран Нурмуҳамедов, Фаррух Раҳматов, Назира Муҳиддинова ва бошқалар биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича машғулотлар ўтказувчи тренерлар даражасига кўтарилдилар. Айниқса, гуруҳ ташкилотчиси ва командири Мансур Тўрақулов соҳани мукамал эгаллаб, Россиянинг "Лукойл" компанияси то-



монидан Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ташкил этилган машғулотларни ўтказиб бериш билан биргаликда, ушбу машғулотлар эвазига тушган маблағлар билан жамиятни қўллаб-қувватлашга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Кейинчалик марказ вилоят кенгаши биносигаги “Ёшлар маркази” хонасига кўчиб ўтди. Ҳозир эса у ўзининг фаолиятини меҳнат жамоалари ва аҳоли ўртасида машғуллар ўтказиш билан давом эттирмоқда.

2000 йилдан бошлаб Финляндия Қизил Хочининг молиявий кўмагида иш бошлаган “Ёшлар маркази”нинг замонавий ва дид билан безатилиши, унинг фаолият кўрсатилиши учун қулай шароитлар яратиб берилишида ҳам Л. Ҳошимова жонбозлик кўрсатди. Ушбу марказ жойлашадиган хонани таъмирлаш учун вилоят кенгаши бюджетида умуман маблағ ажратилмаган бир шароитда, қисқа вақт ичида вилоят кенгаши биносининг катта зали



Каттақўрғон шаҳри Навбахор маҳалласида Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқларини тарғиб қилиш бўйича семинар. 2005 йил.

унинг раҳбарлигида қайта таъмирланиб, замонавий жиҳозланди ва ҳашаматли кўриниш касб этди. Тез орада олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, умумтаълим мактабларининг ўқувчилари

вилоят ташкилоти қошидаги “Ёшлар маркази”да ўтказилаётган тадбирлардан хабар топишди ва унинг мунтазам равишдаги иштирокчиларига айландилар. Дастур бўйича фаолиятни вилоят ташкилотининг йўриқчиси Жўраева Надежда Раҳимовна бошқарди. Вилоят ташкилотида ёшлар қизиларимой кўнгилчилар ҳаракати айнан шу даврдан бошланди. Бу ҳаракат ва унинг асосчиси Азамат Акбаровнинг фаолияти ҳақида биз кейинги мавзулардан бирида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.



2001 йилда Л. Ҳошимованинг соғлиги анчагина ёмонлашди. Унга қўйилган ташҳис эса иш фаолиятини давом эттиришни чеклаб қўйганди. Шу сабабли март ойида ўз аризаси билан ишдан озод этилди. Орадан ўн икки йил ўтиб, 2013 йилнинг июль ойида Қизил Ярим ой жамиятининг обрўсига яна катта путур етиб, уни жонлантириш зарур бўлиб қолган бир даврда, ўз соғлигини анчагина тиклаб олган бу раҳбар яна вилоят ташкилоти раиси вазифасига қайта сайланди ва вилоят ташкилотининг ХХХ ҳисобот-сайлов Конференцияси (2015 йилнинг февраль ойига қадар) унга раҳбарлик қилди. Бу даврда вилоят ташкилоти оғир бир жараённи – кадрлар қўнимсизлигини бошидан кечираётган эди. У ўзининг фаолиятини вилоят ташкилотига муносиб ходимларни танлаш ва улар билан ишлашдан бошлади. Вилоят ташкилотининг ижрочи директори вазифасига катта раҳбарлик тажрибасига эга бўлган Усмонов Илҳом Тожиевични танлаб хато қилмади. Иккала раҳбар ҳам асосий диққатни шаҳар ва туманлар ташкилотларида кадрларни танлаш, уларнинг билим даражаларини ошириш, улар учун иш шароитларини яратишга қаратишди. Барча шаҳар ва туманлар ташкилотлари шундан кейинги даврда жамият Уставида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, яна Қизил Ярим ой жамияти аъзолари сафини кенгайтириш, янги-янги бошланғич ташкилотларни ташкил этиш, улар ўртасида жонли иш олиб бориш орқали вилоят ташкилотининг обрўсини қайта тиклаш бўйича иш олиб бордилар. Шу ўтган қисқа муддатда Л. Ҳошимова вилоят ташкилоти ходимлари ўртасида соғлом иш муҳитини яратиб берди.

2001 йилнинг март ойидан бошлаб 2010 йилнинг апрель ойигача бўлган даврда вилоят ташкилотига **Мусурмон Мамадиёров**, 2010 йилнинг апрель ойидан шу йилнинг октябрь ойигача бўлган даврда **Холбута Нурматов**, 2010 йилнинг ноябрь ойидан 2013 йилнинг июль ойигача бўлган даврда эса профессор **Дилбар Ибодава** раҳбарлик қилишди.

Шу учала раисларнинг раҳбарлик даврлари ичида вилоят ташкилоти асосан хорижий донорларнинг қўмагидаги дастурлар бўйича амалга оширган ишлари билан ўзини кўрсата олди, холос. Айниқса, аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қи-



лишга тайёрлаш, биринчи ёрдам кўрсатишга ўргатиш бўйича намунали фаолияти ушбу Дастурни молиялаштирувчи Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерацияси, кейинчалик эса донорлик ёрдамини бериб турган Еврокомиссиянинг Инсонпарварлик ёрдами бўлимлари томонидан эътироф этилди. Ушбу дастурнинг кўнгиллилардан иборат қутқарув гуруҳининг фаолияти ва аҳолини фавқулудда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш бўйича маҳаллаларда олиб борган ишлари ҳақида кейинги мавзулардан бирида батафсилроқ маълумот бериб ўтамиз. Дастурнинг энг салмоқли ишларидан бири бу Ургут туманининг Қоратепа мавзеидаги Оқтош, Қўзичи қишлоқлари, Нуробод туманининг Сазоғон қишлоқларидаги кўчки хавфи бўлган ҳудудларига йигирма минг тўп мевали ва манзарали дарахтларни экиши бўлди.

Халқаро Инсонпарварлик Ҳуқуқларини тарғиб қилиш ва Қидирув хизмати бўйича дастур фаолияти 1997 йилда бошланди. Ушбу дастур доирасида Халқаро Қизил Хоч Қўмитасининг молиявий кўмагида Ўзбекистонда “Инсон ва жамият” ўқув қўлланмаси чоп этилиб вилоятнинг барча умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида бепул тарқатилди. 2002 йилдан бошлаб мактаб ўқувчилари ўртасида, 2006 йилдан бошлаб эса ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ушбу ўқув қўлланмаси бўйича олимпиадалар ўтказилди. Мазкур олимпиадаларнинг ғолиблари Республика олимпиадаларида қатор йиллар давомида мунтазам равишда биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаб келдилар. Республикада биринчиликни қўлга киритган ўқувчилардан Анвар Абдуллаев, Жаҳонгир Насимов ва Амир Исмоиловлар доимий равишда вилоят ташкилотининг кўнгиллилари бўлиб қолдилар ва улар ҳозиргача ҳам Қизил Ярим ой жамиятининг барча йўналишлари бўйича фаолиятида мунтазам равишда иштирок этиб келмоқдалар.

Вилоятда 2007 йилдан 2011 йилгача бўлган даврда “Сил касаллиги профилактикаси” дастури фаолият кўрсатди. Шу муддат ичида сил касалига чалинган кам таъминланган 360 нафар беморлар ойига 10 килограммдан озиқ-овқат маҳсулотлари ва дармон-



дорилар ҳамда санитар-гигиеник мажмуаларни олиб турдилар.

Ўзбекистон ўз Мустақиллигини қўлга киритиши сабабли Қизил Ярим ой жамиятининг ҳам ўз мустақиллигини эълон қилиши ва Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерациясига аъзо бўлиб кириши жамият ходимларининг халқаро ва минтақавий тадбирларда бевосита қатнашиш имкониятларини яратиб берди. Нафақат Республика ташкилотимизнинг раҳбар ва мутахассис ходимлари, вилоят ташкилотларининг ҳам ходимлари хорижий ва Ҳамдўстлик мамлакатларида ўтказилган ўқув ва амалий машғулотларда иштирок этдилар.

Жумладан, 1996 йилда вилоят ташкилоти фавқулодда вазиятлар бўйича мутахассис ходими Ҳ. Холов Афғонистон, Марказий Осиё, Озарбайжон, Эрон Республикалари Қизил Ярим ой жамиятлари ходимлари учун фавқулодда вазиятларда ёрдам кўрсатишни ташкил этиш бўйича Техрон шаҳрида ўтказилган икки ҳафталик ўқув семинарида иштирок этди. У ва бошқа ходимлар, ҳатто кўнгиллилар ҳам Тошкент шаҳрида ўтказилган қатор ўқув семинарларидан ташқари Алмати, Москва, Бешкек, Иссиққўл (Қирғизистон)да ва бир қатор бошқа шаҳарларда ўтказилган Халқаро ва Минтақавий ўқув семинарлари ва амалий машғулот-



Қирғизистон Республикаси Иссиққўл мавзеидаги семинарда ўзбекистонликлар. 2004 йил.



*Қизил Ярим ой жамияти Меҳнат
Фахрийси Марям Дўстбекова*

ларда фаол иштирок этдилар ҳамда диплом ва сертификатлар олиб қайтдилар. Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари Қизил Ярим ой жамиятларининг аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш дастури бўйича ўзаро тажриба алмашувларида вилоят ташкилотининг ҳам ходимлари иштирок этиш имкониятларига эга бўлдилар. 2003 йилнинг апрель, июль ойларида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Пленумлари ўтказилиб, унда 2003-2005 йиллардаги ўтиш даврида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг сайлов (бошқарув) ва тайинланувчи органларининг вазифалари ва ваколатларини ажратишни амалга ошириш ва таъминлаш масалалари кўриб чиқилди. Шунга мувофиқ Самарқанд вилоятида ҳам бошқа вилоятларда бўлганидек, 2005 йилдан бошлаб вилоят ташкилоти ходимларининг фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш учун ижрочи директор тайинланадиган бўлди. Аммо вилоят ташкилоти раислари узоқ вақт бу тартибни ўзлаштира олмадилар ва амалда қўлламадилар. 2014 йилдан бошлабгина мазкур тартиб амалда тўғри қўлланила бошланди.

2013 йилда Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Ҳаракатининг 150 йиллиги бошқа мамлакатлар ва Республикамизнинг бошқа вилоятларида бўлгани каби Самарқандда ҳам кенг нишонланди. Юбилей муносабати билан вилоят ташкилотида Фахрийлар ва фаоллар учун кенг доираларда байрам тадбирлари ўтказилди. Шаҳардаги "Тумарис" меҳмонхона комплексида вилоят ташкилоти эллик нафар энг фаол кўнгилчиларининг юқори савиядаги учрашуви ўтказилди. Оммавий ахборот воситалари орқали Жамият фаолиятини кенг тарғиб қилиш бўйича конкурс эълон қилинди. Унинг ғолиблари вилоят ва Республика танловларида ҳам иштирок этишиб, совриндор ўринларни эгаллашди. Вилоят ташкилоти томонидан жойларда ўтказилган тадбирларда 1930



йилларда ушбу жамиятнинг Самарқанд туман ташкилотида бошланғич ташкилотларда ишлаган, ҳозирда эса меҳнат фахрийси Марям Дўстбекова Қизил Ярим ой жамиятининг ўша даврлардаги фаолияти ҳақида қимматли маълумотларни гапириб берди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Самарқанд вилоят ташкилоти 2015 йилнинг февраль ойида бўлиб ўтган ХХХ ҳисобот-сайлов Конференциясида раис этиб сайланган **Арипова Мунира Шерматовна** раҳбарлигида жамиятнинг Уставида белгилаб берилган барча вазифаларини Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Ҳаракатининг Асосий тамойилларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ташкил этилганлигининг 90 йиллигини кенг нишонлашга қаратилган фаолиятни кенг авж олдириб юборди.



Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Ҳаракатининг 150 йиллигига бағишлаб кўнгилли ёшлар учрашуви. "Тумарис" меҳмонхона-комплекси.



РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МЕТОДИК МАРКАЗИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН

1970 йилларнинг охирига келиб собиқ СССР Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Иттифоқи Марказий Комитети олдида жамиятнинг штатли ходимларини ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш учун методик марказларни ташкил этиш вазифаси кўндаланг бўлади. Бундай марказларни Москвада эмас, миллий республикаларда ташкил этиш, минтақавий шароитлар ва имкониятлардан келиб чиқиб, уларнинг фаолиятини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Шу сабабли Қизил Хоч тимсолидан фойдаланувчи Республикалар учун Украинанинг Винница шаҳри танланди. Қизил Ярим ой тимсолидан фойдаланувчи Республикалар учун Марказий Осиё Республикалари ичидан ўзининг иқтисодий ва маданий салоҳияти, илғор тажрибалари билан ажралиб турувчи Республика – Ўзбекистон танланади.



Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд вилоят ташкилоти 1950 йилдан 1981 йилгача фаолият кўрсатган ва 1980 йилда Республика ўқув-услуг маркази ўз фаолиятини бошлаган бинонинг ташқи кўриниши.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Марказий Комитетининг раиси К.С. Шарифбоева ва унинг ўринбосари И.И. Железняк бу марказни Самарқанд шаҳрида ташкил этишни таклиф қилишди. Чунки шу даврда Самарқанд вилоят ташкилоти ўзининг кўп йиллик намунали инсонпарварлик фаолияти, ўз қарамоғи-

дагиларга хизмат кўрсатиш бўйича тўплаган тажрибалари, аҳолининг соғлигини сақлаш бўйича давлат органларига кўрсатган ёрдамлари, бошланғич ташкилотларни, санитария дружиналари ва санитария постларини ташкил этишда самарали иш олиб



борганлиги ва ўз фаолиятининг барча йўналишлари бўйича фаолиятини собиқ Иттифоқдагина эмас, жаҳоннинг қатор мамлакатлари Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятларига танилган ва улар томонидан эътироф этилган ташкилот даражасига етган эди. Шу сабабли бу каби тажрибани кенг ёйиш ва жамият ишини янада такомиллаштириш мақсадида бундай методик марказни Самарқандда ташкил этиш қийинчилик туғдирмас эди. Республика партия ташкилоти ва ҳукумати ҳам бу таклифни қўллаб-қувватлашди ва махсус қарорлар қабул қилишди. Уша вақтдаги область партия комитети, область ижроия комитети ва область соғлиқни сақлаш бошқармаси марказни ташкил этишга амалий киришдилар.

1980 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг ўқув-методик маркази жамиятнинг Самарқанд вилоят комитети жойлашган бино – Фирдавсий (собиқ Шаумян) кўчаси 28-уйда ўз фаолиятини бошлади. Республика ўқув-методик маркази жойлашган бино икки қисмдан иборат бўлиб, унинг бир қисми XIX аср рус меъморчилиги тарихий ёдгорлиги, иккинчи қисми қўшимча қурилган хизмат хоналаридан иборат бўлган. Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд область комитети бинонинг тарихий қисмида жойлашган бўлган. Қўшимча қурилган биноларни эса Самарқанд шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли шаҳар стоматологик поликлиникаси Қизил Ярим ой жамиятидан ижарага олиб, ўзига мослаштириб, кабинетларни жиҳозлаган.

1976 йилдан буён Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд район комитети раиси ўринбосари вазифасида ишлаб келган ва 1980 йил январь ойида мазкур марказ директори ўринбосари вазифасига ишга тайинланган Саиднебиева Диляра Жалиловнанинг маълумот беришича ўша пайтда марказнинг ҳали мол-мулки шакланмаган бўлиб, у Қизил Ярим ой жамиятининг Самарқанд область комитети базасида иш олиб борган. Марказнинг штатли ходимлари қуйидагилардан иборат бўлган: Субҳонқулова Венера Рафиқовна – марказ директори, Саиднебиева Диляра Жалиловна – директор ўринбосари, Ҳайтова Шамсинур Султоновна – катта методист, Зайкина Светлана



Львовна, Шарапова Милафша Галяутдиновна – методистлар, Яковенко Жанна Константиновна – бухгалтер. Шу пайтда марказга ўқишга келганлар шаҳар меҳмонхоналарига жойлаштирилган. Машгулотлар эса Қизил Ярим ой жамиятининг область комитети биноси, область санитария маорифи уйи ва область қон қуйиш станциясининг биноларида ўтказилган.



Республика ўқув-услуб марказининг биринчи директори Субҳонкулова Венера Рафиқовна.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг ўқув-услуб маркази ташкил этилгач, кенгроқ ва нуфузли бинога эҳтиёж пайдо бўлади. Шу сабабдан Самарқанд шаҳар ижроия комитетининг 1981 йил 3 июндаги 4/120- сонли қарори билан Карл Маркс (ҳозирги Мирзо Улуғбек) номли кўчанинг 20-уйида жойлашган бино⁷ Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг доимий фойдаланиши учун Самарқанд область комитети балансига ўтказиб берилиб, янгидан ташкил этилган Республика ўқув-услуб маркази ҳам шу бинога жойлаштирилган.

Мазкур бино ҳовлиси умумий ҳовли бўлиб, унда фуқароларнинг уйлари жойлашган эди. Ушбу фуқаролар бошқа жойларга кўчирилиб, улар яшаган жойлар янгидан ташкил этилган марказ учун алоҳида хотин-қизлар учун ва алоҳида эркаклар учун меҳмонхона, ошхона, душли ҳаммом ва санитария тугунлари учун махсус қайта жиҳозланди. Бино ҳовлиси ободонлаштирилиб, дарахтлар экилди ва гулзорлар ташкил этилди. Шундай қилиб марказ ўзининг директор ва унинг ўринбосари учун иш хонаси, ўқув-методик хонаси, методистлар учун учта иш хоналари, бухгалтерия, хўжалик ишлари бўйича бўлим бошлиғининг хонаси ва каттагина йиғилиш залидан иборат бўлди.

7 Бу бино ҳам тарихий ёдгорликлар рўйхатида туриб, деворларининг қалинлиги қарийиб бир метрга яқин, қадимий гиштин устунлари бўлган катта зали бор эди. Чор Россияси даврида у банк учун қурилган бўлиб, унда Республика саноат қурилиш банкининг Самарқанд вилоят бошқармаси жойлашган эди. 1981 йилнинг 9 майида Микрорайонда янгидан қурилган биноси қурилгач, саноат қурилиш банки шу бинога кўчиб ўтди.



Республика ўқув-услуг марказида таҳсил олган биринчи битирувчилар. 1981 йил.

Бинонинг реконструкцияси тўла тугаллангач, ўша давр учун замонавий ҳисобланган техникалар, узоқдан бошқариладиган камера ва кодоскоплар билан замонавий этиб жиҳозланди. Марказ УАЗ маркали тарғибот машинасига эга бўлди. Республика ўқув-методик марказининг биринчи тингловчилари Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти областлар, шаҳар ва районлар комитетларининг ходимлари бўлдилар. Қўлимиздаги материаллар ва фотосуратларнинг маълумот беришича, нафақат Марказий Осиё, балки Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Молдавия, Болтиқ бўйи Республикалари ва Кавказ орти Республикаларидаги шаҳар ва районлар комитетларининг раис ўринбосарлари⁸ келиб бу ерга тажриба ўрганиш ва малака ошириш учун кела бошладилар. Машғулотлар махсус ишлаб чиқилган 2 ҳафталик дастур асосида олиб борилди. Ўқув машғулотлари теоритик ва

⁸ Шу пайтларда область, шаҳар ва районлар бирлашган касалхонасининг бош врачлари Қизил Ярим ой жамияти область, шаҳар ва район комитетларининг жамоатчилик асосида ишловчи раислари этиб сайланардилар. Штатли ходимлари эса раис ўринбосари деб юритиларди.



амалий машғулотлардан иборат бўлиб, улар қуйидаги мавзулардан иборат эди:

1. Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Ҳаракатининг, СССР Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Иттифоқининг пайдо бўлиш тарихи.
2. Ўқувчи-ёшлар ўртасида ишлаш.
3. Патронаж (меҳр-шафқат) хизмати.
4. Санитария – мудофаа ишлари.
5. Донорлик.
6. Санитария маорифи.
7. Бухгалтерия. (Асосан маркалар билан ишлаш).

Амалий машғулотлар Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг намунали бошланғич ташкилотлари ва участка комитетларида ўтказиларди. Бундай бошланғич ташкилотларга Республика ўқув-методик маркази доимо методик ёрдам кўрсатарди.



Республика ўқув-услуг маркази фаоллари ва вилоят комитети қошидаги "Ёш тиббиётчи" клуби раҳбарияти Марказий маданият ва истироҳат боғида аҳоли билан савол-жавоб тадбирида. 1982 йил.

Машғулотларни ўтказишга Республика ўқув-методик марказининг ходимларидан ташқари Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд область комитети, область санитария маорифи уйи ва область қон қуйиш станциясининг ходимлари ҳам жалб этилардилар. Тингловчилар бошланғич ташкилотларда ўтказиладиган донорликни тарғиб қилувчи кечаларда, санитария постлари ва санитария дружиналарининг мусобақаларида, область комитети ўтказадиган турли тадбирларда ҳам иштирок этишарди. Жойларга чиқиб иш тажрибаси билан қатнашишдан ташқари, таҳсил олаётган ходимлар учун маданий ҳордиқ ва тарихий ёдгорликлар бўйлаб саёҳат ҳам ташкил этиларди.

ларда ўтказиладиган донорликни тарғиб қилувчи кечаларда, санитария постлари ва санитария дружиналарининг мусобақаларида, область комитети ўтказадиган турли тадбирларда ҳам иштирок этишарди. Жойларга чиқиб иш тажрибаси билан қатнашишдан ташқари, таҳсил олаётган ходимлар учун маданий ҳордиқ ва тарихий ёдгорликлар бўйлаб саёҳат ҳам ташкил этиларди.



Республика ўқув-методик марказининг кўкрак нишони

1982 йилда Самарқанддаги Республика ўқув-методик маркази базасида Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятларининг Бутунитифоқ семинари ўтказилди. Семинар натижалари асосида Самарқанд области аҳолиси ўртасида жамият фаолиятини кенг тарғиб қилиш бўйича тадбирлар ўтказилди. Максим Горький (ҳозирги Алишер Навоий) номи Марказий маданият ва истироҳат боғида, Самарқанд гарнизони офицерлар уйи биноси ёнидан боққа кириш дарвозасининг ўнг томонига Қизил Ярим ой жамияти фаолиятини тарғиб этувчи ўттиз метр узунликдаги панно ўрнатилди. Истироҳат боғида кўчма кўргазмалар ташкил этилиб, жамият фаоллари маълумотлар столини ташкил этишди. Стол атрофида барча касалликлар бўйича суҳбатлар ташкил этилиб, савол-жавоблар ўтказилди, ёзги эстрадада суҳбатлар ташкил этилди.

Шу даврда Республика ўқув-методик марказининг кўкрак нишони ҳам зарб этилди. У марказда таҳсил олган ходимларга топширилар эди.

1978-1984 йилларда Самарқанд шаҳар ташкилотида раис вазифасида ва кейинчалик вилоят ташкилотининг раиси вазифасида ишлаб келган Ҳошимова Людмила Раҳимовнанинг берган маълумоти бўйича Республика ўқув-методик маркази билан Самарқанд шаҳар комитети ўша пайтда Самарқанд шаҳридаги "Гелион", "Красний двигатель", Чинни маҳсулотларини ишлаб чиқариш, Музлатгичлар ишлаб чиқариш, Тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш заводлари, "8 Март" ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чой қадоқлаш фабрикаси, Трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш фабрикаси, Самарқанд Давлат университети, Самарқанд кооператив институти, Самарқанд Қишлоқ хўжалик институти, Самарқанд педагогика институти, Мичурин номи қишлоқ хўжалик техникуми, Кооператив, озиқ-овқат техникумлари, 14, 34, 37, 42, 43, 45, 51-умумтаълим ўрта мактабларида Қизил Ярим ой жамиятининг намунали бошланғич ташкилотлари, са-



нитария дружиналари ва санитария постлари ташкил этишган. Шунингдек, Самарқанд шаҳридаги 1, 2, 4, 7, 11-поликлиникалари участка кўмиталарининг фаолияти ҳам намунали ташкил этилган бўлган. Уша пайтларда мактаб ўқувчиларининг “Зарница”, “Светофор” мусобақалари, “Саломатликнинг ёш дўстлари” кўрик-танловлари жуда юқори савияда ўтказилиб келинган. Худди шу каби Республика ўқув-методик маркази Жамиятнинг Самарқанд область комитети билан ҳамкорликда юқорида эслатиб ўтилган мавзуларда тадбирлар ўтказиб туришган. Шу пайтларда Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари, Булунғур, Жомбой, Иштихон, Каттақўрғон, Оқдарё, Пастдарғом, Самарқанд, Ургут районларининг фаолиятлари диққатга сазовор бўлган.



Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Марказий Қўмитаси раиси Ў. Воҳидова В. Субҳонқуловага Фахрий Ёрлиқ топширмада. Самарқанд кўғирчоқ театри биноси. 1995 йил.

1980 йилдан 1990 йилгача бўлган даврда ушбу марказ томонидан собиқ СССР даги Иттифоқдош Республикалар учун 4 мингдан ортиқ ходимлар, фаоллар ва кўнгиллилар тайёрлаб берилган. 1991 йилдан кейинги даврда мазкур марказнинг собиқ СССР

Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан молиялаштирилиши камайтирилиши ва кейинроқ бутунлай тўхтаб қолиши сабабли Марказ фаолияти бирмунча сусайди. 1990 йилларда штатли ходимлар марказ директори, директор ўринбосари, методик ходимлар, бош ҳисобчи, хўжалик ишлари бўлими мудир, фаррош, қоровул ва ҳайдовчилардан иборат бўлган бўлса, 1992 йилда унда фақатгина директор, унинг ҳайдовчиси, бош ҳисобчи ва методистлардан иборат ходимлар фаолият кўрсатишди ва улар 1996 йилгача фақатгина Самарқанд вилоятида иш олиб борди, холос.

Шу даврда марказнинг битта УАЗ маркали автомашинаси, иккита меҳмонхоналардаги жиҳозлари, методик кабинет ва ўқув



зали жиҳозлари ва бошқалардан иборат каттагина миқдорда ҳўжалик буюмлари ва ўн олти йил давомида тўпланган бошқа моддий бойликлари мавжуд эди. Марказнинг Самарқанд шаҳрида фаолияти тўхтатилганлиги сабабли унинг барча мол-мулки иккита катта юк машинасига ортилиб, 1996 йилнинг июль ойида Тошкент шаҳрига кўчириб юборилди.



*Республика ўқув-услуб маркази 1980 йилда ўз фаолиятини шу хонада бошлаган.
Самарқанд шаҳар Фирдавсий кўчаси, 26.*



*Республика ўқув-методик марказининг ўқув зали 1981 йилда шу хонага кўчиб ўтган.
Кейинчалик бу хона вилоят ташкилотининг "Ёшлар маркази"га айлантирилган.
2004 йил.*



Самарқандлик фаоллар Пироговнинг Винницадаги уй-музейида. 1981 йил.



Республика ўқув-методик марказининг биринчи директори В. Субҳонқулова билан муаллиф Ҳ.Холов ушбу марказнинг ташкил этилиш тарихи мавзусида суҳбатлашмоқда. 2012 йил октябрь.



ВИЛОЯТ ЁШЛАР ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ҲАРАКАТИ

1993 йилнинг баҳорида Ўзбекистон Ёзувчиларининг Дўрмондаги дам олиш уйида Швеция Қизил Хочининг икки нафар ходимлари Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг штатли ходимлари учун жамиятни ривожлантириш масалалари бўйича икки ҳафталик ўқув семинарини ўтказишди. Ўшанда улар Швеция Қизил Хочининг мамлакат миқёсидаги бошқарув аппаратада бор-йўғи 5-6 та штатли ходим ишлашини, асосий ишларни волонтерлар, яъни кўнгилчилар амалга оширишини айтишганди.

Бошига бирор-бир мушкул иш тушган кишининг аҳволига қараб турмаслик, уни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш каби олижаноб инсоний хислатлар қадимданоқ халқимизнинг қон-қонига сингиб кетганлиги ҳаммага аён. Шундай экан, кўнгилчилик асосида ишни ташкил этишда қийинчиликларга ўрин бўлмайди. Бу ишда фақатгина одамларнинг, айниқса, ёшларнинг бошини қўша олиш каби ташкилотчилик ишлари керак бўларкан, холос.



Вилоят кенгашида ёшлар учун ўтказилган дастлабки ўқув семинари иштирокчилари. 2002 йил декабрь.



Самарқанд вилоят ташкилотиди 2002 йилда жамият фаолиятига кўнгилчиларни кенг жалб этиш ҳаракати Самарқанд чет тиллар институти талабалари учун Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Ҳаракати фаолиятини ўрганиш бўйича ўтказилган семинардан бошланди. Бу ишга ўша пайтдаги институт талабаси, ҳозирда Сербиянинг Бурж университети кафедра мудури, профессор Азамат Акбаров раҳбарлик қилди. 16 нафар талаба йигит-қизлар Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Ҳаракатининг тарихи, мақсади ва вазифаларини, соғлом турмуш тарзи, гиёҳвандликка қарши кураш, юқумли касалликлар, айниқса, ОИТСнинг олдини олиш бўйича ўтказилган ўқув семинарларида фаол қатнашиб, шу соҳалар бўйича билимлар асосини чуқур эгалладилар ва



Амиран Нурмухамедовнинг плакатлар кўргазмаси кўнгилчилардан иборат қутқарув гуруҳи аъзолари муҳокамасида. 2004 йил.

тенгдошлари ўртасида тарғибот ишларини бошлаб юбордилар. Азаматнинг шогирдларидан бири – ҳозирги пайтда вилоят ташкилоти қошидаги кўнгилчилардан иборат қутқарув гуруҳининг фаол аъзоси Амиран Нурмухамедов ўша пайтда ҳали мактаб ўқувчиси

эди. Аммо шунга қарамай соғлом турмуш тарзи бўйича билимларни чуқур эгаллай олган бу ёш ўспирин гиёҳвандликка қарши кураш, ОИТС/ОИВ касалликларининг олдини олиш, фавқулодда вазиятларда қутқарув мавзулари бўйича шундай плакатлар чиздики, улар узоқ вақт вилоят ташкилоти қошидаги "Ёшлар маркази"нинг кўргазмасидан тушмай келди. Марказда меҳмон бўлган хорижий ҳамкасбларимиз плакатларнинг соддалиги ва савияси баландлигига юқори баҳо бердилар. Марказда ўтказиладиган тадбирларнинг иштирокчилари бўлган талаба-ўқувчилар улардан асосий тарғибот қуроли сифатида фойдаланиб келдилар.



Азамат Акбаров ўзининг атрофига ўқув юртларининг та-
лабаларини, маҳаллалар ёшларини тўплаб тарғибот гуруҳини
ташkil этди. Қутқарув гуруҳи аъзоси Шерзод Фуломов билан
биргаликда нафақат Самарқанд вилоятида, Жиззах вилояти-
нинг қатор маҳаллалари-
да бўлиб, ўқув ва амалий
машғулотлар ўтказишда
тренер сифатида иштирок
этишди. У тайёрлаган во-
лонтерлардан Муҳаммад
Ашуров, Бекзод Содиқов
Англияга ўқишга боргунга
қадар вилоят ташкилоти



Кўнгилли Бекзод Содиқов Женевада. 2007 йил.

ходимларига компьютерда
ишлаш бўйича сабоқ беришди. Вилоят ташкилоти кўнгиллила-
ри ўртасида Бекзод Содиқов Швейцарияга бориб, Женевада
Халқаро Қизил Хоч Кўмитасининг музейини томоша қилган би-
ринчи волонтердир.

Азамат раҳбарлигида айниқса, Самарқанд шаҳридаги
Меҳробод маҳалласида олиб борилган ишлар таҳсинга сазо-
вордир. 2001 йилда маҳалла аҳолиси билан учрашув ўтказил-
гач, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг маҳалладаги бош-
ланғич ташкилоти ташкил этилди. Иқтидорли ёш тадбиркор
Шавкат Муминов бошланғич ташкилот раиси этиб, Икром Али-
ев эса унинг ўринбосари этиб сайланди. Маҳалла аҳолиси ва
ёшлари ўртасида тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилиши оқи-
батида маҳалла ҳудудида икки марта февралда вазиятларда
ҳаракат қилиш ва қутқариш, биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича
ўқув семинари ва амалий машғулот ўтказилди. Қизил Хоч ва
Қизил Ярим ой Ҳаракатини фаолиятига бағишланган видеокўр-
сатувлар намойиш этилди. Аҳоли Қизил Ярим ой жамияти аъ-
золигига кенг жалб этилди. Аъзолик бадаллари йиғиб олинди.
Маҳалла қошида февралда вазиятларда ҳаракат қилиш ва
биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича маслаҳат маркази ва "Ёшлар
маркази" ташкил этилди. Шу ўринда ушбу маҳаллада ўтказилган



машғулотларнинг самараларидан бири бўлган бир воқеани айтиб ўтиш ўринлидир.

2003 йилда вилоят ташкилоти қошида кўнгилчилардан иборат кутқарув гуруҳи ташкил этилгач, вилоят ташкилоти Ёшлар қизиляримой ҳаракати раҳбари Азамат Акбаровнинг ташаббуси ва Самарқанд шаҳридаги Аждармаҳалла (ҳозирги "Меҳробод") маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Насиба Азимбекованинг таклифига билан мазкур маҳалла ёшлари билан учрашув ўтказилди. Ушбу учрашувда Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Ҳаракати, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг фаолияти тўғрисида ёшларга тўлиқ маълумот берилди ва Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси томонидан жаҳоннинг қатор мамлакатларида олиб



Самарқанд шаҳар «Меҳробод» маҳалласи бошланғич ташкилоти аъзоларининг навбатдаги йиғилиши. 2011 йил.

ларидаги урушлар ва табиий тусдаги офатлар натижасида жабрланганларнинг аҳволи, аянчли ҳаёти учрашувда иштирок этаётган ёшларга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бунга қуйидаги воқеа мисол бўла олади: Учрашувдан кейин орадан

икки ойлар чамаси муддат ўтгач, вилоят кенгаши биносига икки нафар ёш йигитлар кириб келишди. Улар Самарқанд шаҳри ва унинг атроф туманларида истиқомат қилаётган, аммо иқтисодий жиҳатдан ўта ночор кишиларга ўзларининг шахсий жамғармалари ҳисобидан мурувват ёрдамларини кўрсатишга қарор қилганликларини айтишди. Шу билан биргаликда уларнинг бу ишларини имкон даражасида ошкор қилмасликни, оммавий ахборот воситалари орқали эса умуман ёритмасликни илтимос қилишди. Ўша кунларда Қизил Ярим ой жамияти вилоят ташкилоти



жамғармасига маблағлар тушмаётган бўлиб, рўзғор тебратиш ва даволаниш учун дори-дармон сотиб олишга қурби етмаётган бир неча кишилар моддий ёрдам сўраб вилоят ташкилотига ўз аризаларини қолдирган эдилар.

Ёрдам кўрсатиш истагини билдирган йигитлар ўзларининг машиналарида вилоят ташкилотининг ходимлари билан биргаликда аризаларда кўрсатилган манзиллар бўйича хонадонларга кириб чиқдилар. Улар ярим кун давомида турли миллатларга мансуб бўлган ўнга яқин жамият қарамоғидагилар билан учрашиб, ҳар бир хонадон эгасининг моддий аҳволини ҳисобга олишиб Қизил Ярим ой жамияти номидан деб, 40 000 сўмдан 100 000 сўмгача бўлган миқдорда пул маблағларини тарқатишди. Бу маблағлар ўша давр учун анчагина салмоқли ҳисобланарди. Йигитлар бир неча йил давомида ҳар ойда ёки имкониятларига қараб, икки-уч ойда бир мартадан нафақат шаҳар ичида, шаҳардан ташқаридаги қишлоқларда истиқомат қилувчи хонадонларга ҳам вилоят ташкилоти ходимларининг ҳамроҳлигида бориб ёрдам сўровчиларнинг аҳволи билан



Кўнгилчилар Мансур Тўрақулов ва Шерзод Фуломов Ургул туманидаги "Золотинка" болалар оромгоҳида дам олувчилар билан соғлом турмуш тарзи мавзусида машғулот ўтказишмоқда. 2007 йил.

танишиб чиқишар ва уларнинг аҳволини ҳисобга олган ҳолда, ўз шахсий жамғармаларидан пул маблағларини тарқатишар эди. Ўзига тинчроқ оилаларга борганда эса, бизга танбеҳ беришиб, маблағларни қийинчиликлари билан топишларини, фақат ўта муҳтожларгагина ёрдам бера олишларини таъкидлашарди. Бу йигитлар Азамат Акбаров ташаббуси билан маҳаллада ўтказилган учрашувдан таъсирланликлари ва келажакда ўз маблағлари бўлса, албатта Қизил Ярим ой жамиятининг қарамоғига олинганларга ёрдам кўрсатишни ўз кўнгилларига тугиб қўйган



эканлар. Маълум бўлишича улар катта сармоядор кишиларнинг фарзандлари бўлсаларда, ҳақиқатан ҳам ўз шахсий маблағларини машаққатли ҳалол меҳнатлари эвазига топаётган эдилар. Уларга берилган ваъда бўйича номларини ошкор қилмадик.

Қисқа давр ичида Азамат Акбаров атрофида Қизил Ярим ой жамиятига кўмаклашувчи ёшларнинг сафи кенгая борди. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, гиёҳванликка қарши кураш, ОИТС касаллиги тарқалишининг олдини олиш, турли носоғлом иллатларга қарши кураш бўйича кўнгилчилар



Швециялик меҳмонлар вилоят ташкилоти кўнгилчилари қуршовида. Вилоят кўғирчоқ театри биноси. 2010 йил.

энди бемалол хорижий меҳмонлар билан учрашиш ва уларга ўзларининг юқори савияларини намойиш қила олиш даражасига етиб қолган эдилар. 2003 йилда Эрон Исломи Республикаси Президенти Муҳаммад Ҳотамийнинг Ўзбекистонга

ташрифи арафасида Эрон Қизил Ярим ой жамиятининг Президенти доктор Нурболлои раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг раиси Ўктамхон Воҳидова, раис ўринбосари Озода Муҳиддинова ва Миллий Кенгаш ташқи алоқалар бўлими бошлиғи Пулат Абдуллахонов ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳрида бўлишди ва вилоят ташкилотининг "Ёшлар маркази"да 20 нафардан ортиқ фаол кўнгилчилар билан учрашув ўтказишди. Самарқандлик кўнгилчилар ўзларининг фаолиятлари ҳақида меҳмонларга ўзбек ва рус тилидан ташқари инглиз ва ҳатто форс тилида равон сўзлаб бердилар. Шундан кейин иккита қадимий шаҳарлар - Ўзбекистоннинг Самарқанд ва Эроннинг Шероз шаҳарлари ёшлари ўртасида ўзаро дўстлик алоқаларини ўрнатиб тажриба алмашиш ҳақида келишиб олинди. Бундан ташқари Эроннинг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва Мухтор элчиси доктор Нароқиён Самарқандда Эрон Қизил Ярим



ой жамиятининг тиббий-ижтимоий маркази очилишига кўмаклашиш истагини билдирди. Ҳақиқатан ҳам мазкур тиббий-ижтимоий марказ Самарқандда 2003 йилнинг апрель ойидан 2009 йил охиригача Қўшма корхона сифатида фаолият кўрсатди.

Азамат Акбаровнинг кўнгиллилик ҳаракатига кўшган энг катта ҳиссаларидан бири у ўзининг ўқиши ва амалий машғулоти билан жаҳоннинг Ҳиндистон, Корея, Америка Қўшма Штатлари, Швеция, Англия ва Европанинг қатор мамлакатларида бўлган пайтида самарқандлик ёшлар билан интернет орқали ёзишмалар қилиб туриб, иқтидорли ёшларни танлаб оларди ва уларни Қизил Ярим ой жамиятининг вилоят ташкилотига йўллаб турар ва шу билан кўнгиллилар сафини кенгайтириб борар эди.



Кўнгиллилардан иборат қутқарув гуруҳининг амалий машғулоти. Чимён. 2003 йил.

Вилоят ташкилотининг фаолиятига кўнгиллиларни жалб этиш, уларнинг Жамият фаолияти соҳаларига шўнғиб кетишида ҳамда фаол ёшларнинг сафларини кенгайтирилишида 2003 йилда Самарқанд меъморчилик-қурилиш институтида ўтказилган учрашувлар ҳам асосий сабаблардан бири бўлганди.

Институт талабалари учрашувлар жараёнида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг асосий йўналишлари билан таништирилдилар. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги факультетининг ўша пайтдаги II курс талабаси Мансур Тўрақулов ўз ташаббуси билан институтнинг 15 нафар талабаларидан иборат кўнгиллиларни тўплаб, улардан Республикамизда биринчилар қатори қутқарув ва биринчи ёрдам кўрсатиш гуруҳини тайёрлади. Гуруҳ аъзолари учун Қизил Ярим ой жамияти томонидан ўқув семинарлари ва амалий машғулотлар ўтказилди. Барча кўнгиллилар махсус кийим формалари ва қутқарув ҳамда биринчи ёрдам



кўрсатиш бўйича зарур жиҳозлар билан таъминландилар. Самарқанд шаҳрининг ёнғинга қарши кураш бўлимларининг амалий машқлар майдончаларида, Миронқул ва Ургут тоғлари, Тошкент вилоятининг Чимён тоғлари, Янгибод туристик базасининг машқ майдончаларида, Бухоро шаҳридаги соғломлаштириш оромгоҳлари ва бошқа жойларда ўқув машғулоти ва амалий машқлар ўтказилди. Кўнгилчилар ўзларининг яқин дўстлари, қариндошлари, оила-аъзолари ва кўнгилчилик ишида иштирок этишни хоҳловчи барча ёшларни ўз сафларига жалб эта бошладилар. Уларнинг сафларига Самарқанд Давлат университети, чет тиллар институти, Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг талабалари, қатор коллежлар ўқувчилари, хусусий тадбиркорлар, турли ташкилотлар ва корхоналарда, фирмаларда фаолият кўрсатувчи ёшлар қўшилишиб, гуруҳ таркиби йилдан-йилга кенгайиб борди. Фавқулодда вазиятларда ўзини ва бошқаларни қутқариш, жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш малакаларини эгаллаш билан биргаликда, улар ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб



Фаол кўнгилчи қутқарувчилар Казаков Александр, Парвизишох Аминов ва Фаррух Раҳматовлар ўз сафларига қўшилган янги кўнгилчилар билан амалий машғулоти ўтказишмоқда. Вилоят ташкилоти "Ёшлар маркази". 2008 йил.



этиш, жамият қарамоғидаги ёлғиз кексалар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш ишларида ҳам фаол иштирок эта бошладилар. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этаётган ушбу кўнгиллилар ўзларининг ҳам маънавий салоҳиятлари баланд бўлиб, кўпгина ёшларга намуна бўлиш даражасидадирлар. Улар нафақат гиёҳванд моддаларининг душманлари, балки, ароқ истеъмол қилиш, сегарет, нос чекиш каби иллатлардан ҳам узоқдадирлар. Ушбу кўнгиллилар олий ўқув юртлари, қатор коллежлар ва лицейлар, мактабларнинг ўқувчилари ўртасида фавқулодда вазиятларда қутқариш ва биринчи ёрдам кўрсатишга ўргатиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича ўқув семинарлари ва амалий машғулотлар ўтказиб келмоқдалар. Шунингдек, Жамиятнинг вилоят ташкилоти томонидан Самарқанд шаҳридаги Меҳробод, Каттакўрғон шаҳридаги Чордара, Амир Темур номли, Сармозор, Булунғур туманидаги “Самарқанд”, Жомбой туманидаги “Зарафшон”, Каттакўрғон туманидаги Жизмонсой, “Сув ҳовузи”, Нуробод туманидаги Сазоғон, Омондара, Самарқанд туманидаги Миронқул, Оҳалик, Тайлоқ туманидаги Бахшитева, Ургут туманидаги Сўфиён, Сойгузар, Қўшрабат туманидаги Пичот ва вилоятимизнинг яна бир қатор маҳаллаларида ҳамда ушбу маҳаллалар ҳудудидаги мактабларда ўтказилган фавқулодда вазиятларда қутқариш ва биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича ўқув семинарлари ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш, маҳаллаларда фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш бўйича маҳаллий қўмиталарини ташкил этишда бевосита иштирок этдилар. Асли касби қурувчи бўлган, вилоят ташкилоти қошидаги қутқарув гуруҳи сардори Мансур Тўрақулов ҳамда унинг ўринбосари Александр Казаковлар 2005 йилда Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида фавқулодда вазиятларда қутқарув ва биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича ўтказилган мусобақаларда Республикамиз кўнгиллилари номидан иштирок этишди. Шу билан биргаликда Мансур Республикамизда ҳозирги кунда жаҳон стандартлари талаблари бўйича биринчи ёрдам кўрсатиш малякасини эгаллаган 2 нафар кўнгиллилардан бири бўлиб, “Лукойл” компаниясининг таклифи билан Ўзбекистон Қизил Ярим ой



Фаол кўнгилли Ҳасан Тўрақулов Самарқанд эшак эшиш каналида ўтказилган семинар иштирокчиларини сувда чўкканларга биринчи ёрдам кўрсатиш асослари билан таълим беришмоқда. 2011 йил май.

жамияти томонидан Бухорода ва Қаршида ташкил этилган биринчи ёрдам кўрсатишга ўргатиш бўйича ўқув семинарлари ва амалий машғулотларининг тренери сифатида иштирок этди. Бу каби кўнгиллилик ишига у укаси Ҳасан Тўрақуловни ва турмуш ўртоғи Назира Муҳиддиновани жалб этди. Ҳасан вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан, Назира эса Қизил Ярим ой жамияти томонидан аҳоли ўртасида ўтказиладиган биринчи ёрдам кўрсатишга ўргатиш бўйича ўқув машғулотларида бевосита тренер сифатида иштирок этиб келмоқда. Шунингдек, Фаррух Раҳматов, Парвезшоҳ Аминов, Амир Исмоилов, Амиран Нурмуҳамедов, Анвар Иброҳимов, ака-ука Муродбек ва Отабек Жўрабековлар қутқарув ва биринчи ёрдам кўрсатиш гуруҳининг фаол кўнгиллилари дидирлар.

2007 йилда кўнгиллилар фаолиятдан завқланган Самарқанд архитектура ва қурилиш институти раҳбарияти институтда фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш ва биринчи ёрдам кўрсатиш ўқув хонасини ташкил этиш ҳақида қарор қилишди ва катта бир хонани ажратиб, зарур мебеллар билан



таъминлашди ва Қизил Ярим ой жамияти вилоят ташкилоти ихтиёрига беришди. Вилоят ташкилоти эса уни қутқарув ва биринчи ёрдамни ўргатиш учун зарур бўлган ашёлар, стендлар ва зарур адабиётлар билан жиҳозлади. Натижада Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд вилоят ташкилотининг институтда ўқув маркази ташкил этилди. Ушбу марказда эндиликда нафақат институт талабалари, балки институт атрофидаги иккита коллеж, битта лицей ўқувчилари билан биргаликда тўртта маҳалалар ёшлари ҳам келиб Қизил Ярим ой жамияти томонидан ўтказиладиган машғулотларда иштирок этадиган бўлишди. Мансур Тўрақулов ва Александр Казаков томонидан қутқарув гуруҳига жалб этилган энг фаол кўнгилчилардан Анвар Бобобеков, Саиджаъфар Ҳасанов каби ўнга яқин аъзолар ушбу марказ битирувчиларидандирлар.

Азамат Акбаров ва Мансур Тўрақуловлар бу билан чекланиб қолишмади. Машғулотларга улар хусусий тадбиркорлар, корхона ва ташкилотлар, фирмаларнинг ҳам ёшларини жалб этишди. Вилоят ташкилоти қошидаги “Ёшлар маркази” ва қутқарув гуруҳи аъзолари турли касбдаги ёшлар ҳисобига кенгайди. Улар қаторига жамият ишида фаол иштирок этиб келаётган Шероз Шарипов, Дилшод Ҳожиев, Камол Носиров, Рустам Зарипов ва бошқаларни киритиш мумкин.

Қизил Ярим ой жамиятининг йўналишларидан бири бўлган бадалсиз қон топшириш ишида ҳам кўнгилчиларнинг иштироки диққатга сазовордир. Охири йилларда бу йўналишга эътибор бирмунча кучайгач, кўнгилчилар ўз ташаббуслари билан ўқув юртларида ва маҳаллаларда тағибот ишларини ўтказишда ташаббускорлик қилдилар. Бу йўналиш бўйича ҳам ака-ука Мансур ва Ҳасан Тўрақуловлар, ака-ука Муродбек ва Отабек Жўрабековлар, ака-ука Умид ва Отабек Қурбоновлар, Александр Казаков ва сингиси Юлия Казакова, Севинч Ҳабибов ва унинг жияни Муҳаммадзаби Шафиев, кўнгилчилар Шавкат Набиев, Маъмур Маъруфов кўнгилчилардан иборат қутқарув гуруҳи аъзолари бўлиш ва тарғибот ишларида иштирок этиш билан биргаликда, намуна сифатида ўзлари ҳам қон топшириб, доимий донорларга айландилар.



Хуллас, Азамат Акбаров вилоятда кўнгиллилик ҳаракати га асос солгач, унинг шогирдлари бўлган кўнгиллилар жамият фаолиятининг барча соҳаларида фаолликлари билан ўзларини кўрсата олдилар. Хориждан келган меҳмонларни кутиб олиш, жамият фаолияти билан таништириш, уларнинг бўш вақтларида Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари билан таништиришда иштирок этдилар. Амиран, Мансур, Муродбек, Муҳаммад, Парвизшоҳ, Ҳасан каби кўнгиллилар меҳмонларга Самарқанд тарихи билан боғлиқ воқеаларни сўзлаб бериб, гидлик хизматини ҳам кўрсатиб келмоқдалар.



Кутқарув гуруҳи раҳбари Мансур Тўрақулов Тайлоқ туманидаги Баҳшитапа маҳалласи ёшлари билан навбатдаги машғулотда. 2007 йил.

Вилоятда ёшлар қизиляримой ҳаракати бошлангандан кейин орадан 7 йил ўтиб, 2009 йилда Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Швеция Қизил Хочи раҳбари билан 9 нафар Самарқанд волонтерлари ўртасида учрашув ўтказилди. Мазкур учрашувда сарқандлик ёшлар

инглиз ва швед тилларида меҳмонга ўзларининг фаолиятлари ҳақида батафсил маълумотлар бердилар, қизиляримой мавзуси бўйича ўзлари чизган плакатларни, фаолиятлари акс эттирилган фотосуратли альбомларни кўрсатдилар. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқларини тарғиб қилиш бўйича ўтказилган ўқув семинарлари бўйича фикр алмашдилар, видеоларларни намойиш қилдилар. Вилоят ташкилотига компьютер хизматини кўрсатиш, ходимларни компьютерга ўргатиш бўйича машғулотлар ўтказганликлари бўйича олиб борган ишлари ҳақида вилоят ташкилоти ходимлари маълумот бердилар. Вилоят ташкилотининг ёш кўнгиллилари жаҳоннинг қатор мамлакатларида бўлганликлари, у жойлардаги ёшларнинг фикрлашлари, дунёқарашлари турли



хил эканлиги, ўзаро тажриба алмашувлар яхши натижалар бериши ҳақида фикр билдиришди.

Шунда 1993 йилда кўнгиллилар фаолияти ҳақида таклиф киритган Швеция Қизил Хочининг раҳбари “Сизларда кўнгиллик ҳаракати шу даражага етганки, бу соҳада қандай ишлаш лозимлигини биз келиб сизлардан ўрганишимиз керак экан” деган гапни айтган эди.

Ҳозирги кунда бу каби энг фаол кўнгиллилар сони 105 тага етди. Ҳатто вилоят ташкилотида ишлаб кейинчалик бошқа ташкилотларга ишга ўтиб кетган ёки нафақага чиққан айрим собиқ ходимлар ҳам кўнгиллилар сафига кириб, жамият фаолиятини кенгайтиришга ўз ҳиссаларини қўйиб келмоқдалар. Шундай экан, ишонч билан айтиш мумкинки, жонкуяр кишилар бор бўлса, бундан кейин яна ҳам кўнгиллилар сафи кенгайиб бораверади.



*Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Ҳаракатининг 150 йиллигига бағишлаб Самарқанд шаҳридаги "Тумарис" меҳмонхона комплексига кўнгиллилар учрашуви.
2013 йил 30 апрель*



“МЕҲР-ШАФҚАТ ХИЗМАТИ” ГУРУҲИНИНГ ЖОНКУЯР ТАШКИЛОТЧИСИ



*“Шухрат” медали соҳиби
Мавлон Қурбонов. 1998 йил.*

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти билан Германия Қизил Хочи ҳамкорлигида Самарқандда ташкил этилган тиббий-ижтимоий марказнинг самарали фаолияти, меҳр-шафқат ишларининг намунали йўлга қўйилганлини, марказнинг қўлга киритган ютуқлари бевосита унинг раҳбари Мавлон Қурбоновнинг номи билан боғлиқдир. М. Қурбонов 1973 йилда Самарқанд шаҳридаги 14-автопаркка қарашли тиббий пунктга мудир бўлиб ишга келди. Қизил Ярим ой жамияти участка ташкилотининг йиғилишида у Қизил Ярим ой жамияти фаолияти билан танишиб, шу ташкилотга нисбатан қизиқиши бошланди. 1980 йилда Қизил Ярим ой жамияти 14-автопарк бошланғич ташкилотининг жамоатчилик асосида раиси этиб сайланди. Тез орада автопарк ходимлари ўртасида ўз касбини яхши билувчи мутахассис бўлишдан ташқари яхши ташкилотчилиги ва муомалалиги билан ҳам ҳурмат қозонди. Вилоят ташкилотида раис вазифасида ишлаган Людмила Ҳошимованинг ҳикоя қилишича, Мавлон Қурбонов бошланғич ташкилот раиси этиб сайлангач, область комитетидан берилган топшириқ бўйича йиғилиш ўтказиб, корхонада ишловчи барча ходимларни Қизил Ярим ой жамияти аъзолигига киришга даъват этган ва шунга эришган. Йил бошида область комитети томонидан бошланғич ташкилотларнинг раисларига аъзолик бадалларини йиғиб олиш учун аъзолик маркалари тарқатилган ва уларга йилнинг маълум ойига ча бўлган муддатда аъзолик бадалларини териб топшириш учун кўрсатма берилган. Мавлон Қурбонов ҳам жами мингдан ортиқ нафардан иборат ишчилар, инженер-техник ходимлар учун ол-



ган маркасини жамият аъзоларига тарқатиб, уч кун ичида маблағларни териб олиб, область комитетига келтириб топширган. Бу ҳол ҳар йили давом этар ва Мавлон Қурбонов доимо биринчи бўлиб аъзолик бадалларини йиғиб топширар экан. Шу билан биргаликда бошланғич ташкилот ўзининг белгилаган йиллик иш режаси бўйича доимий равишда ходимларнинг санитар-гигиеник фаолиятини яхшилаш, санитар дружиналар ва санитар постларни ташкил этиш, бадалсиз қон топширишни тарғиб қилиш ва қон топшириш бўйича йиллик режаларни ортиғи билан бажариб, ҳар йили область комитетининг "Энг яхши бошланғич ташкилотга" деган кўчма вимпелларини доимо ўз қўлида сақлаб келар экан. Бу ишларни ташкил этишда ўша даврда корхонага раҳбарлик қилган Шарипов Ҳалим Шарипович жамият волонтери сифатида яқиндан туриб ёрдам кўрсатган ва қўллаб-қувватлаб турган.

1995 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Миллий Кенгашидан махсус оғзаки ва ёзма топшириқ олинди. Унда Германия Қизил Хочи Ўзбекистонда истиқомат қилувчи немис миллатига мансуб аҳоли учун 5 та



Марказ биноси олдида Германия Қизил Хочи вакилларини кутиб олиш. 2011 йил.

тиббий-ижтимоий марказ Дастури иш бошлаётганлиги, шундай марказлардан биттаси Самарқанд шаҳрида ташкил этилиши режалаштирилгани, қисқа муддатда мазкур марказ учун жой тайёрлаш лозимлиги кўрсатиб ўтилганди. Вилоят кенгаши раиси Людмила Ҳошимова бир нечта жойни бориб кўрди. Аксарият корхоналар ўзларига тегишли бўлган бўш хоналарни таклиф этишсада, ижара ҳақи талаб қилишарди. Аммо дастур бўйича ижара ҳақи учун маблағ ажратилмаганди. Бундан хабар топган Мавлон Қурбонов ўзи меҳнат қилаётган корхона раҳбари Уктам Шарипов билан келишиб, корхона қошидаги тиббий марказнинг учта хона-



сини немис тиббий-ижтимоий маркази учун ижара ҳақисиз берилишини таклиф қилди. Қисқа муддат ичида мазкур марказ кенга бошлади ва намунали хизмати билан кўпчиликнинг назарига тушди. Марказ фаолиятини мониторинг қилиш учун келган Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг масъул ходимлари доимо бу ердаги ишлардан қониқиш олиш билан қайтишарди. Шу билан биргаликда марказ фаолиятини молиялаштирувчи Германия Федерал Ҳукумати, Германия Ички Ишлар Вазирлиги ва Германия Қизил Хочи ходимлари, Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Федерацияси вакиллари ва бошқа давлатларнинг вакиллари марказ ишидан мамнун эдилар. Баъзида марказ фаолиятини молиялаштиришда узилишлар бўлиб турарди. Бундай пайтларда Мавлон Қурбонов тушкунликка тушмасдан, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг вилоят ташкилоти раҳбарияти билан келишган ҳолда ходимларни ишга руҳлантирар, ўз қарамоғидагиларга молиялаштирилиш вақтинча тўхтатилганлигини билдирмасдан аввалгидай ишларни давом эттирарди. Шу тариқа ишлар 1911 йил март ойигача давом этди. Бу орада вилоятда истиқомат қилувчи немис диаспорасининг сони бир-



Чармгари маҳалласида Наврўз байрами. 2011 йил.



мунча камайди. Донорлар томонидан марказга бўлган эътибор ҳам анчагина сусайди. Ўша даврларда хусусийлаштириш палласи бошланиб Мавлон Қурбонов ўзи ишлаган тиббий пункт ва унга туташ ташландиқ ҳовли ҳудудини хусусийлаштириб олди ва янги хоналар қурдириб, уларни жиҳозлади. Марказ ҳовлиси ва унга тегишли ҳудудни жаннатмакон бир гўшага айлантирди. Немис тиббий-ижтимоий марказининг фаолияти учун ҳам қулай имкониятлар яратиб берди. Вилоят ташкилоти билан ёзма шартнома имзолаб, немис диаспораси ва Қизил Ярим ой жамияти қарамоғидагилар учун бепул хизмат кўрсатишни ташкил этди ва уни амалга ошириб келмоқда.

Ўрни келганда таъкидлаб ўтиш лозимки, мазкур марказ немислардан ташқари вилоятимизда истиқомат қилувчи моддий ёрдамга ўта муҳтож кишиларга ўн беш йилдан ортиқ даврда намунали хизмат кўрсатиб келди. Марказ ишига жонкуярлик билан раҳбарлик қилган Мавлон Қурбоновнинг Қизил Ярим ой жамияти фаолиятидаги ва меҳр-шафқат ишларини ривожлантиришдаги кўп йиллик хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб, у Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг тавсияси билан 1998 йилда "Меҳнат шухрати" медали билан тақдирланди. М. Қурбонов 2011 йил вилоят ташкилотида ижрочи директор вазифасида ҳам фаолият кўрсатди.

Яна шу нарсани таъкидлаб ўтишимиз лозимки, Мавлон Қурбонов ҳақиқий қизиляримой ходими. Бу нарсани унинг жамоат ишларидаги фаоллиги ҳам тасдиқлайди. Қатор йиллар у ўзи яшаган Чармгари маҳалла оқсоқоли вазифасида эл-юртга хизмат қилди. Самарқанднинг машҳур Хўжа Абду Дарун қабристонини ободонлаштириш ва замонавийлаштиришда ташаббускор бўлиб иштирок этди. Ҳозир ҳам маҳалланинг ташвишлари унинг зиммасида. Ўзи эса нафақага чиққанига қатор йиллар бўлишига қарамасдан Қизил Ярим ой жамиятининг жонкуяр волонтери бўлиб қолди.



Мавлон Қурбонов бадалсиз қон топиришнинг энг яхши тарғиботчиси. 1982 йил.



Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Марказий Комитетининг раиси ўринбосари Озода Муҳиддинова янги-дан ташкил этилган немис тиббий-ижтимоий марказида. 1995 йил



Донор мамлакат вакиллари ташрифи. 2007 йил.



Марказда донор мамлакат томонидан стоматологик кабинет ташкил этилди.



4-автопарк директори, Қизил Ярим ой жамиятининг кўнгиллиси Ҳалим Шарипов ўз раҳбарлигидаги меҳнат жамоаси олдида тарғибот ишларини олиб бормоқда. 1985 йил.



ВИЛОЯТ ТАШКИЛОТИНИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТИДАН АЙРИМ ТАФСИЛОТЛАР

Арманистонга ёрдам.

1 988 йилда Арманистоннинг Спитак тоғли ҳудудларида рўй берган zilzila минглаб тинч яшаб келаётган арманлар ҳаётига зомин бўлди. Бу шум хабар тез фурсатда барча мамлакатлар қатори Ўзбекистонга ҳам тарқалди. Вилоят ташкилоти zilzila офатидан талафот кўрганларга ёрдам кўрсатиш бўйича хайрия акциясини эълон қилди. Вилоят ташкилоти биносига ва аҳоли серқатнов кўчаларнинг айримларига zilzila натижасида бедарак йўқолган кишиларнинг фотосуратлари чоп этилган плакатлар илиб чиқилди. Самарқанд шаҳри ва шаҳар атрофида истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари Қизил Ярим ой жамияти вилоят ташкилотининг биносига келиб, ўз ёрдамларини таклиф эта бошладилар. Қисқа вақт ичида кийим-кечак, дори-дармон, озиқ-овқат ва пул маблағларидан иборат катта миқдордаги мурувват ёрдамлари тўпланди ва Ўзбекистон фуқаролари номидан табиий офатдан зарар кўрган қардош арман халқига жўнатилди.

Эронга ёрдам.

1 991 йилнинг августида Эроннинг Ардабел, Рашт, Ободон вилоятларида содир бўлган даҳшатли zilzila олиб келган вайроналар, унда қурбон бўлган одамларга ўзбекистонликлар томошабин бўлиб турмадилар. Жумладан, август ойининг ўзида биргина Самарқанд шаҳрида яшовчи аҳоли Мулло Али Аҳмедов ва жамоатчи ходим Фарҳод Ализода раҳбарлигида тез муддатда ёрдамга аригулик миқдорда маблағ тўплашди. Шу даврда Ўзбекистон билан Эрон ўртасида дипломатик алоқалар ҳали йўлга қўйилмаган ва элчихоналар мавжуд эмас эди. Шу сабабли Фарҳод Ализода кўмагида Эроннинг Москвадаги элчи-



хонасига мурожаат қилиниб, ҳужжатлар расмийлаштирди. Жамият фаоллари тўплаган маблағларга 40 тонна миқдорда озик-овқат маҳсулотлари сотиб олинди ва 28 августда Самарқанддан чиққан ёрдам карвони Мулла Али Аҳмедов, Фарҳод Ализода, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти раисининг биринчи ўринбосари Алишер Гуломов ва яна бир нафар давлат вакили билан биргаликда Эронга қараб йўл олди. Мулло Али бобонинг таъкидлашларича, Эрон "Ҳилоли Аҳмар"и (Эронда Қизил Ярим ой жамиятини шундай деб аташади) жаҳондаги Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари ўртасида энг нуфузли ташкилотлардан ҳисобланиб, зилзила оқибатларини бартараф этиш учун барча имкониятларга эга бўлсада, мурувват ёрдамларини жуда самимият, чуқур эҳтиром ва кўз ёшлари билан кутиб олганлар. Ўзбекистонликларга катта эҳтиромлар кўрсатилган. Чунки, иккала мамлакат ўртасидаги қадимий алоқалар 70 йил давомида узилган бўлиб, ушбу мурувват ёрдами улар ўртасидаги алоқалар тикланишининг илк дебочаси бўлган экан.

Туркменистонлик аёлга ёрдам.

1 1993 йилда Туркменистон Республикасида истиқомат қилувчи эллик ёшлар чамасида бўлган аёл қариндошларини излаб Самарқандга келади. Аммо уларни топишга улгурмай туриб касалга чалиниб шифохонага ётқизилади. Жарроҳлик амалиёти билан даволаниб чиққач, Туркменистонга қайтиб боришга маблағи бўлмайди. Шу пайтда Қизил Ярим ой жамиятининг вилоят бўлимига моддий ёрдам кўрсатиш учун мурожаат қилади. Вилоят кўмитасининг моддий кўмагида ўз юртига етиб олади.

Қидирув хизмати фаолиятдан.

1 1997 йилда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти томонидан Қидирув хизматининг ташкил этилиши жамият обрў-эътиборини оширишга хизмат қилиш билан биргаликда,



эзгу ишларни бажариш учун ҳам муҳим омил бўлди. Бунга бир неча жонли мисолларни келтириб ўтиш фикримизга далил бўла олади. Кунларнинг бирида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Миллий Кенгашидан манзили Самарқанд шаҳридаги Озод Шарқ (ўша даврдаги Красновосточная) кўчасига йўналтирилган Қизил Хоч мактуби келди. Манзил эгаларини излаб топдик. Маълум бўлишича, хатни ўз онасига йўллаган йигит 1990 йиллардан кейинги даврда, ўспиринлик пайтида йўқолиб қолган экан. Уни ўн йиллар давомида излашган. Аммо у торилавермагач онаси ўғлим қаерлардадир ўлиб кетган бўлса керак деб, ундан умидини узгандай бўлади. Дом-дараксиз йўқолган бу ўспирин қандайдир йўллар билан Абхазияга бориб қолади ва жиноят содир этиб, ўн йил муддатга қамоқ жазосига маҳкум этилади. Халқаро Қизил Хоч Қўмитасининг ходимлари маҳбуслар ҳолидан хабар олиш учун ушбу йигит ётган турмага кирганда у Самарқандда яшаётган онасига Қизил Хоч мактубини йўллайди. Мактубни онасига олиб борганимизда бечора онаизор “Ўғлим турмада бўлса ҳам тирик экан” деб кўз ёши қилганди.

Каттақўрғон шаҳрининг маҳаллаларидан бирида (маҳалла номи аниқ бўлсада, уни айтиб ўтмасликни маъқул деб билдик) бўлганимизда шу маҳаллада яшовчи нуфузли, ўзига тўқ оилалардан бўлган эр-хотин тўпланганлар билан бўлган учрашувимиз тугагач, бизга шахсий гаплари борлигини айтиб қолишди. Уларнинг хабар беришича, 1992 йиллардан кейинги даврда қўшни Тожикистонда бўлган фуқаролар уруши даврида йўқолиб қолган ёш гўдакни бизга номаълум сабаблар билан Каттақўрғон шаҳрига ташлаб кетишган. Бизга буни маълум қилган эр-хотинларнинг айтишича, ўзларининг фарзандлари кўп бўлишига қарамасдан, улар ушбу гўдакни ҳам фарзанд қилиб олишган. Бола улғайиб мактабга борган. Кунлардан бирида шу бола таҳсил олаётган синф раҳбари ўқувчиларга синф фонди учун пул олиб келишни топширган. Бола “Мен ҳам ота-онамдан пул олиб келай”



деб, синфидан чиқаётганда, ўртоқларидан бири унга: "Қанақасига ота-онанг бўларкан, сен асрандисан, ота-онанг йўқ, улар сенга ота-она бўлолмайди" деб айтган. Бола уйга келиб шу гапни айтса, унга "ота-онаси" гўдаклик пайтидаги фотосуратни кўрсатишган ва "Сен ўз боламизсан, ўртоқларинг сенга ҳазиллашган" деб, боланинг кўнглини кўтарганлар ва пул бериб юборганлар. Бола улғайган сайин бу каби ҳолатлар тез-тез такрорланиб турган. Кунлардан бирида эр-хотинлар ҳаж сафарига отланиб туришганида, энди ўспирин бўлиб қолган бу бола ота-онасига "Мана Сизлар ҳаж сафарига жўнаб кетаяпсизлар. Энди ёлгон гапирмасаларингиз керак. Тўғриси айтинглар, мени туққанмисиз ёки асрандиманми?" деб, сўраб қолган. Шунда ота-онаси унга уни гўдаклигида биров ташлаб кетганлигини, асли исми ва фамилияси ҳам бошқача бўлганлигини айтишган. Ўспирин йигит энди ота-онасидан туққан ота-онасини топиши кераклигини, агар улар бир иложсиз сабаб билан ташлаб кетишган бўлса, шунга қараб иш тутишини, агар сабабсиз бўлса, уларнинг бетига тупириши лозимлигини, нима бўлганда ҳам уларни топишга кўмаклашишни илтимос қилган. Ота-она ҳаж сафарига бориб келишган. Энди қаердан суриштиришни билмай турган бир пайтда Қизил Ярим ой жамияти вилоят кенгаши ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди ва бизга шу воқеаларни сўзлаб беришди. Ўз навбатида биз Халқаро Қизил Ҳоч Қўмитасининг махсус мактублар бланкасини тўлдирдик ва Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Миллий Кенгашининг Қидирув хизмати орқали Тожикистонга юбордик. Иттифоқо, орадан икки ой ўтиб, ўзаро тажриба алмашуви сафари билан мен Тожикистон Қизил Ярим ой жамиятида бўлдим ва Қидирув хизмати раҳбари билан учрашдим. Менга қидирув хатини олишганини, Душанба шаҳар ички ишлар бошқармаси хатда номи кўрсатилган шахсларни излашаётганини айтишди. Жавобдан кўнглим тўлиб қайтдим. Маълум вақт ўтгач, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти қидирув хизматидан жавоб хатини олдик. Ўспирин йигитнинг онаси топилибди. У Душанба шаҳридаги қаровсиз ҳолга келиб қолган умумий ётоқхоналаридан бирида ёлғиз ўзи яшар экан. Нима сабабдандир, турмуш ўртоғи



уни қаттиқ таъқиб остига олган ва уриб-уриб ташлаб кетган экан. Ҳатто бирор жойга чиқишга ҳам юрак қилиб, ботинолмас экан. Мазкур хатдан хабар топган каттақўрғонлик ота-она Душанбага хат йўллаб, агар хоҳласа, асраб олган ўғилларининг туққан онаси Каттақўрғонга келиши мумкинлигини, яқинда унинг ўғлини уйлантириш тараддудида эканликларини ва у уйлангач, бошқа алоҳида уй-жой қилиб беришларини маълум қилишди. Аммо эридан ҳайиққан аёлдан бошқа хат келмади. Йигит уйланди. Ҳозир Ватан равнақи йўлида меҳнат қилиб, турмуш ўртоғи билан тотув яшамоқда.

Шу ва шунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Вилоят ташкилотига узоқ Канада, Германия, Украина, Белоруссия, Россиянинг қатор шаҳарлари ва бошқа жойлардан тез-тез юқоридагиларга ўхшаш қидирув хатлари келиб туради.



ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ТАШКИЛОТИНИНГ БИНОСИ ҲАҚИДА АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАР

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ва унинг Самарқанд вилоят ташкилоти фаолияти ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг ресурслари ҳақида гапирмай ўтишнинг иложи йўқ, албатта. Биз юқоридаги бобларнинг бирида жамият ташкил этилгач, қисқа вақт ичида салмоқли моддий-техник базага эга бўлганлиги, Қизил Ярим ой жамиятининг биринчилар қатори ўз ресурсларининг шакллантира олганлиги ҳақида маълумот бериб ўтган эдик.

Қўлимиздаги мавжуд архив ҳужжатларининг⁹ гувоҳлик беришича 1931 йил 29 апрелда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Самарқанд шаҳар комитети фуқаро С.Д. Эльнатановадан Самарқанд шаҳар Войков (ҳозирги Темур Малик) кўчаси 13-манзилда жойлашган умумий майдони 950,53 кв.м. бўлган турар-жой биносини 18 500 сўм нақд пулга сотиб олган ва 1950 йилгача шу бинода фаолият кўрсатган.



*Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд вилоят ташкилоти биноси фасади.
2010 йил январь (охирги марта олинган фотосурати).*

1950 йилда шу бинода Боғишамол райони учун туғруқхона очилаётганлиги сабабли у соғлиқни сақлаш бўлими балансига ўтказиб берилган. Бунинг эвазига Самарқанд шаҳар ижроия комитетининг 1950 йил 30 августдаги 67-сонли қарори билан Са-

⁹ Самарқанд область давлат архивидан 1950 йил 30 майда олинган 354-13-сонли шартнома нусхаси.



марқанд шаҳрининг ҳозирги Фирдавсий (собик Шаумян) кўчаси 26-уйда жойлашган 10 та хонадан ва 1940 кв. метрдан иборат бўлган эпилептиклар (тутқаноқлар) уйи буюмлари билан биргалликда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд область комитети балансига ўтказиб берилган. Шу кўчадаги умумий майдони 1880 кв.м. дан иборат бўлган 28-уйнинг ҳам Қизил Ярим ой жамияти область комитетига қарашли эканлиги ҳужжатлар билан тасдиқланади¹⁰. 1973 йилги ҳолат бўйича қўшимча қурилган бинолар билан область комитети балансидаги бинонинг нархи 32 945 сўмдан иборат бўлган.

1981 йилда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг Республика ўқув-методик маркази ташкил этилиши муносабати билан мазкур марказга республикамиздан ташқари собик иттифоқдош республикалардан ҳам ходимларнинг келиб ўқишлари, тажриба оширишлари учун имкон яратиш, уларни ўқув заллари, ётоқхона, ошхона кабиларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Самарқанд шаҳар ижроия қўмитасининг 1981 йил 6 мартдаги 4/120-қарори билан Мирзо Улуғбек (собик Карл Маркс) кўчаси 20-манзилда жойлашган, фойдали майдони 382,7 кв.м., баланс қиймати 44 297 сўмдан иборат бўлган вилоят саноат-қурилиш банкининг биноти Микрорайонда янгидан қурилган бинога кўчиб ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд область комитети балансига ўтказилган ва Республика ўқув-методик маркази ҳам шу бинога жойлаштирилган. Шу пайтда бино ҳовлисида фуқароларнинг ҳам бир неча турар-жойлари бўлиб, улар бошқа жойга кўчирилган.

1996 йилнинг июлида Республика ўқув-методик маркази Тошкент шаҳрида янгидан қурилган саккиз қаватли бинога кўчирилиб кетилди. Шу даврларда янги дастурлар фаолият бошлади. Вилоят ташкилотининг штатлари кўпайиб борди. Республикада янгидан ташкил этилаётган фавқулодда вазиятлар минтақавий омборхонасининг биттаси Самарқанд вилоят кенгаши қошида ташкил этилди. Республика ўқув-методик марказининг собик мажлислар зали замонавий таъмирланиб ва жиҳозланиб вилоят

¹⁰ 12 860-сонли инвентаризацион дело.



қўмитасининг “Ёшлар маркази” ташкил этилди. Ҳовлидаги эркаклар ва хотин-қизлар ётоқхоналари ҳамда ҳаммом вилоят ташкилоти учун омборхоналарга айлантирилди. Мамлакатимизда тадбиркорликка эътибор берилаётганлиги учун даромад



Вилоят ташкилоти биноси ичда жойлашган хоналардан бири – “Ёшлар маркази”. 2008 йил.

олиш мақсадида илгари Республика ўқув-методик марказига тегишли бўлган бинонинг саксон квадрат метрдан иборат бўлган майдондаги қисми (марказ директорининг кабинети ва методик ишлар хонаси) тадбиркорларга ижарага берилди. 2010 йилнинг январь ойидаги ҳолат бўйича вилоят ташкилоти тадбиркорга берилган қисмидан ташқари раис хонаси, қабулхона, ҳисобчи хонаси, ташкилий бўлим хонаси, “Меҳр-шафқат хизмати” хонаси, кадрлар бўлими хонаси, даҳлиз, узун коридор, ички омборхона, ҳашаматли “Ёшлар маркази” хонаси, ҳовли ва ундаги бир-биридан алоҳида бўлган иккита омборхона ва санитария тугунларидан иборат бўлган ўн олтита катта ва кичик хоналардан иборат эди.

Узун ва кенг коридор Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти вилоят ташкилотининг музейи кўرғазмалари ва фавқулодда вазиятлар марказининг стендлари билан безатилган эди. Вилоят ташкилотининг ҳовлиси мевали дарахтлар ва гуллардан иборат сўлим жойга айлантирилган эди. Бинонинг



Вилоят ташкилоти биносининг реконструкциядан кейинги (2010 йил августдаги) умумий кўриниши.



ичида ҳашаматли колонналари (айланма ғишт устунлари) бўлиб, деворларининг қалинлиги қарийиб бир метрдан иборат эди. Бу нарса бинонинг қишда иссиқликни, жазирама ёзда эса салқинликни ўзида сақлай олиш имкониятини берарди. Йирик-йирик деразалари икки қаватли бўлиб, семметрик қилиб қурилган, шипи жуда баланд эди. Бино ичига кўча томондан кенг супалардан кўтарилиб кириларди. У Ўзбекистон ёдгорликларни ҳимоя қилиш жамияти Самарқанд вилоят бўлимининг рўйхатида XIX аср меъморчилик ёдгорлиги сифатида рўйхатда турарди.

2010 йилнинг январь ойида Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек кўчасини тўла реконструкция қилиниши бошланиши муносабати билан вилоят кенгаши олдиға уни тўла бузиб ташлаб, янгидан икки қаватли қилиб қуриш ҳақида кўрсатма берилди. Вилоят ташкилоти 2010 йил 10 январда вақтинча бинодан кўчиб чиқиб, 15 ой давомида ўз ишини ярим қоронғи, зах, совуқ ертўлада фаолият олиб борди. 2010 йилнинг ёз ойларида бино қурилиб битди. Аммо айрим субъектив сабаблар бўйича вилоят ташкилоти 2011 йилнинг 4 мартада битта 80 кв.м. дан иборат хонасига кўчиб ўтди.



Вилоят ташкилоти ташкилий бўлими бошлиғи ва фавақулдда вазиятлар дастури мувофиқлаштирувчиси иш кабинети. 2001 – 2009 йиллар.



Самарқанд шаҳри
городской Совет народных
депутатов

Исполнительный комитет

Қўраш

от 6.03.81г. № 4/29
г.Самарканд

О выделении помещения областной
конторы Стройбанка обществу
Красного Подмесья.

В связи с необходимостью размещения вновь организованного Республиканского учебно-методического центра для подготовки актива общества Красного Подмесья и взаимодействия областного общества с центром, исполком Горсовета народных депутатов

Р е ш е н и е :

1. Освободившееся помещение областной конторы Стройбанка, расположенное по ул. К. Маркса, 29 общей полезной площадью 382, 7м², балансовой стоимостью 44, 227 тыс. руб., передать безвозмездно на баланс областного общества Красного Подмесья или размещения актива общества и Республиканского учебно-методического центра.

2. Помещение областного комитета общества расположенное по ул. Науымяна, 28 общей полезной площадью 170 м², балансовой стоимостью 30, 37 тыс. руб., передать безвозмездно на баланс Горздравотдела для размещения городской стоматологической поликлиники общества Красного Подмесья с последующим его ремонтом и переоборудованием за счет Горздравотдела.

3. Получить заместителя председателя горисполкома М. Мараникулову предусмотреть в плане распределения жилья на 1981 год выделение жилой площади семье, проживающей на территории Стройбанка по ул. К. Маркса, 29

4. Контроль за исполнением решения возложить на заместителя председателя горисполкома - Мараникулова У. П.

5. Просить исполком Областного Совета народных депутатов утвердить настоящее решение.

Председатель исполкома

Секретарь



А. Худайкулов

А. Власова

Самарқанд шаҳар шжроия қўмитасининг Карл Маркс (ҳозирги Мирзо Улуғбек) номи
кўчаси 20-манзилдаги биносини Қизил Ярим ой жамияти вилоят ташкилотига бериш
ҳақидаги қарори. 1981 йил 6 март.



ХУЛОСА

Берилган маълумотларнинг яқунловчи қисмида қисқа қилиб айтмоқчимизки, инсон пок ният билан ишга киришса, у яратувчидир. Биргина Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятида маълум бир даврда раис вазифасида фаолият кўрсатган Ўктам Толибовна Воҳидованинг фаолияти бу хулосани исботлай олади. Республикамизда эндигина ўтиш даври бошланиб, дўконлар ва дорихоналар бўшаб қолган, малакатимизнинг манаман деган корхоналарининг иши, йирик миқёсдаги қурилишлар вақтинча тўхтаб қолган бир пайтда Ў. Воҳидова раҳбарлигида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти кундан-кун ривожланиб борди. Шундай бир даврда Республика ташкилоти кўримсиз бинодан алоҳида бинога кўчиб ўтди, саккиз қаватли Республика ўқув-методик марказини қуриб, ишга туширилишига бош-қош бўлди, меҳр-шафқат коллежини барпо этди. Шу даврларда у атрофига тўплаган ходимлар ҳам ҳамжиҳатликда ишлашиб, янги-янги дастурлар бўйича лойиҳалар тайёрлашиб, уларни ҳаётга тадбиқ этиб боришди. Натижада, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти турли мамлакатлардаги Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари билан бемапол тажриба алмашиш ва эркин ҳамкорлик қила оладиган, таклифларини амалга оширадиган даражага етди. Ҳозирги кунда ҳам бу ташкилотда соғлом фикрли ва тажрибали раҳбар, Республикамизнинг йирик олимларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Каримов Ҳамид Ёқубович ва бошқа жонкуяр ходимлар унинг янада тараққий этиши учун куч-қувватларини сарфлаб, фидокорона меҳнат қилиб бормоқдалар.

Қизил Ярим ой жамиятининг бошланғич ташкилотидан тортиб юқоригача бўлган барча ишга олинувчи ходимлар ушбу ташкилотнинг Ўзбекистонда пайдо бўлиш тарихи, олиб борган кўп қиррали фаолияти синовлардан ўтиб, ҳозирги кунда етук даражага етганлиги билан танишиб чиқишлари фойдадан холи эмас.



АЛЬБОМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

Вилоят ташкилотида сақланаётган альбомлар жамият Уставининг турли йўналишлари бўйича турли даврларда бажарилган ишлар ҳақида бирмунча ҳамда ишонarli маълумотларни олиш мумкин. Афсуски, вилоят ташкилотининг 1925 йилдан бошлаб 1950 йиллардаги даврлардаги фаолияти ҳақида деярли фотосуратлар сақланмаган. 1950 йилдан 2000 йилгача бўлган даврдаги фаолият бўйича альбомларда суратлар сақланган. Айниқса, турли йўналишлардаги дастурларнинг фаолият кўрсата бошлаши натижасида техник имкониятлар пайдо бўлгач, фотолавлар ва видеолавлар тўпланган.

Қуйида биз Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд вилоят ташкилотининг ўтган 90 йиллик фаолияти бўйича мавжуд фотосуратлардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.



Санитария дружинасининг амалий машгулотлари. 1950 йил.



Оқдарё туманидаги шафқат ҳамширалари курси битирувчилари умумтаълим мактабда. 1956 йил.



Санитария дружиниси сафи. 1957 йил.





*Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти меҳмонлари.
Изоҳсиз сурат. 1956 йил.*



Санитария пости аъзоси иш устида. 1957 йил.



*Ўзбекистон Қизил Ярим ой
жамияти Самарқанд область
комитетининг раиси Салахова
Зоя Пантелеевна. 1966 йил*



Мактаб санитария постлари мусобақалари. 1960 йил.



Санитария дружинасининг амалий машғулотлари. 1957 йил.



"Бошлангич ташкилот Қизил Ярим ой жамиятининг асоси" мавзусида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти область комитетининг раиси (жамоатчилик асосида) Субҳонқул Орипов маъруза қилмоқда. 1967 йил 27 ноябрь.



Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Марказий Қўмитасининг раис ўринбосари Г.Г. Визгалова Самарқандда ўтказилган бошлангич ташкилотлар бўйича семинарда нутқ сўзламоқда. 1967 йил 27 ноябрь.



*Бошланғич ташкилотлар фаолияти бўйича ўтказилган семинар иштирокчиларидан бир гуруҳи Булунғур районидagi "1-Булунғур" совхози бошланғич ташкилида.
1967 йил 29 ноябрь.*



*Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд шаҳар 6-ўй-жой бошқаруви бошланғич ташкили.
1967 йил сентябрь.*



Самарқанд қишлоқ хўжалик институти санитария дружинаси. 1967 йил.



Санитария дружинаси сафи. 1969 йил.



Бадапсиз қон тарғиботи. 1970 йил.



*Мактаб санитария постлари мусобақалари.
1970 йил.*



*Санитария инспектори дала шийпониди.
1970 йил.*



*Бадалсиз қон топширишга шай донор қизлар.
1970 йил.*



*Район комитети президиуми йиғилиши. Самарқанд тумани.
1971 йил.*



*Санитария дружинаси мусобақалари.
1970 йил.*



*Санитария дружинаси мусобақалари.
1970 йил.*



*Дала шийпони санитар бурчаги.
1970 йил.*



*Танзания Қизил Хочи раёсати аъзоси
Р.Р. Жаффер. 1971 йил.*



*Непал ёшлар қизилхочи вакиллари Биби-
хоним масжиди ҳовлисида. 1971 йил.*



Луглине 1970 год	рай гор комитте 1971 год
I место: 1. Хайтакурган Иштыжанский рн Самаркандский рн	Самаркандский рн Хайтакурганский рн 1. Хайтакурган
II место: 1. Ахдарышевский рн Хайтакурганский рн 2. Самарканд	Ахдарышевский рн Иштыжанский рн 2. Самарканд
III место: Нарнайский рн. Куратинский рн. Ургутский рн	Нарнайский рн Ургутский рн Тайарыкский рн.

1970-1971 йиллардаги вилоят ташкилотининг фаолияти якунлари буйича илгор район ташкилотлари.



Санитар инспекторлари дала шийпонида.
1970 йил.



LE COMITÉ INTERNATIONAL DE LA
CROIX-ROUGE



Mme Antonina A. ПИХИТЕЕВА

LA MÉDAILLE FLORENCE NIGHTINGALE

est décernée par le Comité International de la Croix-Rouge aux personnes qui se sont distinguées dans leurs activités de la Croix-Rouge qui se sont distinguées dans leurs activités de la Croix-Rouge.

Geneva le 12 JAN 1987

Флорес Найтенгейль медали соҳиби
Антонина Пихтееванинг мукофот ёрлиги.



Халқаро Қизил Хоч Кўмитасининг Президенти Александр Хей, Кўмита тезкор бошқаруви бошлиғи Жан Пьер Хаки, Минтақавий делегат Филипп Гранд Отвельд ва уни кузатувчи ходимлар Улугбек расадхонасида. 1978 йил 22 ноябрь.



Финляндия Қизил Хочи делегациси Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд чинни заводи бошланғич ташкилотида. 1979 йил август.

Суратда: Салахова З.П., Шарифжоновна К.С., Ражабова Б.К., Носиров Ф.Ш, Козлова Е.П.



Донорларни шарафлаш тадбири. 1983 йил.



1941 йилда яраланган жангчига қон берган жарроҳ врач-донор Бабкина Н.М.



Л. Ҳошимова фаол донорларга совгалар топширмақда. 1983 йил.



“Ёш тиббиётчи” клуби битирувчилар конференцияси раёсати. Олиб борувчи СаММИ ректори (кейинчалик Ўзбекистон соғлиқни сақлаш министри) Субҳонқул Орипов. 1987 йил.



Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд вилоят комитети раиси З. Салахова (ўртада). Унг томонида бош ҳисобчи З.Е. Самохвалова. Чап томонда Республика ўқув-методик маркази директори В. Субҳонқулова, тик турган кадрлар бўлими мутахассиси М. Шарапова. 1986 йил.



Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг 70 йиллик юбилейи тантаналарида вилоят кўмитаси раиси Л. Ҳошимова (ўнгда), жамият фаоли ва фахрийси Роза Бурнашевлар табрик сўзи билан чиқиш қилишмоқда. Вилоят кўеирчоқ театри биноси. 1995 йил.



Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг 70 йиллик юбилеи тантаналарида Хужа Аҳрор масжиди бош хатиб-имоми Ҳожи Ражабали Каримов табрик сўзи билан чиқиш қилмоқда. Вилоят кўғирчоқ театри биноси. 1995 йил.



Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг 70 йиллик юбилеи тантаналарида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти раиси Воҳидова Ўқтамхон Толиповна вилоят кўмитаси раиси Людмила Раҳимовна Ҳошимовага эсдалик совғасини топширмоқда. Вилоят кўғирчоқ театри биноси. 1995 йил.



Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти вилоят ташкилотида аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш ва Халқаро Инсонпарварлик ҳуқуқларини тарғиб қилиш бўйича ўтказилган семинар иштирокчилари: (чапдан ўнгага) Ургут, Жомбой туманлари кенгашлари раислари Махматмуродова Гулсина Исломовна ва Мардонова Раъно Ҳамроқуловна. Вилоят ҳокимлиги резиденцияси. 1996 йил.



Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти вилоят ташкилотида аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш ва Халқаро Инсонпарварлик ҳуқуқларини тарғиб қилиш бўйича ўтказилган семинар иштирокчилари. Вилоят ҳокимлиги резиденцияси. 1996 йил.



Испания Қизил Хочи билан ҳамкорликда ташкил этилган "Биринчи ёрдам" тиббий-ижтимоий марказининг очилиш маросими. Самарқанд шаҳар Ветеранлар Уйи. 1999 йил



Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Марказий Қўмитаси қошидаги "Ёшлар маркази" раҳбари М. Мирзажонов вилоят ташкилоти ёшлар қизиляримой ҳаракати ташкилотчиси А. Акбаров билан ўтказилётган семинар танаффуси пайтида. Вилоят ташкилоти "Ёшлар маркази" хонаси. 2001 йил.



*Ёшлар учун навбатдаги семинар машғулоти мавзуси муҳокамаси.
Вилоят ташкилоти "Ёшлар маркази" хонаси. 2001 йил.*



*"Биринчи ёрдам" дастури мувофиқлаштирувчиси Д. Алиева навбатдаги машғулотни
ўтказмоқда. Самарқанд шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлими биноси.
2004 йил.*



Кўнгилпилар учун амалий машғулот. 2004 йил.



Кўнгилпилар учун Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқларини тарғиб қилиш ва Қидирув хизмати бўйича амалий машғулот. Вилоят ташкилоти "Ёшлар маркази" хонаси. 2004 йил.



Тошкент вилояти Чимён тоғларидаги ўқув машқлари. 2005 йил.



Вилоят ташкилоти қошидаги кўнгилчилардан иборат қутқарув гуруҳининг дастлабки амалий машағуллари. Тошкент вилояти Чимён тоғлари. 2005 йил июль.



Вилоят ташкилоти қошидаги кўнгилчилардан иборат қутқарув гуруҳи ҳомийлари амалий машқлар майдончасида. 2005 йил август.



Вилоят ташкилоти ижрочи директори, ташкилий бўлими бошлиги ва фавқулодда вазиятлар дастури мувофиқлаштирувчисининг иш кабинети. 2005 йил.



Вилоят ташкилоти қутқарув гуруҳи командири Мансур ва гуруҳ аъзоси Ҳасан Тўрақулловлар Уреут туманидаги “Золотинка” болалар оромгоҳида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича машғулот ўтказишмоқда. 2006 йил июль.



Маҳаллалар раҳбарлари ва фаоллари учун фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича ўқув машғулоти. Ургут тумани ҳокимлиги биноси. 2006 йил.



Вилоят ташкилоти кўнгилчилардан иборат қутқарув гуруҳи командири Мансур Тўрақулов маҳалла фуқаролари билан биринчи ёрдам бўйича амалий машғулот ўтказмоқда. Самарқанд тумани Миронқул қишлоғи. 2006 йил.



Маҳаллалар раҳбарлари ва фаоллари учун фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича ўқув машғулотли. Нуробод тумани ҳокимлиги биноси. 2006 йил.



Маҳаллалар раҳбарлари ва фуқаролари учун фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича ўқув машғулотли. Нуробод тумани Омондара қишлоғи. 2006 йил.



Маҳаллалар раҳбарлари ва фаоллари учун фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича ўқув машғулоти. Булуғур тумани “Самарқанд” маҳалласи. 2006 йил.



Халқаро Инсонпарварлик ҳуқуқларини тарғиб қилиш ва Қидирув хизмати бўйича семинар. Каттақўрғон шаҳар Чордара маҳалласи. 2006 йил.



Вилоят ташкилоти кўнгилчилардан иборат қутқарув гуруҳининг фаол аъзолари Ҳасан Тўрақулов ва Рубен Агажанов талабалар билан биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича амалий машғулот пайтида. Самарқанд чет тиллар институти. 2006 йил.



Халқаро Инсонпарварлик ҳуқуқларини тарғиб қилиш ва Қидирув хизмати бўйича семинар. Каттақўرғон шаҳар маҳаллалар маркази. 2006 йил.



Халқаро Инсонпарварлик ҳуқуқларини тарғиб қилиш бўйича ўқув семинари иштирокчилари. "Константин" меҳмонхонаси. 2007 йил.



Вилоят ташкилоти қошидаги кўнгилчилардан иборат қутқарув гуруҳининг амалий машғулотлари. Бухоро шаҳри. 2007 йил.



Вилоят ташкилоти қошидаги кўнгилчилардан иборат қўтқарув гуруҳининг командири ўринбосари Александр Казаков гуруҳ сафига янгидан қўшилган кўнгилчилар билан амалий машғулот ўтказмоқда. 2011 йил.



Вилоят ташкилоти қошидаги кўнгилчилардан иборат қўтқарув гуруҳининг янгидан қабул қилинган кўнгилчилари билан Мансур Тўрақулов навбатдаги амалий машғулотлар олдидан. Нуробод тумани Сазогон қишлоғи. 2012 йил.



Қутқарув гуруҳининг олинган билимларни мустақкамлаш бўйича ўқув семинари. "Меҳрдод" ресторан комплекси. 2011 йил декабрь.



Бадалсиз қон топшириш учун тўпланган донорлар. Панжоб мадрасаси биноси. 2013 йил 19 декабрь.



FACTS AND FIGURES

Mukhabbat Khakberdiyeva works as a nurse at the Nurata Central District Hospital. As a volunteer she cares for 20 beneficiaries of the RCSU. The great service rendered by Mukhabbat is that she has set up the Mekhr-shafkat Mercy Service not only at the district center but in remote villages as well.

The majority of volunteers at the Youth Department of the Andijan regional branch of the RCSU are students of senior forms. They initiated gathering glassware and broken glass in the city. Using the money they raised the young people bought presents for their beneficiaries, i.e. elderly people who they help at home.

The volunteer Azamat Akbarov is a lecturer at the Samarkand State University and the chairman of the primary organization of the RCSU at this educational institution. Jointly with the volunteers of the Institute he arranged a charity evening party. The money raised at the event was used to buy clothes for needy students from multi-children families or orphans, or provide them with hot meals.

The participants of the Youth Camp - 2000



Following the participation in a youth workshop held by the Red Crescent Society of Uzbekistan the students of the last form of School No. 21 in Juzak, Atabek Salakhiddinov knew what to do. The school club set up by Atabek is well known in the city today. Atabek and his friends cleaned one of the premises. They whitewashed it and made it suitable for meetings. The club attracts young people and they visit it with pleasure.

The volunteer poster shows the seven Principles of the International Movement of Red Cross Red Crescent (see page 12 for components of the Movement). They tell their classmates about the essence of the Principles and hold seminars at the club. Many young people took the Principles to their hearts and took on the patronage of lonely, elderly people, drawing up a schedule of their visits. They named their club after Henry Dunant.

On one of the Saturdays the town was inspired at seeing a column of young people with posters walking along the central streets. Each of them was holding one of the Principles. Young people had spades and brooms. They walked to the city park and everyone was witness to the selfless work of schoolchildren cleaning the park. They trimmed the trees, watered them and the flowers, cleaned paths and fixed the children's playground. Nobody supervised them, nor did anyone demand anything from them, nor did anyone place responsibilities on them. All of them undertook this initiative because it came from their hearts.

Atabek Salakhiddinov is sitting for his admission exams to a military college next year. It is clear that he will leave his school and the club he set up. But the experience gained by him in the work for the Movement will be helpful. And there will be another person who will head the work he began and continue carrying it out in the club.

Why am I a volunteer?

- I think there are no other things that could give me such satisfaction as giving a hand to others. It is important to be aware of the fact that somebody needs you and to see confirmation of that need in real life.

- I like the principles and I like to live according to them.

- I'd like to be helpful.

- What I like as a volunteer is that my help may be needed at any time.

(From the questionnaire of the participants of the youth seminars held by the RCSU)

- I like to tell young people who don't know anything about the RCSU that such an organization exists and tell them about our activities.

- I'd like to do something for people and live as Henry Dunant lived.



Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти томонидан нашр этилган "Инсонпарварлик йўлида" журналининг биринчи сони саҳифаларидан бири.



Самарқанд шаҳридаги 14-автобус саройи бошланғич ташкилоти (ташкилот раиси М. Қурбонов)га берилган “Энг яхши бошланғич ташкилотга” эсдалик вимпели ва “Энг фаол донор ва донорлик тарғиботчисига” стол усти эсдалик совғаси. 1983 йил.



Самарқанд шаҳар стоматологик поликлиникаси пешлавлҳаси. Унда “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги. Қизил Ярим ой жамияти номидаги шаҳар стоматологик поликлиникаси” деб ёзилган.



Самарқанд шаҳридаги Абдурахмон Жомий ва Ўзбекистон кучалари кесишган жойда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг биринчи Фахрий раиси Йўлдош Охунбобоев яшаган уй деворига 1967 йил 14 майда ўрнатилган мармар лавҳа. Унда "Йўлдош Охунбобоев 1927-1943 йилларда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг биринчи раиси бўлган эди" деб битилган.



Вилоят ташкилотида 1963 йилда ташкил этилган фотоальбомдаги кириш сўзида қуйидаги маълумот ёзиб қолдирилган:

“1854 йил Қрим уруши пайтида буюк рус хирурги Н.И. Пирогов биринчи бўлиб ярадорларга жамоатчилик асосида биринчи ёрдам кўрсатишни ташкил этишнинг ташаббускори бўлиб чиққан. Пироговнинг ташаббуси билан биринчи марта шафқат ҳамширалари отряди тузилиб, ушбу отряд Севастополь ҳимоячиларига хизмат кўрсатишган. Россия 1867 йилда уруш қурбонларини ҳимоя қилиш ҳақидаги Конвенцияга имзо чеккан. Шундан кейин Петербургда касаллар ва беморларга хизмат кўрсатиш жамияти ташкил этилиб, 1869 йилда у Россия Қизил Хочи деб номланган. Улуғ Октябрь Социалистик Революциясига қадар Россияда Россия Қизил Хочи мавжуд бўлган. 1918 йилда янги Совет Қизил Хочи ташкил этилган. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилгач эса СССР Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Иттифоқи тузилган. Ушбу Иттифоқнинг раҳбар органи Жамият съездларида сайланадиган Ижроия қўмитаси (Исполком) бўлган. 1967 йилда Россия Қизил Хочининг ташкил этилганига 100 йил тўлиши муносабати билан у Ҳукумат томонидан Ленин ордени билан мукофотланган. Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг ташкил этилганига 25 йил тўлиши муносабати билан у Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий Ёрлиғи билан тақдирланган. Ўша даврдаги маълумот бўйича Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари жаҳоннинг 122 та мамлакатада мавжуд бўлган. Жамиятлар асосан инсон соғлигини сақлаш, касалликлар ва эпидемиялар, асосан ўта хавfli касалликларнинг олдини олиш, ҳарбий конфликтлар рўй берганда эса, ярадорларга ёрдам кўрсатиш, ҳарбий асирлар алмашинуви билан шуғулланган. Тинчликни ҳимоя қилишда Халқаро Қизил Хоч катта роль ўйнаган”.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг ташкил этилиш тарихи ва фаолиятдан лавҳалар	5
Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд вилоят ташкилоти тарихи ва фаолиятдан лавҳалар	39
Республика ўқув-методик марказининг ташкил этилиши тарихидан	68
Вилоят ёшлар Қизил Ярим ой ҳаракати	77
"Меҳр-шафқат хизмати" гуруҳининг жонкуяр ташкилотчиси	90
Вилоят ташкилотининг кундалик ҳаётидан айрим тафсилотлар	96
Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд вилоят ташкилотининг биноси ҳақида айрим маълумотлар	101
Хулоса	106
Альбомлар тилга кирганда	107

Ҳайдар ХОЛОВ

МУРУВВАТ ЙЎЛИДА

Муҳаррир:

Исомиддин ПЎЛАТОВ

Бадий муҳаррир:

Акбарали МАМАСОЛИЕВ

Мусаҳҳиҳ:

Дилфуза МАҲМУДОВА

«ТАФАККУР НАШРИЙОТИ»

Лицензия АИ № 182 08.12.2010.

Босишга рухсат этилди 04.05.2015.

Бичими 84x108 1/32. «Ariol Nagov Uzb95» гарнитураси. Тезкор босма.

Нашриёт-ҳисоб табоғи 9. Адади 200 нусха.

Буюртма № 30. Баҳоси шартнома асосида.

«Hilol-media» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Шараф ва Тўқимачи кўчалари кесишуви.